



АЛИШЕР НАВОИЙ

Бир  
парипайкаф

ҶАМН

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИИ

БИР ПАРИЖЛИКАР  
ФАМИ

(Ғазаллар, мустазод, қитъалар, рубоийлар,  
туюқлар, фардлар, «Маҳбуб ул-қулуб»дан,  
«Назм ул-жавоҳир»дан, «Арбаъин»дан)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2000

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
12048  
TOSHOVTAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Наширга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:  
филология фаnlари номзоди **Эргаш ОЧИЛОВ**.

Маъсул муҳаррир:  
филология фаnlари номзоди **Ваҳоб РАҲМОНОВ**

**Алишер Навоий**. Бир парипайкар ғами:  
(Ғазаллар, мустазод, қитъалар, рубойлар, туюқлар,  
фардлар, «Маҳбуб ул-қулуб»дан, «Назм ул-жавоҳир»дан,  
«Арбаъин»дан). — Тошкент: «Шарқ»,  
2006. — 176 б.

Миллат қуёши Алишер Навоий ижодидан тартиб берилган ушбу тўплам улуг шоир тафаккурининг дурдоналари — халқимиз ичида кенг тарқалиб, қўшиққа айланиб кетган, радио ва ойнаи жаҳон орқали ҳар қуни таралиб турадиган ҳассос ғазаллари ҳамда ўқувчилар орасида машҳур мустазод, қитъа, рубойи, туюқ ва фардлари, шушунгдек, «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавоҳир», «Арбаъин» асарларидан саралаб олинган пурмаъно шеърларини ўз ичига олади.

Сўз мулкининг султони билан навбатдаги учрашув сизга муборак бўлсин, азиз шеърят мухлислари!

**ББК. 84 Ўз1-5**

**ISBN 978-9943-00-009-4**

© «Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик  
компанияси Бош тахририяти, 2006.



## МАҲОРАТИ ҚИРРАЛАРИ

Султон Ҳусайн Бойқаро «Рисола» асарида Алишер Навоий ижодида юксак баҳо бериб, уни сўз мулкининг соҳибқирони деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, ўзининг қудратли қалами кучи билан ҳаётлигидаёқ Шарқ мамлакатларини забт этиб:

*Олибмен таҳти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрес —  
Ки, қилмишдур пайи килким шакаррез.  
Кўшгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,  
Не ёлгуз турк, балким туркмон ҳам.  
Не мулк ичраки, бир фармон йибордим,  
Анинг забтига бир девон йибордим, —*

дея ўзининг тенгсиз шеърий салоҳияти, асарларининг шухрати билан ифтихор этган шоир бугунги кунда беш аср беридаги забардаст халафи Абдулла Орипов ҳавас ва ҳайрат билан ёзганидек, «миллиард мартабали жаҳон» илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига қаратиб турибди:

*Байтишга бир бора қовулган ҳар лаб,  
Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.  
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,  
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.*

Алишер Навоий аслида Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Данте, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Толстой каби жаҳон адабиётининг забардаст намояндалари билан бир қаторда туради. Зеро, юксак бадиияти, тирафалсафаси, кенг қамрови, умуминсоний масалалар ўзининг ҳассос ифодасини топгани жиҳатидан Навоий

асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол намуналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи дунёнинг буюк санъаткорлари рўйхатида энг юқори ўришлардан бирини эгаллашга ҳар жиҳатдан муносиб. Жалолиддин Румий ўз даврида лутф этиб: «Агар муслимият Санойининг улуғлиги кўра билсайди, жамики мўминларнинг қалпоғи бошидан тушарди!» — деган эди. Биз бу фикрни бир оз ўзгартириб: «Агар инсоният Навойининг буюклиги аниқлаб етганида, уни дунёга берган халқни бошига кўтарар эди!» — деган бўлар эдик.

«Ҳафт авраиғ» хотимасида Абдурахмон Жомий Алишер Навойининг истеъдоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, у Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у асарларини туркийда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бонқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди, деб ёзади:

*Ки гар буди он ҳам ба пазми дари,  
Намонди мажоли суҳангустари.  
Ба мизони он пазми муъжизнизом  
Низомий ки буди-ю, Хусрав кадом?*

Алишер Навоий ижоди мангу барҳаётлигининг сирини шуандаки, у азалий ва абадий мавзуларни катта маҳорат билан қаламга олган: яхшилик, одамийлик, муҳаббат, вафо, дўстлик, мардонлик, одоб, ҳаё, саховат, қаноат, адолат, диёнат, олижаноблик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулм-зўрлик, хиёнат, дилозорлик, ёлгон, ҳасад, риё, кибр, хасислик, тама, нафсга қул бўлиш, ноҳақлик сингари иллатларни кескин танқид қилган. Инсоният жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада янайди. Бинобарин, Навоийдек ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади.

Алишер Навоий мероси юксак бир тоғга ўхшайди: узоқдан шундоққина қўл етгудай масофада кўринса-да, бу беқиёс ижод оламига кириб борганингиз сари упиш пақадар улугворлигини ҳис қиласиз. Олам ва Одамга дахлдор барча масалалар, тушунчалар ўзининг бетакрор бадий талқинини топган бу шаклаш гўзал, мазмунан серқирра асарлари мутолаа қилар экан, бир томондаи, шоирнинг қанчалик буюклигини эътироф этсангиз, иккинчи томондаи, унинг олдида ўзингизнинг қанчалик ожизлигингизни англаб етасиз. Шарқ сўз санъати ўзигача эришган барча ютуқларни ўзида мужассамлаштирган бу шеърят ҳақиқатаи ҳам тераи, мураккаб, ранг-баранг. Хусусан, ҳозирги кунда Навоийни ўқиб тушуниш олдида олий математика ҳеч нарса бўлиб қолди. Чунки буниш учун Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти, мумтоз сўз санъатининг ижодий методи, образлар олами, ўзига хос рамзу тимсоллари, бадий санъатлар, аруз вази, араб ёзуви (ҳарфий ўйинларга асосланган шеърлар, абжад-таърихларни тушуниш, муаммо жанридаги намуналарини ечиш учун), эски ўзбек тилини билиш, форс ва араб тилларидан маълум даражада хабардор бўлиш талаб қилинади.

Шарқ мумтоз сўз санъатида нафақат янги гаи айтиш, тераи фикр ифодалаш, балки ана шу янги гап, тераи фикрни қандай шаклда, қайси бадий санъатлар воситасида акс эттириш ҳам бирдай муҳим бўлган. Бу адабиётда бадийятдан маҳрум қуруқ суханбозликка ружу қўйиш мазаммат этилган. Шоирга ҳаётини долзарб ва муҳим мавзуларда қалам тебратиши эмас, балки бадий баркамол асарлар яратганлигига қараб баҳо берилган. Шунинг учун ҳам Шарқда шеърнинг ва шоирнинг қадри баланд тутилган.

Алишер Навоийнинг асрдан-асрга ўтган сари тобора ошиб бораётган шухратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадийятида. Шоир шеърлари нафақат мазмунининг чуқурлигию фалсафасининг қуюқлиги, балки шаклан гўзаллиги, бадий санъатларга бойлиги, ҳассос руҳи ва ёқимли оҳанги билан ҳам кишини ўзига торта-

ди. У ўзбек тилини улувлабгина қолмай, айна пайтда, ўзбек адабиётини, бадий сўзи-да юксак пояга кўтарди. Навоий асарларининг ҳамisha, ҳамма даврларда авлодлар учун қўл етмас чўққи бўлиб қолаётганлигининг сабаби шунда.

Навоий ижодида бадий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, маизарани гўзал бадий санъатлар воситасида юксак маҳорат билан ифодалайди. Чупончи:

*Ёр овиз очмасқа дардим сўрғали тоғтим сабаб:  
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.*

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таълил санъатининг гўзал намунаси. Ҳусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қилдилар. Буца келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Келтирилган байтда ҳам маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширилигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки «гўзал ёлғон», лекин ушбу ташбеҳ ўзининг оҳорли ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Кўйидаги байтда эса ёрининг ортиқ жабру жафо қилмай қўйганини унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғонгани эмас, балки ўзига кўрсатмаган жабру жафоси қолмагани билан асослайди:

*Ёрким, қилмас жафову жавр — эрмас раҳмдин —  
Ким, манга кўргузмаган жавру жафоси қолмамиш.*

Маъшуқанинг ўз оширига жафо қилишдан қўл тортиши (аслида уни упутиб қўйиши)нинг сабаби сифатида келтирилган бу далил гарчи ёлғон бўлса-да, ўзининг за-

рофати, гўзаллиги, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатга ўхшаб кетиши билан ўқувчида эстетик завқ уйғотади.

Аслида адабиёт, хусусан, шеърият «гўзал ёлғон»дан иборат. Шоир «рост» гапира бошласа, ҳамма нарсаини ўзида «қўшиб-чатмай», ўхшашига қиёсламай, бор ҳолича яланғоч тасвирласа, шеъриятнинг оддий гапдан фарқи қолмайди. Шоирнинг шоирлиги ҳам ана шу «гўзал ёлғон»ни қанчалик маҳорат билан «тўқий олишни» ва ўқувчини бунга ишонтира олишида намоён бўлади.

Илми бадеъда машҳур санъатлардан бири ҳусни ибтидо ёки ҳусни матлаъ бўлиб, у шеърни чиройли байт билан бошлашдир. Шарқ шеъриятида матлаъни гўзал бошлашга ҳаминша жиддий эътибор бериб келинган. Чунки мулла бисмиллосидан маълум деганларидек, шеърнинг қандайлигини ҳам унинг илк байтидан билса бўлади. Яхши шеърнинг барча байт ва мисралари бирдай гўзал бўлади, маҳоратли шоир бўш ва заиф мисралар тизмайди. Алишер Навоийнинг «Чор девон»идан ўрин олган 2600 та ғазалдан барчасининг матлаъси гўзал, лекин айримлари бу санъатнинг дурдоналари даражасига кўтарилган. Жумладан:

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшапроқ бўлур торин париншон айлагач.*

Шамъ шундай ҳам ёниб, ёруғлик таратади, лекин пилиги толаларини ёзиб юборса, унинг ёниш доираси кенгайиб, ёруғлиги кучаяди ва кенроқ сатҳни ёритади. Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шундай ҳам ҳуснига ҳусн қўшади, шундай ҳам унда муаттар ҳид таралади, лекин уни ёзиб юборса, ҳам ҳиди гуркираб кетади, ҳам чиройини янада очади ва ошиқлари сафи янада кўпаяди.

Навоий ташбеҳлари ҳаминша ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради: у теварак-атрофдаги ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган нарса-ҳодисалардан ўз фикрини гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун фавқулодда ажойиб ва оҳорли қиёслар, ўхшатишлар топади:



*Андоқ кўрунди сабза аросинда лолалар —  
Ким, сабзхатлар илгида олтун пиёлалар.*

Бу ерда майсалар ичра яшнаб турган лолалар қўлида олтин пиёла тутган гўзалларга ўхшатилаяпти.

Шоирнинг ҳақиқий шоирлиги аслида у ёки бу нарса-ни ўзининг қанчалик муносиб ўхшашини топиб, гўзал ва оҳорли ташбеҳлар воситасида тасвирлашида намоёни бўлади. Шунчаки баёнчилик таъби пазми бор ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Лекин чинакам бадиият дурдоналарини яратиш ҳақиқий истеъдодга на-сиб қилади.

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,  
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг наққошни.*

«Чин (Хитой)лик мусаввир суратингни чизиш учун келган эди, лекин юзингни очининг билан унинг ўзи де-ворга чизилган суратга ўхшаб қотиб қолди».

Маълумки, қадимги Хитойда мусаввирлик ривож-ланган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида мусав-вирларнинг маҳоратда тенгсизлигини таъкидлаш учун уларни албатта чинлик қилиб кўрсатадилар. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг наққошлик санъ-атидаги устози Монийнинг ҳам чинлик эканини эс-ланг. Шундай қилиб, таърифи етти иқлимга машҳур гўзалнинг суратини чизинга келган чинлик маҳоратда тенгсиз мусаввирнинг ўзи «нақши девор» — деворда-ги суратга айланади.

Нуриддин Шукуров ҳақли равишда лутф этганидек, бу байт асосида бемалол бир ҳикоя ёки қисса яратиш мумкин.

Ёш бола бор уйда ҳеч нарса, ҳатто ўғрилиқ ҳам пинҳон қолмайди. Шунга ўхшаб, кўз ёши ҳам кишининг ички сирини фош қилиб қўяди, дейди шоир:

*Оразни кўрдум, пинҳон анк айлади сирримни фош,  
Яшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёл.*

Албатта, бундай қараганда, кўз ёши ва ёш боланинг бир-бирига ҳеч қандай нисбати йўқ. Лекин Навоийнинг маҳорати шундаки, бу ерда у кўз ёши ва ёш боланинг муайян хусусияти аро муштаракликни топа олган — бу: кўз ёши — илсоннинг, ёш бола — хонадоннинг сирини фош қилиши. Ёш сўзининг икки маънони — ҳам кўз ёши, ҳам ёш болани билдириши шоирга қўл келган.

Кўрипадики, Навоий ташбеҳ санъатини ҳадди аъло-сига етказган — шоир шеърларида ташбеҳнинг фавқулудда, бир-биридан гўзал ва бетакрор намуналарига кўп дуч келамиз. Айтайлик, шоир ишқинг ўтида бутун жисму жоним куйгани учун кўнгилнинг кўкрак қафасини синдириб чиқишга уриниши ҳайрон қоладиган ҳодиса эмас, деб ҳарчанд оху фарёд чекмасин, бу ҳолатини уйига ўт тушган кишининг ўзини ҳар ёққа уришига ўхшатмаса, унчалик таъсирли чиқмас эди:

*Жисмим агар куяр, кўнгул толпинури ажаб эмас,  
Кимки уйига тушса ўт, йўқ ажаб изтироб анга.*

Алишер Навоий муболаға санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифни ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёки ерга уриб юборади. Бу усул муболаға деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболаға мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сифса-ю, одатдан ташқари бўлса, унга иғроқ дейилади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сифмаса, ғулув деб юритилади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Навоий ижодида муболағанинг барча турларига дуч келиш мумкин. Мисол учун, у маҳбубамни кутиб, тонг отгунча кипригимга уйқу қўнмади, деса, бу гапга ҳамма ҳам ишонади:

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

Бу муболаганинг таблиғ турига мисол бўла олади.

Лекин шоир ушбу ҳижрон кечасини ногаҳон туш кўрсам, унинг даҳшатидан заҳрам (ўт нуфагим) ёрилиб, ўлган бўлар эдим дер экан, бу даъво ақлга сивса ҳам, одатдан ташқари. Демак, бу ифроқ ҳисобланади:

*Ушбу ҳижрон кечасини туш кўрсам эрди ногаҳон,  
Ўлғай эрдим ваҳмдин. албатта, заҳрам ёрилиб.*

Шоир ижодида муболаганинг «Товғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим» қабилидаги қулув тури кўпроқ учрайди:

*Бўлубтур заъфим ул янгликки, боссам мўрни ўлмас  
Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин чиқар жоним.*

«Шунчалик заифлашибманки, чумолини боссам ҳам, у ўлмайди, лекин чумоли устимга чиқса, оғирлигидан жоним чиқади».

Албатта, одам боласининг бу даражада заифлашиши одатдан ташқари, ақлга ҳам тўғри келмайди. Байт орқали шоир ишқ дастида ҳаддан ортиқ ранжу азоб чекиб, ожизу нотавап бир аҳволга тушганлигини муболага йўли билан билдирмоқда.

Навоий ижодида ташхис санъатига ҳам кўп дуч келамиз. Ташхис деб илми бадеъда шахслаштириш, яъни табиатдаги нарса-ҳодисаларни жонлангириб, уларга инсонга хос хусусиятларни нисбат беришга айтилади.

*Янги ойни қошинг гўё қулум дебтур ҳилол отлиқ,  
Қади таъзим учун хамдур бўлуб бу нуктадин мамнун.*

«Қошинг янги ойни Ҳилол отлиғ қулим деганига у бу илтифотдан мамнун бўлиб, таъзим учун қақдини хам қилибди».

Бу ерда ҳилол жонлангирилиб, инсонга ўхшаб таъзим қилирилоқда. Айни пайтда, байтда ҳусни таълил санъати ҳам мавжуд: ҳилолнинг эгиклигига унинг маъ-

шуқа қошига таъзим қилаётгани сабаб қилиб кўрсатил-  
моқда.

Қуйидаги байтда эса сабо жошлантирилиб, у гунча-  
нинг ёқасини йиртиб, қўйинини ҳарчад ахтармасин,  
маҳбубанинг жошбахш каломидек сўз гавҳарини топма-  
ганлиги айтилаяпти:

*Каломинг гавҳаридек топмамиш, гарчи сабо илги  
Ёқасини гунчанинг йиртиб, нечаким қўйинини*

*ахтармиш.*

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижодида бадий санъатлардан холи шеър тугул, байт ҳам йўқ экан. Албатта, у тазод, талмеҳ, ийҳом, ирсол ул-масал, тажоҳули орифоиа, лафф ва нашр, истиора, тажнис, тапосуб, ружуъ, такрор, тарсеъ, саволу жавоб, қалб, иштиқоқ, тарди акс, фахрия, каломи жомеъ, зулқофиятайи каби кўпдан-кўн санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланганки, уларнинг барчаси ҳақида бу ерда фикр юритишининг имкони йўқ. Шоир маҳоратининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадий баркамоллиги ҳам шунда. Айни жиҳатдан, Абдулла Орипов: «Навоий ғазалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеърятимиздаги хулосадан бир неча маротаба балоид туради», — деганида ҳақли эди. Бутун бошли шеърни биргина ташбеҳ ёки деталь асосига қураётган ҳозирги ёш шоирлар учун Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижоди бу борада маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

*Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фаилари номзоди*

## ҒАЗАЛЛАР

Қаро кўзум, кел-у, мардумлиғ<sup>1</sup> эмди фан<sup>2</sup> қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин<sup>3</sup> яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингга<sup>4</sup> бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга гамзада<sup>5</sup> жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида тошилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан<sup>6</sup> қилғил.

Юзунг висолига етсун, десанг, кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан<sup>7</sup> қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монёв,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб<sup>8</sup> ила юв-у, гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ<sup>9</sup> ўқин шамъи анжуман қилғил.

<sup>1</sup> М а р д у м — 1) киши; 2) кўз қорачиғи.

<sup>2</sup> Ф а н — бу ерда: касб, одат; мақсад.

<sup>3</sup> Р а в з а — 1) боғ; 2) жаннат.

<sup>4</sup> Т а к о в а р — йўрға от.

<sup>5</sup> Г а м з а д а — гамгин, қайғули.

<sup>6</sup> К ў ҳ к а н — 1) тоғ қазувчи; 2) Фарҳоднинг лақаби.

<sup>7</sup> Ч и н и л а ш и к а н — ҳалқа ва жингалак;

<sup>8</sup> Г у л о б — шакар, сув, атиргул япроқларидан тайёрланадиган хушбўй ичимлик; мажозан: кўз ёши.

<sup>9</sup> Б о ш о ғ л и ғ — ўтқир учли, ўтқир тивли.

\* \* \*

Кеча келгумдур дебон ул сарви<sup>1</sup> гулрў<sup>2</sup> келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтим-у, чектим йўлида интизор,  
Келди жон овзимга-ю, ул шўхи бадхў<sup>3</sup> келмади.

Оразидек<sup>4</sup> ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек<sup>5</sup> ҳам ўлганда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким, йивладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени —  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,  
Йўлраким аввал қадам, маъшуқи ўтру<sup>6</sup> келмади.

Эй Навоий, бода<sup>7</sup> бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

<sup>1</sup> С а р в — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қади-қоматини унга нисбат берадилар.

<sup>2</sup> Г у л р ў (й) — гул юзли; гўзал, чиройли.

<sup>3</sup> Б а д х ў (й) — феъли ёмои; бу ерда: ситамгар маҳбуба.

<sup>4</sup> О р а з — юз, чеҳра.

<sup>5</sup> Р ў з г о р — 1) турмуш, ҳаёт; 2) тақдир; 3) давр, замон.

<sup>6</sup> Ў т р у — қарши, муқобил, рўпара.

<sup>7</sup> Б о д а — май, шароб, маст қилувчи ичимлик. Тасаввуф адабиётида ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.



\* \* \*

Кўргали ҳуснушгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга?!

Ҳар печа дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил манга, зулм айладиңг,  
Сен қачон дедиңг, фидо бўлғил манго, бўлдум санга.

Қай паринайкарға<sup>1</sup>, дерсен, телба бўлдуңг бу сифат,  
Эй паринайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга!

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга!

Жоми Жам<sup>2</sup> бирла Хизр суйи<sup>3</sup> насибимдур мудом,  
Соқнѐ<sup>4</sup>, то тарки жоҳ<sup>5</sup> айлаб, гадо бўлдум санга.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ<sup>6</sup> аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

<sup>1</sup> П а р и н а й к а р — парига ўхшаш, гоёт гўзал; париваш.

<sup>2</sup> Ж о м и Ж а м — Жамшид жоми. Ж а м — Жамшид номининг қисқарган шакли. Ж а м ш и д — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. Жамшид «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги шафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс эгар экан. Май қадаҳи ва комил нисон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

<sup>3</sup> Х и з р с у й и — оби ҳаёт: Хизр алайҳиссалом ер остидан топган ва ичиб абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда сатъ-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томошидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

<sup>4</sup> Соқий деганда сўфийлар, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улангани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, гайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

<sup>5</sup> Ж о ҳ — 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) обрў-эътибор.

<sup>6</sup> У ш ш о қ — ошиқлар.



\* \* \*

Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас —  
Ким, ул ойнинг ҳажри ҳам аввалғиларға ўхшамас.

Не ситамким қилса, раҳм махфий эрди зимнида<sup>1</sup>,  
Эмди қилса ҳар ситам аввалғиларға ўхшамас.

Демангиз, Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,  
Хўблнкда<sup>2</sup> ул санам аввалғиларға ўхшамас.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,  
Ўлмишамким, бу алам аввалғиларға ўхшамас.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени —  
Ким, бу расвои дижам<sup>3</sup> аввалғиларға ўхшамас.

Кўйишинг эҳромидиг<sup>4</sup> кўнглумни маъъ этманг яна —  
Ким, анга азми ҳарам<sup>5</sup> аввалғиларға ўхшамас.

Эй Навоий, қилма Жамшиду Фариду<sup>6</sup> васфиким,  
Шоҳ Ғозийға<sup>7</sup> карам аввалғиларға ўхшамас.

---

<sup>1</sup> З и м н и д а — орасида, ичида.

<sup>2</sup> Х ў б л и к — 1) гўзаллик; 2) яхшилик.

<sup>3</sup> Д и ж а м — эзилган, хор, ғамгин, азоб чеккан.

<sup>4</sup> Э ҳ р о м — 1) ҳажга борувчилар кийими; 2) бирор ерга боришни ни-  
ят қилиш.

<sup>5</sup> А з м и ҳ а р а м — ҳаж сафари нияти.

<sup>6</sup> Ф а р и д у н (А ф р и д у н) — қадимги Эроннинг пешоддийлар су-  
лоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У адолат рамзи ҳисобланади.

<sup>7</sup> Ш о ҳ Ғ о з и й — Султон Ҳусайн Бойқаро.





\* \* \*

Қоши ёсинму<sup>1</sup> дейин, кўзи қаросинму дейин?  
Кўнглума ҳар бириинг дарду балосинму дейин?

Кўзи қаҳринму дейин, кирпика захринму дейин,  
Бу кудурат аро рухсори сафосинму<sup>2</sup> дейин?

Ишқ дардинму дейин, ҳажр пабардинму<sup>3</sup> дейин,  
Бу қатик дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли<sup>4</sup> каломинму дейин,  
Бирининг қайди<sup>5</sup>, яна бирнинг адосинму дейин?

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму<sup>6</sup> дейин?

Чарх ранжинму дейин, даҳр<sup>7</sup> шиканжинму<sup>8</sup> дейин,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

---

<sup>1</sup> Ё с и н м у — ёй (камон)дай қайрилма қошиними?

<sup>2</sup> С а ф о — 1) поклик, тиниқлик; 2) гўзаллик.

<sup>3</sup> Н а б а р д — уруш, жанг, муҳораба.

<sup>4</sup> Л а ъ л — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг қизил лабини унга писбат берадилар.

<sup>5</sup> Қ а й д — бапд, занжир, кишан.

<sup>6</sup> Қ а б о — устки кийим.

<sup>7</sup> Д а ҳ р — 1) дунё; 2) замон; 3) ҳаёт.

<sup>8</sup> Ш и к а н ж — букилиш, буралиш; бу ерда: ранжу азоб.



\* \* \*

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд<sup>1</sup> этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мандин истагай баҳра?!  
Чу<sup>2</sup> улким, баҳрас андин тилармен, бахраманд этмас.

Нетай ҳуру нари базминки, қатлим ё ҳаётимга  
Аён ул захрчашм<sup>3</sup> айлаб, ниҳон бу нўшханд<sup>4</sup> этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малохатдин  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки<sup>5</sup> қотилваши<sup>6</sup> мажнуншиоримким<sup>7</sup>,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд<sup>8</sup> этмас.

Кўнгул уз чарх золидин<sup>9</sup>, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин<sup>10</sup> ўзга бўйнунгга каманд<sup>11</sup> этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра синанд<sup>12</sup> этмас.

<sup>1</sup> Аржуманд — азиз, қадрли, шарафли, лойиқ.

<sup>2</sup> Чу — чунки.

<sup>3</sup> Чашм — кўз. Заҳрчашм — кўз тегизмоқ.

<sup>4</sup> Нўшханд — чиройли табассум, ширни кулги.

<sup>5</sup> Чобук — тез, чақдон; шўх, ўйноқи гўзал.

<sup>6</sup> Қотилваш — қотилга ўхшаш, қотилдек.

<sup>7</sup> Мажнуншиор — мажнунлик (телбалик) йўлини тутувчи.

<sup>8</sup> Саманд — тулиор, арғумоқ; чиройли от.

<sup>9</sup> Чарх золи — фалак.

<sup>10</sup> Сарришта — калаванинг учи; ишнинг асоси.

<sup>11</sup> Каманд — тузоқ, арқон; ҳалқа, банд, сиртмоқ.

<sup>12</sup> Синанд — исирик.

1228

17





\* \* \*

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!  
Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдига  
Ҳар тарафдин юз туман<sup>1</sup> тиғи жафосин кўрмадим?!  
Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,  
Ҳар вафога юз жафо анинг жазосин кўрмадим?!  
Кимга жонимни асир этгимки, жоним қатлига  
Ғайр<sup>2</sup> сари хулқу лутфи жонфизоси<sup>3</sup> кўрмадим?!  
Кимга солдим кўз қарою оқини ишқ ичраким,  
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!  
Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ<sup>4</sup>, эй рафиқ<sup>5</sup>—  
Ким, мен унбу хайлини<sup>6</sup> ҳусни вафосин кўрмадим.  
Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида —  
Ким, бу ишда дайр пирипи<sup>7</sup> ризосин кўрмадим.

<sup>1</sup> Т у м а н — ўн минг; ниҳоятда кўп, сановига стиб бўлмайдиган.

<sup>2</sup> Ғ а й р — ёт, бегона.

<sup>3</sup> Ж о н ф и з о — жонга роҳат берувчи, фараҳбахш.

<sup>4</sup> Т а в а қ қ у ъ — қутини, кўз тутини; умид, орау.

<sup>5</sup> Р а ф и қ — дўст, ёр, ҳамдам, ҳамроҳ, сирдош.

<sup>6</sup> Х а й л — тоифа, гуруҳ, эл, жамоа.

<sup>7</sup> Д а й р — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Суфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиддан ҳузурлавишни билдиради. Д а й р п и р и — майхона пири, яъни тариқат пири, маънавий раҳбар.



\* \* \*

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай,  
В-ар<sup>1</sup> гамима шумора<sup>2</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ранжима йўқ эса адад — хост<sup>3</sup> бу эрса, пайлайн,  
Дардима гар канора<sup>4</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлурига, зоҳидо<sup>5</sup>,  
Ҳожати истихора<sup>6</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ёрдин элга комлар<sup>7</sup>, буки менинг сари гаҳи  
Кўз учидин назора<sup>8</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Машъали васл ила улус<sup>9</sup> номи мунаввару менинг —  
Бахтима бир шарора<sup>10</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Қисми азалга шодмен, буки фалак риояти,  
Ҳолима оншора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Дедим: эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди:  
Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

<sup>1</sup> В-а р — ва агар.

<sup>2</sup> Ш у м о р а — саноқ, ҳисоб.

<sup>3</sup> Х о с т — хоҳиш, истак; талаб.

<sup>4</sup> К а н о р (а) — соҳил, қирғоқ; тараф.

<sup>5</sup> З о ҳ и д — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охираат мағфиратини қозошини, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишини. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдаш мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу иштини тамағирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни тавқид қиладилар.


<sup>6</sup> И с т и х о р а — туш кўриб, фол очини.

<sup>7</sup> К о м — бу ерда: орау, мақсад; етишини, ноил бўлини.

<sup>8</sup> Н а з о р а — қаранг, назар солини.

<sup>9</sup> У л у с — халқ, эл, омма.

<sup>10</sup> Ш а р о р а — 1) учқун, аланга; 2) алам, дард.



\* \* \*

Бир парипайкар гами ошуфтаҳол<sup>1</sup> этмиш мени,  
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини<sup>2</sup> не тонг<sup>3</sup>, кўргузсалар бир-биргаким,  
Эгма қошинг фикри андоқким ҳилол<sup>4</sup> этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўткан кеча  
Бода зўр айлаб, йиғи безътидол<sup>5</sup> этмиш мени.

Ёр кўйи ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,  
Иниқ гавғоси бу янглиғ<sup>6</sup> поймол этмиш мени.

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур<sup>7</sup> ҳайъатим<sup>8</sup>,  
Фурқатинг<sup>9</sup> то заъфдин<sup>10</sup> андоққи нол<sup>11</sup> этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламға, мен — ким, зуҳд<sup>12</sup> — ким?!  
Зоҳиди афсурда<sup>13</sup> оё<sup>14</sup> не ҳаёл этмиш мени?!

Дашт ваҳшига анис<sup>15</sup> ўлсам Навоийдек, не тонг,  
Ул пари савдоси чун Мажнун мисол этмиш мени.

<sup>1</sup> Ош у ф т а ҳ о л — паришонҳол, ғам босган.

<sup>2</sup> Ҳ а в о й и — ошиқ, беқарор, саргардон.

<sup>3</sup> Т о н г — ажаб, таажжуб, ҳайронлик.

<sup>4</sup> Ҳ и л о л — янги чиққан ой, уч кушлик ой; мажозан: қош.

<sup>5</sup> Э з т и д о л — ўртачалик, муътадиллик.

<sup>6</sup> Я н г л и ғ — каби, сингари, ўхшаш.

<sup>7</sup> Б а р қ — 1) чақмоқ, яшин; 2) ўт, олов, аланга; 3) шуъла, нур.

<sup>8</sup> Ҳ а й ъ а т — шакл, кўриниш, сурат.

<sup>9</sup> Ф у р қ а т — айрилиқ, жудолик.

<sup>10</sup> З а ъ ф — қувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик.

<sup>11</sup> Н о л — қамиш ичидаги ҳарирсимон нарса

<sup>12</sup> З у ҳ д — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсозлик.

<sup>13</sup> А ф с у р д а — эзилган, тушқун, ғамгин, хаста.

<sup>14</sup> О ё — магар, мабодо, балки.

<sup>15</sup> А н и с — дўст, улфат, ҳамсуҳбат, ҳамдард.



\* \* \*

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон<sup>1</sup> айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин париншон айлагач.

Юзни гуллардин беабму бизни қурбон айладинг,  
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тиг ила пайконларинг<sup>2</sup> етти кўнгул бўлгоч хароб,  
Сув қўюб, тухм экинг, ул кишварни<sup>3</sup> вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун<sup>4</sup> хулла<sup>5</sup> жаннат хозини<sup>6</sup>,  
Ишқ мақтулин<sup>7</sup> шаҳид айларда урён<sup>8</sup> айлагач.

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул, кўзуми ҳайрон айлагач.

Жонга қўйгач нақди ишқинг, қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур<sup>9</sup> маҳрамни<sup>10</sup> султон ганж<sup>11</sup> пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас педурким, қон келур оғзингдин афгон айлагач?!

<sup>1</sup> А н б а р а ф ш о н — анбар сочувчи, ёқимли ҳид таратувчи.

<sup>2</sup> П а й к о н — камон ўқининг учидаги учлик темир; найзанинг ўткир учи.

<sup>3</sup> К и ш в а р — мамлакат, ўлка, вилоят; иқлим.

<sup>4</sup> Г у л г у н — гулранг, пуштиранг, қизил.

<sup>5</sup> Х у л л а — нафис матодаи тикилган кийим.

<sup>6</sup> Х о з и н — хазиначи, қуриқчи.

<sup>7</sup> М а қ т у л — қатл қилинган, ўлдирилган.

<sup>8</sup> У р ё н — ялангоч.

<sup>9</sup> Ў л т у р у р — бу ерда: ўлдирди.

<sup>10</sup> М а ҳ р а м — бу ерда: содиқ хизматкор маъносида.

<sup>11</sup> Г а н ж — 1) хазина, бойлик; 2) нақд пул, олтин, кумуш.



\* \* \*

Кўзунг не бало қаро бўлуптур —  
Ким, жонға қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди  
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,  
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сари анга ҳаво<sup>1</sup> бўлуптур.

Бақо топар улки, бўлди фоний<sup>2</sup>,  
Раҳравға<sup>3</sup> бақо<sup>4</sup> фано<sup>5</sup> бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

---

<sup>1</sup> Бу байтда ҳаво сўзи биринчи мисрада — майл, орау, иккинчи мисрада — парвоз маъносиде келаяпти.

<sup>2</sup> Ф о н и й — йўқолиши, маҳв бўлиш. Тасаввуфда моддий бевлиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худо ёди билан яшаш, Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик.

<sup>3</sup> Р а ҳ р а в — йўловчи, солиқ, мурид: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

<sup>4</sup> Б а қ о — абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодан кейин келувчи сўнгги босқич. Бақоға етиш учун солиқ дунёвий бевлиқликлардан тамомла озод бўлиб, руҳини юксалтиради ва бевосита Худони идрок этади.

<sup>5</sup> Ф а н о — тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни банарий хусусиятларининг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлини.

\* \* \*

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,  
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қора туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қора туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,  
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони<sup>1</sup> йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,  
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони<sup>2</sup> йўқ.

Зулматеким, чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,  
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони<sup>3</sup> йўқ.

Дўзахеким, равзаи ризвондин ўлғай поумид,  
Бир хуморедурки<sup>4</sup>, анда мастлиғ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор  
Ҳажрдин дарди-ю, лекин васлдин дармони йўқ.

<sup>1</sup> М а ҳ и т о б о н — равшан нур сочувчи ой; мажозан: маънуқа.

<sup>2</sup> Афсонага кўра, чашмаи ҳайвон, яъни оби ҳаёт чапмаси, тириклик суви ер остидаги қоронғилик — зулмат қаърида сақланади.

<sup>3</sup> Р а в з а и р и з в о н — жаннат боғлари.

<sup>4</sup> Х у м о р — мунгоқ, майнараст. Тасаввуфда ширин комил ва муридиди восилга ишора.





\* \* \*

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон бaсe<sup>1</sup> қилдим фидо, оромижоие топмадим.

Ғам била жонимға етгим, ғамгусоре<sup>2</sup> кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне<sup>3</sup> топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,  
Бир камонабрўда<sup>4</sup> тузлукдин<sup>5</sup> нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, гулча — пайкон, гул — тикон,  
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне<sup>6</sup> топмадим.

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек иотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин булғажаброқ<sup>7</sup> достоне топмадим.

Табъ ганжидин маони<sup>8</sup> хурдасин<sup>9</sup>, юз қатла ҳайф —  
Ким, нисор<sup>10</sup> этмакка шоҳи хурдадоне<sup>11</sup> топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

<sup>1</sup> Б а с e — кўп, бениҳоя, шу қадар.

<sup>2</sup> Ғ а м г у с о р — тамдан халос қилувчи, меҳрибон.

<sup>3</sup> Д и л с и т о н — кўнгилни ўзига асир қилувчи; маъшук.

<sup>4</sup> К а м о н а б р ў — қоши камон.

<sup>5</sup> Т у з л у к — тўғрилиқ.

<sup>6</sup> Г у л с и т о н — гулистон. Вазн талаби билан шундай ёзилган.

<sup>7</sup> Б у л ғ а ж а б — ажойиб, ҳайрон қоларли.

<sup>8</sup> М а о н и (й) — маънолар.

<sup>9</sup> Х у р д а — бу ерда: сир.

<sup>10</sup> Н и с о р — 1) сочин; фидо қилиш.

<sup>11</sup> Х у р д а д о н — позикфаҳм, ўткир заковатли.



\* \* \*

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,  
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебои саъй этмангиз,  
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,  
Ишвагарлар аҳдиға йўқ эътибор, эй дўстлар.

Айламанг бекаслигимни<sup>1</sup> таън, бир кун бор эди  
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор<sup>2</sup>, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен, охир, сиз қилинг  
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Ёрсиз ифрот<sup>3</sup> ила гар йивласам, айб этмангиз —  
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлуқ айлаб, тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,  
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.

Май ичингим, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ  
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин фанимат англабон шукр айлангиз —  
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

<sup>1</sup> Б е к а с — кимсасиз, ёлғиз, вариб.

<sup>2</sup> Ч о б у к с у в о р — моҳир чавандоз; мажозан: маъшуқа.

<sup>3</sup> И ф р о т — ҳаддан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш.



\* \* \*

Ўн сакиз минг олам ошуби<sup>1</sup> агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўи сакиз йил хусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур  
Хусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон<sup>2</sup> хусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси Эзид<sup>3</sup> таоло сунъ<sup>4</sup> паққониндадур.

Тап анга сийму<sup>5</sup> ичинда тош музмар<sup>6</sup> кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май<sup>7</sup> кетур, эй муғки<sup>8</sup>, юз ҳайрат аро қолмиш Масих<sup>9</sup>,  
Булғажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур<sup>10</sup>.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин бахри<sup>11</sup> ашк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

---

<sup>1</sup> О ш у б — равю, туполон, фитна.

<sup>2</sup> Э т м о н — этмайман.

<sup>3</sup> Э з и д — Худо, Тангри.

<sup>4</sup> С у н ь — 1) яратиш, маҳорат; 2) Қудрат.

<sup>5</sup> С и й м — 1) кумуш, пул; 2) оқлик, оқ бадан.

<sup>6</sup> М у з м а р — пипҳон, махфий; дилда сақланган.

<sup>7</sup> М а й — тасаввуф адабиётида илоҳий тажалли тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ мастлик илоҳий маърифатдан хузурланишни, маънавий завқ дарёсига барқ бўлишни билдиради.

<sup>8</sup> М у г — оташпараст; баъзан оташпарасглар руҳонийси маъносида ҳам келади; мажозан: пири комил.

<sup>9</sup> М а с и х — Исо пайгамбар. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-масих — силовчи деб улғуланган. Нафаси ошиққа жон баришлайдиган маъшуккага ҳам Масих сифатини беришади.

<sup>10</sup> Х у ф ф о ш — кўршапалак.

<sup>11</sup> Б а ҳ р — азим дарё, денгиз.



\* \* \*

Бир кун мени ул қотили мажнунишиор ўлтургуси<sup>1</sup>,  
Усрук<sup>2</sup> чиқиб, жавлон қилиб, девонавор<sup>3</sup> ўлтургуси.

Гар заъф ила ожизлигим кўнглига раҳме солса ҳам,  
Бошимга етгач секретиб, беихтиёр ўлтургуси.

Васли аро гар ўлтурур — жонимга юз минг шукр эрур,  
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавопи хастаким:  
Ҳажр ўлса — ғам куйдургуси, васл ўлса — ёр ўлтургуси.

Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосифақим,  
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси!

Лаълинг закоти<sup>4</sup> май тутуб тиргузмасанг, эй мурбача<sup>5</sup>,  
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар: Навоий қатлива гулгул очибтур оразин,  
Кўргунча ани, войким, бу хорхор<sup>6</sup> ўлтургуси.

<sup>1</sup> Ў л т у р г у с и — ўлдиргуси.

<sup>2</sup> У с р у к — маст, сархуш.

<sup>3</sup> Д е в о н а в о р — девоналарча, телбаларча.

<sup>4</sup> З а к о т — ислом динида муҳтожлар фойдасига ҳар йили умумий даромадининг қирқдан бир улуши миқдорида олинадиган солиқ. Бу ерда: л аъ л з а к о т и — лаб соливи, яъни бўса маъносида.

<sup>5</sup> М у р б а ч а — мур (оташнараст)лар хизматидаги бола. Тасаввуф адабиётида содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли бўлиб келади.

<sup>6</sup> Х о р х о р — иштиёқ.



\* \* \*

Гул сочар ел бор аро, сарви равоним<sup>1</sup> келдиму?  
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

Бехуд<sup>2</sup> эрдим айткали кўнглум, чу келдим ҳолима,  
Айтинг: ул оворай бехонумоним<sup>3</sup> келдиму?

Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонаға<sup>4</sup>,  
Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демангизким, келди маҳвашлар<sup>5</sup> сени ўлтургали,  
Муни денгким, қотили номехрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум демангким, бошима келмиш Масих,  
Айтинг, ул осойиши руҳи равоним<sup>6</sup> келдиму?

Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттунг валеқ,  
Демадинг, ул зори беному нишоним келдиму?

Зухд кўйига кўнгул бирла, дедиингим, келмадинг,  
Эй Навоий, неча айтиб, ул ёмоним келдиму?

<sup>1</sup> С а р в и р а в о н — юрвчи, хиром этувчи сарв, яъни маҳбуба.

<sup>2</sup> Б е х у д — ўзидан беҳабар, ҳушсиз, ихтиёрсиз. Тасаввуфда суқр ва ошиқлик мақоми.

<sup>3</sup> Б е х о и у м о н — 1) уй-жойсиэ; 2) сарсон-саргардон, бечора.

<sup>4</sup> М а й х о н а (м а й к а д а) — шавқу завқу илоҳий файзга кои комил орифининг боғини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

<sup>5</sup> М а ҳ в а ш — ойга ўхшаган, ойдай гўзал маҳбуба.

<sup>6</sup> Р а в о н — бу ерда: жон, ҳаёт, тириклик, руҳ.



\* \* \*

Навбахор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлгандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, менмен гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен —  
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.

Равза анжори<sup>1</sup> ўтундур, гуллари жошимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиг даме дилдорсиз.

Май чу бердинг, зулф<sup>2</sup> ила банд эт мени, эй мугбача —  
Ким, хун эрмас муғ била ичмак қадаҳ<sup>3</sup> зуннорсиз<sup>4</sup>.

Топмадуқ гулранг жоми<sup>5</sup> бехумор, эй боғбон,  
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз<sup>6</sup>.

Аҳли зуҳд<sup>7</sup> ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,  
Вақтингизни хуш тутуш, эй жамъким<sup>8</sup>, хумморсиз<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> А ш ж о р — дарахтлар.

<sup>2</sup> З у л ф — соч; аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади; идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узунлиги — оламнинг чексизлиги, беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

<sup>3</sup> Қ а д а ҳ — тасаввуфда ширини илоҳий маърифат майига лиммо-лим қалби.

<sup>4</sup> З у н н о р — насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида гайри мусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

<sup>5</sup> Ж о м — май идиши, қадаҳ, коса, ниёла.

<sup>6</sup> Х о р — тикан, ниш.

<sup>7</sup> А ҳ л и з у ҳ д — зоҳидлар.

<sup>8</sup> Ж а м ь — бу ерда: гуруҳ, жамоат.

<sup>9</sup> Х у м м о р — майхўр; Тасаввуфда: саргардон ошиқ.



\* \* \*

Ўзга бўлди ёр-у, меҳри менда боқи(й)дур ҳануз,  
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валек,  
Жон анга манзил, кўнгул анинг висоқидур<sup>1</sup> ҳануз.

Ғайр ишқи кўнглум уйинда печук қилгай нузул<sup>2</sup>  
Ким, хаёли маскани кўзум равоқидур ҳануз.

Ишқ ила май таркиш, эй носих<sup>3</sup>, не навъ айлай қабул —  
Ким, кўнгулга орзу ул турфа соқи(й)дур ҳануз.

Фурқат ўти дофеъи<sup>4</sup> дов ўртамакдур демаким.  
Ўртагани жоним ул ой дови фироқидур ҳануз.

Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,  
Лола қонин тўккучи анинг нифоқидур ҳануз.

Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,  
Ўзга бўлди ёр-у, меҳри менда боқи(й)дур ҳануз.

---

<sup>1</sup> В н е о қ — уй, хона, манзил, макон.

<sup>2</sup> Н у з у л — тушини.

<sup>3</sup> Н о с и х — насихатгўй.

<sup>4</sup> Д о ф е ъ — даф қилиш, қайтариш, йўқотини.





\* \* \*

Не паво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум<sup>1</sup> шаккаристондин<sup>2</sup> жудо.

Ул қуёш ҳажринда, қўрқармен, фалакни ўртагай —  
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афгондин жудо.

Дема: ҳижронимда чекмайсен фиғону пола кўп,  
Жисм айларму фиғон бўлван нафас жондин жудо?

Ҳажр ўлумдин талх<sup>3</sup> эмиш, мундин сўнг, эй гардун<sup>4</sup>,  
мени  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жопондин жудо!

Бўлса юз минг жоним, ол, эй ҳажр, лекип қилмағил  
Ёрни мендин жудо ёхуд<sup>5</sup> мени ондин жудо.

Васл аро парвопа<sup>6</sup> ўртади ҳамоно билдиким,  
Қилғудекдур субҳ<sup>7</sup> ани шамъи шабистондин<sup>8</sup> жудо.

Бир эясиз<sup>9</sup> ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз<sup>10</sup> банда султондин жудо.

<sup>1</sup> Такаллум — сўз, нутқ.

<sup>2</sup> Шаққаристон — шакар ҳосил бўладиган жой, шакарзор.

<sup>3</sup> Талх — аччиқ, ёмон.

<sup>4</sup> Гардун — 1) осмон, фалак; 2) дунё.

<sup>5</sup> Ёхуд — ёки.

<sup>6</sup> Парвопа — кечаси шамъ ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. Шамъ ва парвопа — тасаввуф шейриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шамъ — илоҳий ишқ, парвопа — ошнқ рамзи бўлиб келади.

<sup>7</sup> Субҳ — тонг. Тасаввуфда ваҳдат ёки ваҳдат нурига ишора.

<sup>8</sup> Шамъи шабистон — уйни ёритадиган шамъ, яъни маҳбуба.

<sup>9</sup> Эя — эга.

<sup>10</sup> Ҳаргиз — ҳеч қачон, асло.



\* \* \*

Ул ой қасдима тиги буррон<sup>1</sup> чекиб,  
Мен оллида шукронага жон чекиб.

Масихим чу фарёдима етмади,  
Неча ўлтурай ўзни афюн чекиб.

Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,  
Алиф<sup>2</sup> нил<sup>3</sup> ила юзга ҳар ён чекиб.

Лабинг нушдорусидинг<sup>4</sup> не осиф<sup>5</sup>,  
Мен ўлдум чу хуноби<sup>6</sup> ҳижрон чекиб.

Кетур, соқийё, давр аёгин<sup>7</sup> тўла —  
Ки, жон қолмади ранжи даврон чекиб.

Агар васли боқий керак, истагил  
Фано кўйига рахти<sup>8</sup> ҳирмон<sup>9</sup> чекиб.

Навоий бериб жон ўқи шавқидин,  
Анинг захмидин<sup>10</sup> ёр пайкон чекиб.

<sup>1</sup> Б у р р о н — утқир, кескир.

<sup>2</sup> А л и ф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи. Тик, тўғри чизик шаклида бўлганлиги учун маҳбубанинг келишган ва тик қомати унга нисбат берилди. Бу ерда ҳам тик, тўғри маъносида келаяпти.

<sup>3</sup> Н и л — 1) кук, кук бўёқ; 2) кўзга сурма, юзга ясама хол кўйиш учун ишлатиладиган мис сурмачўн.

<sup>4</sup> Н ў ш д о р у — заҳарга қарши дори, тарёк.

<sup>5</sup> О с и ф — фойда, наф.

<sup>6</sup> Х у н о б (х у н о б а) — қонли ёш; аччиқ йиги.

<sup>7</sup> А ё в (а ё қ) — қадах; май. Д а в р а ё в и — даврада айланиб турган май қадаҳи.

<sup>8</sup> Р а х т — парсалар, асбобу анжом, сафар анжоми.

<sup>9</sup> Ҳ и р м о и — маҳрумлик, бенасиблик.

<sup>10</sup> З а х м — яра, жароҳат, зарба; озор.



\* \* \*

Жунун<sup>1</sup> тоши уруб, ҳар ён янги доғимни афгор<sup>2</sup> эт,  
Ичимдин лоладек ишқ ичра тошимни намудор<sup>3</sup> эт.

Чу мажнун<sup>4</sup> қилдинг, эмди, эй муғанний<sup>5</sup>, гўшатобишгн<sup>6</sup>  
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнумға туммор эт.

Десаиғ, кўнглум қуши айлаб ҳаво, чеккай навои ишқ,  
Хадангигн<sup>7</sup> парин айлаб қанот, пайконин минқор<sup>8</sup> эт.

Сочинг куфрида<sup>9</sup> ўлсам, қабрим узра кўйма хирқамни<sup>10</sup>,  
Чекиб ҳар торини бир барҳаман<sup>11</sup> белига зуннор<sup>8</sup> эт.

Кўнгул айвопида оҳим елидин пардаи ишқинг,  
Десаиғким, учмасун мужгондин<sup>12</sup> атрофиға мисмор<sup>13</sup> эт.

<sup>1</sup> Ж у н у н — ошиқлик, беқарорлик, савдойилик, ўзидан бехабарлик.

<sup>2</sup> А ф г о р ( ф и г о р ) — мажруҳ; эзилган, камгин.

<sup>3</sup> Н а м у д о р — намоён.

<sup>4</sup> М а ж н у н — 1) ошиқи шайдо; 2) жинни, телба.

<sup>5</sup> М у г а н н и й ( м у т р и б , ч о л г у в ч и ) — орифлар дилини рамзлар канифио ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи. Илоҳий оламдан огоҳ эгувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи — маърифат, кўшиғи эса — ҳақиқат.

<sup>6</sup> Г ў ш а т о б — чолғу қулови.

<sup>7</sup> Х а д а н г — 1) ўқ, камон ўқи; 2) найза.

<sup>8</sup> М и н қ о р — қуш тумшуги.

<sup>9</sup> К у ф р — тасаввуфда бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касратда маҳв бўлиши. Ҳақиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар.

<sup>10</sup> Х и р қ а — шайху муридлар қилдиган махсус кийим.

<sup>11</sup> Б а р ҳ а м а н — браҳман: бутпарастлар руҳонийси.

<sup>12</sup> М у ж г о н — киприк, мижа. Тасаввуфда маъшуқанинг позу қаранмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, пайза, халжар кўзда тугилади. Солиқнинг валояти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилилади.

<sup>13</sup> М и с м о р — миҳ, пона.



Десаиғ оғзин<sup>1</sup> кўрай, эй ақл. марказ нуқтасин иста,  
Вале шарт ушбуким, аввал қуёш даврини паргор<sup>2</sup> эт.

Иморат тарҳидур наълу<sup>3</sup> алифдин ҳар тараф кўксум,  
Вафо қасрин қўпарсанг, бу биолар узра девор эт.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра<sup>4</sup>, йўл буртоқ<sup>5</sup>,  
Бу йўлда салб<sup>6</sup> этиб ўзлук<sup>7</sup> юкин, ўзни сабукбор<sup>8</sup> эт.

Навойй ўлса тиргузгил юзига юз қўюб, яъни  
Юзига су уриб, ул уйқусидин они бедор эт.

---

<sup>1</sup> Оғзин — сўфийлар петилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқини ўрнига шюра. Шунга мувофиқ, овизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада экашлиги — илоҳий асрорин ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан широна.

<sup>2</sup> Паргор — циркуль. Бу ерда айланиш маъносинда келаяпти.

<sup>3</sup> Наъл — тақа, навал; тақа шаклидаги тамға.

<sup>4</sup> Тийра — қора, қоронғи; хира, нуренз; қайғули, вам-руссали.

<sup>5</sup> Буртоқ — насту баланд, ютекис.

<sup>6</sup> Салб — йўқ қилини, инкор этиш.

<sup>7</sup> Ўзлук — ишонинг нафе ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кўшига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалинғади.

<sup>8</sup> Сабукбор — юки снгил; мажозан: хогиржам, бепарво.



\* \* \*

Эй насими<sup>1</sup> субҳ, аҳволим дилоромимға айт,  
Зулфи сунбул<sup>2</sup>, юзи гул, сарви гуландомимға<sup>3</sup> айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лаболаб бодаошомимға<sup>4</sup> айт.

Ком<sup>5</sup> талху бода захру ашк рангин бўлганин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўҳи худкомимға<sup>6</sup> айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра певчун қилди деб,  
Сўрмавил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким<sup>7</sup> тарк айладим,  
Кўнгул отлив ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози<sup>8</sup> худ<sup>9</sup> исён эди,  
Шамъи раҳмат партави<sup>10</sup> етгайму анжомимға<sup>11</sup>, айт.

Йўқ Навоий бедил<sup>12</sup> ороми гам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини зиҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

<sup>1</sup> Н а с и м — тонг шамоли, енгил, ёқимли шабада.

<sup>2</sup> С у н б у л — ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат бериллади.

<sup>3</sup> Г у л а н д о м — гулбдан, гўзал қоматли, хушбичим.

<sup>4</sup> О ш о м — ичиш, ейиш.

<sup>5</sup> К о м — бу ерда: оғиз, танглай.

<sup>6</sup> Х у д к о м — фақат ўз манфаатини кўзловчи, худбин.

<sup>7</sup> Н а н г у н о м — ор-номус, обрў-эътибор.

<sup>8</sup> О в о з — бошланиш, киришиш, ибтидо.

<sup>9</sup> Х у д — 1) ўзи; 2) ёлғиз, фақат; 3) албатта, ҳақиқатан.

<sup>10</sup> П а р т а в — пур, ёвду, шуъла, ёрувлик.

<sup>11</sup> А н ж о м — охир, оқибат, натижа; поён, гугаш, интиҳо.

<sup>12</sup> Б е д и л — бу ерда: ошиқ, мафтун; қайғули, ҳасратли ошиқ.



\* \* \*

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсайд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла  
Қилай пайванд<sup>1</sup> боре<sup>2</sup>, қилмавил поаҳл<sup>3</sup> ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни  
Тоғарсен айла юз парканду сол ҳар итга бир парканд<sup>4</sup>.

Эшитмай халқ пандин, турфақим, панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?!

Бу фоний<sup>5</sup> дайр<sup>6</sup> аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил  
Гадолиғ ноииға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатмаид.

Бўлуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўқ пафсдек душман — қила олсанг, аии қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма —  
Ки, бедилларни аччиғ йивлатур охир бу шақкарханд<sup>7</sup>.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,  
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл<sup>8</sup> ранжи дофеъи гар истасанг бордур,  
Навоий боғи назми шақкаристонида ул гулқанд<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> П а й в а н д — алоқа, муносабат.

<sup>2</sup> Б о р е — бу ерда: бирор марта.

<sup>3</sup> П о а ҳ л — покас, тубан.

<sup>4</sup> П а р к а н д — нарча, бўлак.

<sup>5</sup> Ф о н и й — ўткинчи, йўқ бўлувчи.

<sup>6</sup> Д а й р — бу ерда: дунё, олам.

<sup>7</sup> Ш а қ к а р х а н д — ширин табассум, гузал кулги.

<sup>8</sup> Ж а ҳ л — жаҳолат, подонлик, нафлат.

<sup>9</sup> Г у л қ а н д — қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб, офтобда тайёрланган бир хил доривор ширинлик.



\* \* \*

Фурқатингдин заъфарон<sup>1</sup> узра тўқармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар<sup>2</sup>.

Дур тишингдин донаи сабрим қолур бебар<sup>3</sup> десам,  
Кулуб айтурки, экиннинг офатидур жолалар<sup>4</sup>.

Барги гул узра ёпишибдур шакар ҳар соридин,  
Ё магар лаълинг уза қайнабдурур табхолалар<sup>5</sup>.

Тола-тола най<sup>6</sup> ўқунг кўксумда гўё синдиким,  
Теврулуиатур<sup>7</sup> нотавон кўнглумда бир-бир толалар.

Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно, турфадур,  
Ким кўрунтур бир қуёш давринда муздоқ ҳолалар<sup>8</sup>.

Бордилар аҳбобу<sup>9</sup> мен йиғлармен ўз аҳволима,  
Корвондин қолган ит янглиғки, қилгай ноалалар.

Кўҳи<sup>10</sup> ғам бўлди Навоий, лолалар — гулгун сиришк<sup>11</sup>,  
Тоғ агар будур, бале, ашк ўлғусидур лолалар.

<sup>1</sup> Заъфарон — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

<sup>2</sup> Паргола — 1) парча-парча, бўлак; 2) изтироб, ғам-қайғу.

<sup>3</sup> Бар — мева, ҳосил, самара.

<sup>4</sup> Жолла — дўл, шабнам; мажозан: кўз ёши.

<sup>5</sup> Табхола — учуқ.

<sup>6</sup> Най — қамиш.

<sup>7</sup> Теврулуиатур — санчилибди, қадалибди.

<sup>8</sup> Ҳола — ой ва қуёш атрофидаги нурли гардиш.

<sup>9</sup> Аҳбоб — дўстлар.

<sup>10</sup> Кўҳ — тоғ.

<sup>11</sup> Сиришк — кўз ёши.



\* \* \*

Ёр борди-ю, кўнглумда анинг нози қолиптир,  
Андоқки, қуловим тўла овози қолиптир.

Кўз хонасини қилди барандохта<sup>1</sup> бу ашк,  
Кўз борди вале хонабарацдози<sup>2</sup> қолиптир.

Кўнглум қуши то сунбулунгиз домига тушти,  
Булбул киби ҳар гул сори парвози қолиптир.

Ул қуш сафар айлаб, ие тараб<sup>3</sup> гулбунин<sup>1</sup> очқай —  
Ким, боғ аро бир сарви сарафрози<sup>5</sup> қолиптир.

Мен ишқ румузин<sup>6</sup> демай ўлдум, сафар этким,  
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш<sup>7</sup> рози қолиптир.

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли<sup>8</sup> чекар оҳ,  
Ул борди-ю, эл ичра саровози<sup>9</sup> қолиптир.

Ҳижроцу висолин кўпу оз дема, Навоий,  
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолиптир.

---

<sup>1</sup> Б а р а н д о х т а — вайрон, қулаган, кўпорилган.

<sup>2</sup> Х о н а б а р а н д о з — уйни бошига кўгарувчи, уйини совурувчи.

<sup>3</sup> Т а р а б — шодлик, хурсандлик, айшу ишрат.

<sup>4</sup> Г у л б у н — гул бутаси, туши.

<sup>5</sup> С а р а ф р о з — юксак, баланд.

<sup>6</sup> Р у м у з — рамзлар.

<sup>7</sup> Ў к у ш — кўп, анча, талай.

<sup>8</sup> И ш қ а ҳ л и — ошиқлар.

<sup>9</sup> С а р о в о з — овоза.





\* \* \*

Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,  
Билмайин қолдим мен-у, қилмай хабар айрилди ёр.

Борди ўқдек тез-у, ёдек<sup>1</sup> қоматим ёд этмади,  
Ишқ аро гўё менинг эгрилигимни билди ёр.

Чун гадолар бирла шаҳлар қилмас эрмиш ёрлиғ,  
Мен гадопи кўзга, бас, певчун бурундин илди ёр?

Панд эшитиб, дўстлар, ҳеч ким била ёр ўлмангиз —  
Ким, менинг бағримни тиви ҳажр бирла тилди ёр.

Мендин айрилган балову дард учунму йиғлайин,  
Ё ангаким, борибон авёр<sup>2</sup> ила қотилди ёр.

Йиғлашиб кам номи зоҳир<sup>3</sup> айласунлар дард ўтин,  
Кимгаким байт ул-ҳазанда<sup>4</sup> шамъдек топилди ёр.

Эй Навоий, ёр учун тортар эдинг гурбатда ранж,  
Йўлга туш, эмди равонроқ бўл, азимат<sup>5</sup> қилди ёр.

---

<sup>1</sup> Ё — ёй, камон; мажозан: қайрилма қон.

<sup>2</sup> А в ё р — бегоналар, ўзгалар, рақиблар.

<sup>3</sup> З о ҳ и р — 1) очиқ, ошкор, аён; 2) ташқи кўриниш.

<sup>4</sup> Б а й т у л - а ҳ з а н — қайғу уйи, кулфат маскани; мажозан: дунё.

<sup>5</sup> А з и м а т — ниёт, қасд; нитилиш, йўл олин.

\* \* \*

Фиронки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур,  
Ниёзу ажз<sup>1</sup> гуноҳиға муттаҳам қиладур.

Наими<sup>2</sup> васлиға хўй<sup>3</sup> айлаган кўнгулларни  
Асири ҳажр этибон мубталои ғам қиладур.

Рақиб беҳуда тақрири<sup>4</sup> бирла юз тақсир<sup>5</sup>  
Заиф ғамзадалар отиға рақам<sup>6</sup> қиладур.

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида<sup>7</sup> ғам эмас,  
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Ўз илги<sup>8</sup> бирла гар ўлтурса бок<sup>9</sup> йўқ, ваҳким,  
Рақиб оллида афтодау<sup>10</sup> дижам қиладур.

Муҳаббат аҳлини, во ҳасратоки, кўп ўртаб,  
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос<sup>11</sup> кам қиладур.

Чу гул вафосиз эрур, неча асрасам, ваҳким,  
Кўнгул қуни бу гулистондин эмди рам<sup>12</sup> қиладур.

Замона ўқ киби тузларни<sup>13</sup> сиңдуруб, ёдек  
Аларки эгридурур, шаҳға муҳтарам қиладур.

Навоий ўлгай эди бўлмаса умиди васл,  
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

<sup>1</sup> Ниёзу ажз — муҳтожлик ва ожизлик.

<sup>2</sup> Наим — 1) нсъмат; 2) шодлик; 3) жаннат.

<sup>3</sup> Хўй — одат.

<sup>4</sup> Тақрир — тасдиқлаш, баён қилиш.

<sup>5</sup> Тақсир — ишни камчилик билан адо этиш, хато, нуқсон.

<sup>6</sup> Рақам — бу ерда: ёзиш, битиш.

<sup>7</sup> Журм — айб, гуноҳ.

<sup>8</sup> Илги — қўл.

<sup>9</sup> Бок — 1) ваҳм, хавф, қўрқув; 2) зарар; 3) парво; 4) ажаб.

<sup>10</sup> Афтода — завф, нотавон, эзилган.

<sup>11</sup> Ҳарос — қўрқув.

<sup>12</sup> Рам — чўчиш, ҳуркиб қочиш.

<sup>13</sup> Туз — тўғри, рост.



\* \* \*

Ғаминг ўқики, кўнгуллар уйин нишона қилур,  
Менинг чу хокий<sup>1</sup> таним ичра етти, хона қилур.

Лабинг баҳонасиз эл қонини тўкар ҳар дам,  
Манга чу етти иш, албатта, бир баҳона қилур.

Кўнгул берурда фусунлиг<sup>2</sup> кўзига билмас эдим —  
Ки, эл ичинда мени оқибат фасона<sup>3</sup> қилур.

Кўнгулда жавҳари<sup>4</sup> пайкониники йиғмиш жон,  
Ажаб эмаски, бу вайронани хизона<sup>5</sup> қилур.

Десаки, меҳр гиёҳин кўкартайин гардун,  
Замона аҳли вафо кўз ёшини дона қилур.

Ҳалок доми ёяр субҳхез<sup>6</sup> қушлар учун,  
Саҳар елики, чаман сунбулини шона<sup>7</sup> қилур.

Насиб булбул учун хори ғамдурур, ул ҳам  
Навоий нағмаси бирла магар тарона қилур.

---

<sup>1</sup> Х о к — тупроқ. Х о к и й — тупроқдан яратилган.

<sup>2</sup> Ф у с у н — сеҳр, жоду, ҳийла, фириб.

<sup>3</sup> Ф а с о н а — 1) афсона, эртақ; 2) воқеа, ҳодиса.

<sup>4</sup> Ж а в ҳ а р — 1) гавҳар; 2) асос, моҳият; 3) нодир, ноёб.

<sup>5</sup> Х и з о н а — хазина; сандиқ.

<sup>6</sup> С у б ҳ х е з — саҳарда уйғонувчи.

<sup>7</sup> Ш о п а — тароқ.



\* \* \*

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,  
Мавжлуғ дарё киби ошuftа<sup>1</sup> кўнглум қўзволур.

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чнқмас кема деб —  
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Титрабон симобдек<sup>2</sup> кўнглум, етар жон оғзима,  
Тунд<sup>3</sup> ел таҳрикидин<sup>4</sup> ҳар дамки, дарё чайқолур.

Сабр — кўнглумда, кўнгул — ул ойда, ул ой — кемада,  
Ваҳки, бориб телмуруб кўз, мунграйиб<sup>5</sup> жоним қолур.

Дам<sup>6</sup> тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлгали,  
Сурмасун деб кемасин, баским, нафаслар асролур.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким<sup>7</sup>,  
Сийм нақди тушса, лекин, умр нақди сийғолур.

Фарқ этар баҳри фано ғам заврақин<sup>8</sup>, эй пири дайр,  
Илгига чунким Навоий бода киштисин<sup>9</sup> олур.

<sup>1</sup> О ш у ф т а — ошиқ, шайдо, девона, гирифтёр.

<sup>2</sup> С и м о б — кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шерьиятда бетоқат-лик, беқарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

<sup>3</sup> Т у н д — 1) тез, шиддатли; 2) ўткир, аччиқ; 3) вазабли.

<sup>4</sup> Т а ҳ р и к — ҳаракат, ҳаракатга келтириш, тўлқинлантириш.

<sup>5</sup> М у н г р а й м о қ — қайғу-ҳасратга ботмоқ.

<sup>6</sup> Д а м — бу ерда: нафас.

<sup>7</sup> С у д — фойда, баҳра, наф.

<sup>8</sup> З а в р а қ — қайиқ, кема.

<sup>9</sup> К и ш т и — кема. Б о д а к и ш т и с и — кема шаклидаги май идиши.



\* \* \*

Жафо қилур бари гулчехралар, вафо қилакўр.  
Вафо ҳам элга қилурсен вале манго қилакўр.

Не телбаники, муқайяд<sup>1</sup> тиларсен, эй гардун,  
Анинг салосили<sup>2</sup> зулфиға мубтало қилакўр.

Десанг, ҳижобни<sup>3</sup> олғайлар, эй кўз, оллингни,  
Не гард анинг йўлидин қўпса, тўтиё қилакўр.

Тажаллий<sup>4</sup> истасанг ул юздин ўртабон жисминг,  
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.

Умиди васл ила кўюнгга борди хаста кўнгул,  
Йигитлигинг<sup>5</sup> ҳақи, ул ҳожатин раво қилакўр.

Бийик<sup>6</sup> нишимап<sup>7</sup> эрур, эй кўнгул, висол авжи,  
Талаб қаноти била ул тараф ҳаво қилакўр.

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,  
Десангки, васл топай, ҳажр ўтиға ёқилакўр.

---

<sup>1</sup> М у қ а й я д — банд, гирифтор.

<sup>2</sup> С а л о с и л — бандлар, кишанлар, занжирлар.

<sup>3</sup> Ҳ и ж о б — парда. Тасавуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшук ўрта-  
сидаги монъеликларга ишора қилинади.

<sup>4</sup> Т а ж а л л и й — кўриниш, жилваланиш, зуҳур этиш. Ҳаққа юзлан-  
ган қалбларда Оллоҳ нурларининг юрлаши.

<sup>5</sup> Й и г и т л и к — ёшлиқ, навқиронлик.

<sup>6</sup> Б и й и к — буюк, улғув; баланд, юксак, олий.

<sup>7</sup> Н и ш и м а н — жой, макон, ошён.



\* \* \*

Кўюнг борида қилман<sup>1</sup> жаннатқа гузар<sup>2</sup> ҳаргиз,  
Қаддинг<sup>3</sup> қошида солман<sup>4</sup> тўбийга<sup>5</sup> базар ҳаргиз.

Ўқунгва кўнгул мойил, мужиб<sup>6</sup> недур, эй қотил —  
Ким, ўтканидин бўлмас кўнглумга хабар ҳаргиз.

Бу жисми низор<sup>7</sup> ичра кўнглумни гумон қилманг,  
Шохеки қурур, анда ким кўрди самар ҳаргиз?!

Лаълингда малоҳатдин жон комидадур лаззат,  
Бу таъм қачон бергай туз бирла шакар ҳаргиз.

Кўнглига фивонимдин раҳм ўлмаса, эй булбул,  
Гул ғунчасига борму нолаңдин асар ҳаргиз?

Пил<sup>8</sup> ўлса сенинг хасминг<sup>9</sup>, десангки, зарар топмай,  
Бир пашшаға оламда еткурма зарар ҳаргиз!

Махлас<sup>10</sup> тиласаңг ғамдин даҳр ичра Навоийдек,  
Қўймағасен илгингдин соғарни<sup>11</sup> магар ҳаргиз.

---

<sup>1</sup> Қ и л м а н — қилмайман.

<sup>2</sup> Г у з а р — ўтиш, кечиш, бориш.

<sup>3</sup> Қ а д (қомат) — дилнинг ваҳдат оламига таважжух қилиши.

<sup>4</sup> С о л м а н — солмайман.

<sup>5</sup> Т ў б и й (т ў б о) — жаннатда ўсадиган ранг-баранг мевали ва хушбўйи ҳидли серсоя дарахт.

<sup>6</sup> М у ж и б — сабаб, боис.

<sup>7</sup> Н и з о р — озин, заиф.

<sup>8</sup> П и л — фил.

<sup>9</sup> Х а с м — душман, рақиб, мухолиф.

<sup>10</sup> М а х л а с — нажот тоиниш, қутулиш.

<sup>11</sup> С о ғ а р — май ичадиган пилла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда вайб сирлари мушоҳада қилинадиган эрифнинг қалби. Сукр ва шавқни ҳам соғардан тилайдилар.



\* \* \*

Ул пари кўйида мен девонани<sup>1</sup> банд айлангиз,  
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Халқ тарки ишқи айларга мени дилхастани,  
Ўлтуруб олам элига мужиби банд айлангиз.

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,  
Тўш-тўшидин тишлабон парканд-парканд айлангиз.

Бодаи ишқ асру<sup>2</sup> маст этмиш мени, эй дўстлар,  
Жомима афюн<sup>3</sup> эзиб, бир дам хирадманд<sup>4</sup> айлангиз.

Йиғласам аччиғ, малул<sup>5</sup> ўлмоқ недур, эй хўблар<sup>6</sup>,  
Ҳазл учун гоҳе боқиб, сиз ҳам шакарханд айлангиз.

Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглунгуз ул нақди ёди бирла хурсанд айлангиз.

Қилсангиз тасвири Лайли хусни ул ойдек сизинг<sup>7</sup>,  
Лек Мажнуни Навоий бирла монанд айлангиз.

---

<sup>1</sup> Девона — ишқда ошину хайроиу сарганга бўлган ва сулуққа ман-  
суб киши. Ошиқнинг мағлубияти девоналик дейилади.

<sup>2</sup> Асру — жуда кўп, беҳисоб.

<sup>3</sup> Афюн — кўкнори, қорадори, тарёк.

<sup>4</sup> Хирадманд — оқил, доно, донишманд.

<sup>5</sup> Малул — ранжиган, хафа, ғамгин.

<sup>6</sup> Хўб — 1) яхши; 2) гўзал; 3) афзал.

<sup>7</sup> Сизмоқ — чизмоқ.



\* \* \*

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилаур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.

Қут<sup>1</sup> бир бодому<sup>2</sup> ерим гўшаи<sup>3</sup> меҳроб<sup>4</sup> эди,  
Форати<sup>5</sup> дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо<sup>6</sup> айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами, андоқки айлар меҳр<sup>7</sup> фош.

Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг,  
Десам, овзи ичра айтур: «Лаъл ҳам бор навъи тош!»

Новакин<sup>8</sup> кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин<sup>9</sup> —  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Умри жовид<sup>10</sup> истасанг, фард<sup>11</sup> ўлки, бўстон Хизридур<sup>12</sup>  
Сарвким, даъб<sup>13</sup> айлади озодалиғ бирла маош<sup>14</sup>.

Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

<sup>1</sup> Қ у т — озиқ.

<sup>2</sup> Б о д о м — бу ерда: маҳбубанинг бодом шаклидаги кўзига инора.

<sup>3</sup> Г ў ш а — чет, чекка жой, бурчак, хилват.

<sup>4</sup> М е ҳ р о б — масжид ичидаги тепаси қайрилма жой; мажозан: гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>5</sup> Ф о р а т — талон-торож.

<sup>6</sup> И ф ш о — ошкор қилиш, фош этиш.

<sup>7</sup> М е ҳ р — қуёш.

<sup>8</sup> Н о в а к — ўқ, камон ўқи; мажозан: киприк.

<sup>9</sup> Э к и н — экан.

<sup>10</sup> Ж о в и д ( ж о в и д о н ) — мангу, абадий.

<sup>11</sup> Ф а р д — танҳо, халқдан узоқ.

<sup>12</sup> Х и з р — зулмат қаъридан оби ҳаёт — тириклик сувини излаб тонган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади. Бу ерда раҳнамо маъносида келаяпти.

<sup>13</sup> Д а ъ б — одат, раем, хислат.

<sup>14</sup> М а о ш — тирикчилик, яшаш.



\* \* \*

Кечти умрум нақди вафлат бирла подонлиғда ҳайф,  
Қолгани сарф ўлди андуху<sup>1</sup> пушаймонлиғда ҳайф.

Жонга бир душворлиғ<sup>2</sup> қўймай риёзат<sup>3</sup> ранжидин,  
Сарф бўлди нақди авқотим<sup>4</sup> таносонлиғда ҳайф.

Боғладим паймонадин<sup>5</sup> паймон<sup>6</sup>, фиғонким, ақлу дин  
Бўлди бу паймонаву ул сустнаймонлиғда ҳайф.

Эй мусулмонлар, билингим, бўлди умрум ҳосили  
Нафси кофир фитнасини помусулмонлиғда ҳайф!

Ҳайфким, нафъ айламас ҳар печаким тортиб илик,  
Десам ўз аҳволима бу навъ ҳайронлиғда ҳайф.

Андоқ иш қилким, пушаймон бўлмавайсенким, эмас  
Ҳеч осир чун иш хато бўлди пушаймонлиғда ҳайф.

Ҳар не ўткан сўзларим чиндур десам, ёлғон эрур,  
Чин будурким, дегамен: умр ўтти ёлғонлиғда ҳайф!

Чун енгилракдур ҳисоб ўлганда султондин гадо,  
Ҳайфким, бўлмай гадо авқоти султонлиғда ҳайф!

Эй Навоий, воқиф эрман<sup>7</sup> халқдин, бори менинг  
Кечти умрум нақди вафлат бирла подонлиғда ҳайф.

<sup>1</sup> А н д у х — ғам, алам, қайғу, дард.

<sup>2</sup> Д у ш в о р — қийин, оғир, мушкул.

<sup>3</sup> Р и ё з а т — қийинчилик, азоб, машаққат.

<sup>4</sup> А в қ о т — 1) вақтнинг кўнлиги; 2) умр, ҳаёт.

<sup>5</sup> П а й м о н а — қадаҳ, май ишласи.

<sup>6</sup> П а й м о н — аҳд, ваъда.

<sup>7</sup> Э р м а н — эмасман.



\* \* \*

Оҳким, ғам тивидиш кўксумни қилди чок ишқ,  
Дуди<sup>1</sup> оҳимдин кўзумни айлади намнок<sup>2</sup> ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қилмади,  
Не учун ғам тивидин кўксумни қилди чок ишқ?

Ул пари кўйидаким, ҳар лаҳза юз минг бонг борур,  
Судрабон элтур мени девонани бебок<sup>3</sup> ишқ.

Кўзума ҳар дам ёрувроқдур юзунгнинг кўзгуси,  
Хосият мундоқ эмин ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташпорани<sup>4</sup>,  
Оллоҳ-Оллоҳ, барқ<sup>5</sup> ила ўйнайдурур хошок ишқ!

Ишқ водийсиға кирган ёшқи, ашдин ҳар қуюн —  
Ким, чиқар саргаштаедурким<sup>6</sup>, қилибдур хок ишқ.

Эй Навоий, ошиқекеим, сен киби истар фароғ<sup>7</sup>,  
Гар эрур мажнунки, ул қилмайдурур идрок ишқ.

---

<sup>1</sup> Д у д — тутун.

<sup>2</sup> Н а м н о к — намли, ҳўл.

<sup>3</sup> Б е б о к — 1) қўрқмас; 2) зolim; 3) ситамгар маънуқа.

<sup>4</sup> О т а ш п о р а — чўр, чўр парчаси.

<sup>5</sup> Б а р қ — яшил, чақмоқ.

<sup>6</sup> С а р г а ш т а — овора, сарсон, саргардон.

<sup>7</sup> Ф а р о в — тинчлик, хотиржамлик, фароғат.

\* \* \*

Тонг насимин сойир<sup>1</sup> эткан гулгузоримдур<sup>2</sup> менинг,  
Секретиб майдонга кирган шаҳсуворимдур<sup>3</sup> менинг.

Гард эмас, гирдинда балким кўрмасун деб эл кўзи,  
Волиҳу<sup>4</sup> саргапта жони хоксоримдур<sup>5</sup> менинг.

Маркабининг<sup>6</sup> наълидин ҳар дам чоқилган ўт эмас —  
Ким, кўнгул отлиғ заифи беқароримдур менинг.

Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,  
Кўз қароси йўқки, доғи<sup>7</sup> интизоримдур менинг.

Ул баҳори ҳусн минган қатраафшон<sup>8</sup> бодпой<sup>9</sup>  
Гулшани айш очқали абри<sup>10</sup> баҳоримдур менинг.

Чобуки<sup>11</sup> меҳр ўлди бемеҳру, ҳарун<sup>12</sup> — кўк тавсани<sup>13</sup>,  
Тутманг отинким, эшитмак ани оримдур менинг!

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,  
Эй Навой, етса ул чобук, нисоримдур менинг.

<sup>1</sup> С о й и р — кезувчи, сайр қилувчи.

<sup>2</sup> Г у л г у з о р — гул юзли, гўзал.

<sup>3</sup> Ш а ҳ с у в о р — чавандоз; мажозан: машуқа.

<sup>4</sup> В о л и ҳ — ошиқ, шайдо, асир, мубтало.

<sup>5</sup> Х о к с о р — тупроққа тенг, хор, паст.

<sup>6</sup> М а р к а б — улов, мириладиган ҳайвон.

<sup>7</sup> Д о в и ( д а в и ) — яна, тагин; ҳам, ҳамда.

<sup>8</sup> Қ а т р а а ф ш о н — қатра сочувчи, зар сочувчи.

<sup>9</sup> Б о д п о ( й ) — шамолдай елувчи учқур от.

<sup>10</sup> А б р — булут.

<sup>11</sup> Ч о б у к — 1) чаққон, абжир; 2) шўх, ўйноқи гўзал.

<sup>12</sup> Ҳ а р у н — ўжар, қайсар, саркаш.

<sup>13</sup> Т а в с а н — 1) арғумоқ, ўйноқи от; 2) шўх, асов, саркаш.



\* \* \*

Баҳор бўлди-ю, гул майли қилмади кўнглум,  
Очилди гунча-ю, лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола<sup>1</sup> эрдим андоқким,  
Баҳор келган-у кетганини билмади кўнглум.

Гум<sup>2</sup> ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ —  
Ки, гунчалар аро истаб, тошилмади кўнглум.

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,  
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

Юзунг назорасида масту маҳв эди, яъни —  
Ки, гул чоғида замоне ойилмади<sup>3</sup> кўнглум.

Замона гулбунида гунчадекдур эл кўнгли,  
Аларға, шукрки боре қотилмади<sup>4</sup> кўнглум.

Навоий гунча тилаб, кўнглум оғзин этти ҳавас,  
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади<sup>5</sup> кўнглум.

<sup>1</sup> В о л а — мафтун, шайдо.

<sup>2</sup> Г у м — йўқолиш, қойиб.

<sup>3</sup> О й и л м а д и — айрилмади.

<sup>4</sup> Қ о т и л м а д и — қўшилмади.

<sup>5</sup> Е н г и л м а д и — умидини узмади.



\* \* \*

Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним<sup>1</sup>,  
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин<sup>2</sup> доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек<sup>3</sup> сиришким оқти Жайхундек<sup>4</sup>,  
Музайян<sup>5</sup> қилди гардундек жаҳонни ашки валтоним<sup>6</sup>.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин<sup>7</sup>, қуёш ҳам тушди ашҳабдин<sup>8</sup>,  
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним<sup>9</sup>.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ<sup>10</sup>, етиб, эй оби ҳайвоним<sup>11</sup>

Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афроним.

Қуёш қочиб — юзин уйди, шафақ ўтқа тушуб — куйди,  
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сўзи<sup>12</sup> пинҳоним.

Навий киби ҳижрондин бу оқшом ўлдум афрондин,  
Ғамим йўқ бўйла<sup>13</sup> юз жондин, етиб гар келса жононим.

<sup>1</sup> Г и р и б о н — ёқа.

<sup>2</sup> Ё р а — яра, жароҳат.

<sup>3</sup> Д у р р и м а к н у н — садаф ичидаги қимматбаҳо дур.

<sup>4</sup> Ж а й х у н — Амударё.

<sup>5</sup> М у з а й я н — безанган, зийнатланган.

<sup>6</sup> В а л т о н — думалоқ.

<sup>7</sup> К а в к а б — юлдуз, сайёра.

<sup>8</sup> А ш ҳ а б — оқ, оқини буз от.


<sup>9</sup> Х у р ш и д — қуёш. Х у р ш и д и р а х ш о н — порлоқ қуёш; мажозан: маъшуқа.

<sup>10</sup> Р а ҳ (р о ҳ) — йўл. Х и з р и р а ҳ — раҳнамо.

<sup>11</sup> О б и ҳ а й в о н — оби ҳаёт, тириклик суви.

<sup>12</sup> С ў з — ёшиш, куйини; оташ, аланга.

<sup>13</sup> Б ў й л а — бундай, бунақа, бу каби, шунчалик.



\* \* \*

Висол тухмини эким, фироқ<sup>1</sup> бар топтим,  
Вафо шиҳолини тиктим, жафо самар топтим.

Муҳаббат ўтики, ёқдим висол шамъи учун,  
Ўзумши оқибат ул ўтдин-ўқ шарар топтим.

Мен ашк бирла юдум<sup>2</sup> ғайр пақшини<sup>3</sup> кўздин  
Валек ғайра-ўқ ёрдин назар топтим.

Умид баҳрида ҳар печа рўтаким<sup>4</sup> урдум,  
Садаф<sup>5</sup> кўзумдин-у, кўз ёшидин гуҳар<sup>6</sup> топтим.

Дедим: бу рамзи англай вале хирад<sup>7</sup> пирип  
Бу нукта<sup>8</sup> кайфияти ичра беҳабар топтим.

Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ<sup>9</sup>,  
Адам<sup>10</sup> вилоятидин нари юз хатар топтим.

Навоиё, кеча-кундуз хату<sup>11</sup> юзици<sup>12</sup> тилаб,  
Шабона<sup>13</sup> павҳа<sup>14</sup> била полаи саҳар топтим.

<sup>1</sup> Ф и р о қ — айрилиқ, жудолик.

<sup>2</sup> Ю д у м — ювдим.

<sup>3</sup> П а қ ш — бу ерда: сурат, тасвир.

<sup>4</sup> Р ў т а — сувга шўнғиш.

<sup>5</sup> С а д а ф — ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

<sup>6</sup> Г у ҳ а р — гавҳар.

<sup>7</sup> Х и р а д — ақл, идрок.

<sup>8</sup> Н у к т а — нозик ва чуқур маъноли сўз, ҳикмат.

<sup>9</sup> Қ а т ъ — юриш, босиб ўтиш.

<sup>10</sup> А д а м — йўқлик. А д а м в и л о я т и — йўқлик олами.

<sup>11</sup> Х а т — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

<sup>12</sup> Ю з — илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси.

<sup>13</sup> Ш а б о н а — кечаси, кечалик.

<sup>14</sup> П а в ҳ а — пола, йнги-сиви.



\* \* \*

Не ул қулоққа етар, арзи ҳол адо қилсам,  
Не ул кўнгулга ёқар, нақди жон фидо қилсам.

Кўнгул шикофига<sup>1</sup> ул кўй<sup>2</sup> туфроғи қаниким,  
Бу хушқдору<sup>3</sup> ила захмима даво қилсам.

Керак қуёш дирами<sup>4</sup> танга бўлса байъона<sup>5</sup>,  
Чу Юсуфумни<sup>6</sup> ики даҳрға баҳо қилсам.

Фигонки, ишқ чекар боглаб ани бўйнумға,  
Нечаки зуҳду вараъ<sup>7</sup> пардасин ридо<sup>8</sup> қилсам.

Кўзумга даҳрни ҳар лаҳза тийрароқ айлар,  
Саводи<sup>9</sup> холинга ҳар иеча кўз қаро қилсам.

Ишим чу савмаа<sup>10</sup> шайхи била тузалмади, кош —  
Ки, эмди майкада пирига<sup>11</sup> илтижо қилсам.

Навоиё, чу сабо ҳамнафасдур ул гулга,  
Не бўлди — сарсари<sup>12</sup> оҳимни гар сабо қилсам.

<sup>1</sup> Ш и к о ф — 1) ёриқ, дарз; 2) жароҳат.

<sup>2</sup> К ў й — 1) кўча, йўл; 2) маслак, мазҳаб, йўл.

<sup>3</sup> Х у ш қ д о р у — тоза тупроқ қуруқ дори дейилган.

<sup>4</sup> Д и р а м ( д и р ҳ а м ) — танга, кумуш танга.

<sup>5</sup> Б а й ъ о н а — баҳо, қиймат; бай пули.

<sup>6</sup> Маълумки, Юсуф алайҳиссаломни ўғай акалари арзимас тангага мисрлик савдогарларга соғиб юбордилар — бу ерда шунга ишора қилинапти.

<sup>7</sup> В а р а ъ — тақво, парҳезкорлик, художўйлик.

<sup>8</sup> Р и д о — уст кийим, ёпинчиқ.

<sup>9</sup> С а в о д — бу ерда: қора.

<sup>10</sup> С а в м а а — насронийлар ибодатхонаси; дайр.

<sup>11</sup> М а й к а д а п и р и — тариқат пири, маънавий-руҳоний раҳбар.

<sup>12</sup> С а р с а р — кучли ва совуқ шамол, бўрон, довул.



\* \* \*

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур<sup>1</sup> ўлмасун,  
Жумлаи оламда расволиққа машхур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдиди айлаб гуфтугу<sup>2</sup>,  
Оти анинг ҳар киши оғзига мазкур<sup>3</sup> ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил —  
Ким, анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур<sup>4</sup> ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз<sup>5</sup>,  
Навҳа тортиб, мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,  
Бизни бузди ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун!

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,  
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур<sup>6</sup> ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,  
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.

<sup>1</sup> М а ҳ ж у р — айрилган, йироқ, маҳрум.

<sup>2</sup> Г у ф т у г ў — суҳбат, гаплашиш.

<sup>3</sup> М а з к у р — 1) тилга олиш, зикр қилиш; 2) гап-сўз бўлган, одамлар оғзига тушган, машхур.

<sup>4</sup> М а қ д у р — қувват ва имконига мувофиқ.

<sup>5</sup> П о к б о з — бегараз ошиқ.

<sup>6</sup> М а х м у р — маст, хумор. М а х м у р л и к — бехудлик мартабаси.





\* \* \*

Дема меҳпат<sup>1</sup> тоғининг Фарҳоди саргардонимен,  
Тоза юз минг доғ ила ул қуллаининг<sup>2</sup> қаплопимен<sup>3</sup>.

Ламъаи<sup>4</sup> рухсоридин парвонадек куйсам, не тонг,  
Мешки йиллар ул малоҳат шамъи саргардонимен.

Хуснунга ҳайрон эсам, келмас улус ҳайронлиғи,  
Кимки ҳайронинг эмастур, мен ашинг ҳайронимен!

Мен ўлар ҳолатдаву жон қасди айлар ул пари,  
Одамийлиғ кўргузурким, бир нафас меҳмошимен.

Гар кўнгул бозди мени, ёр эрди боис, шукрким,  
Чузунинг<sup>5</sup> йўқ, бир малоҳат гапжининг вайронимен.

Дайр пири тутса май, нўн<sup>6</sup> этсам эрмас айбким,  
Заҳр агар ич дерким, ашинг бандаи фармонимен.

Телбалиқдин ақл сори истамиш зоҳид мени,  
Эй Навоий, муича подон билмас эрдим они мен.

<sup>1</sup> М е х п а т — 1) мусибат, бало; 2) ғам, дард; 3) машаққат, азоб.

<sup>2</sup> Қ у л л а — чўққи. тоғ чўққиси.

<sup>3</sup> Қ а п л о н — қоплон.

<sup>4</sup> Л а м ъ а — шуъла, нур.

<sup>5</sup> Ч у з — бойқуш, бойўқли.

<sup>6</sup> Н ў ш — 1) ичиш; 2) ёқимли, ширин; асал.



\* \* \*

Сиришк қонин оёвинг учун ҳино қилайин,  
Қабул туниса, қаровим<sup>1</sup> эзиб, қаро қилайин.

Ақиқ<sup>2</sup> лаълингга жон жавҳарин писор айлай,  
Саводи холингга кўз мардумин фидо қилайин.

Қаро менгинг<sup>3</sup> била қаддинг хаёли келса, ватап  
Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин.

Қадингки, соя солиштур, ўлай анга, яъни —  
Ки, ишиқ илмин алифбедин ибтидо<sup>4</sup> қилайин.

Лабиши қасдима тишлар юзига телмурсам,  
Боқиб туриб неча ўз жонима жафо қилайин.

Қўнгул қушиким, эрур жилвагоҳи<sup>5</sup> гулшани қудс<sup>6</sup>,  
Бу домгоҳда<sup>7</sup> недни ани мубтало қилайин?

Навоиё, ғамим аҳли вараъдин<sup>8</sup> ўлмади кам,  
Қўй эмди, майкада пирига илтижо қилайин.

---

<sup>1</sup> Қ а р о в — 1) кўз қорачиги; 2) қора хол.

<sup>2</sup> А қ и қ — қизил рангли қимматбаҳо тош.

<sup>3</sup> М е н г — хол.

<sup>4</sup> И б т и д о — бошлан, бошланиш; бош, аввал.

<sup>5</sup> Ж и л в а г о ҳ — жилваланиш жойи, намоён бўлиш ўрни.

<sup>6</sup> Қ у д с — пок, муқаддас.

<sup>7</sup> Д о м г о ҳ — ов учун тузоқ қўйилган жой; мажозан: бу дунё.

<sup>8</sup> А ҳ л и в а р а ъ — тақводорлар, парҳезгорлар.

\* \* \*

Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу,  
Гулунгда қатра хай<sup>1</sup> бўстондағи сувдин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлағон эрмас ҳамоноким,  
Назар боғида шавқунгдин очилғон арғувондур<sup>2</sup> бу.

Эмас васлинг тилаб учқон кўзум атрофида кирник —  
Ким, ул дарёи қушларға қамишдин опёндур бу.

Кўнгулдин чиққон оҳим айлар афзун<sup>3</sup> хали; савдосин —  
Ки, шайдолиқ диёридин етишган корвондур бу.

Қизил рағлар<sup>4</sup> кўзумда кўрган анғлар ашк селинким,  
Оқарма келган ул йўллар била ҳар сори қондур бу.

Лабиндин хастадур кўнглум дам очма, эй Масих, ўтким,  
Иложин юз сенингдакнинг беганмас нотавондур бу.

Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам  
Бошинга эврулур саргаштаи беҳонумондур бу.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким<sup>5</sup>,  
Мунга Рух ул-аминдур<sup>6</sup> ул, анга дор ул-амондур<sup>7</sup> бу.

Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,  
Ул ой фарёдингга етмас, Навоий, не фиғондур бу?

<sup>1</sup> Х а й — тер томчиси.

<sup>2</sup> А р г у в о н — гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

<sup>3</sup> А ф з у н — кўп, оргиқ, зиёда; афзал.

<sup>4</sup> Р а г — томир, пай.

<sup>5</sup> Б а т — ўрдак. М а й б а т и — ўрдак шаклидаги май идиши.

<sup>6</sup> Р у ҳ ул - а м и н — Ҷаброил фаришга.

<sup>7</sup> Д о р ул - а м о н — тинчлик ва осойишталик мақони.



\* \* \*

Жонда жоншарвар сўзидурму лаби хандониму?  
Рухум ороми дейишму они, жоним жоимуму?

Кўнглум ичра нешларким<sup>1</sup>, санчилибдур англамон:  
Ништари мужгонидурму новаки пайкониму?

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин:  
Нух тўфониму<sup>2</sup> ашким селининг тугёниму?

Жон олурда қайсининг саъб<sup>3</sup> эрканин шарҳ айлайин:  
Ишқининг бедодиму ё шиддати ҳижрониму?

Неси ул гулнинг Эрам гулзоридин<sup>4</sup> ортуғ эмас:  
Жилва айлар сарвиму ё ғунчай хандониму?!

Эйки, бердинг даҳр шўҳига кўнгул, қатлинг учун  
Ишваи пайдосиму йўқ, офати пинҳониму?

Қатл қилдилар Навоийни ва лекин билмадим,  
Кўнглин олдурмоқму эрди, ё кўнгул олғониму?

---

<sup>1</sup> Н е ш — 1) тикан; 2) ўткир нарсанинг учи; 3) найза; 4) азоб.

<sup>2</sup> Маълумки, Нух алайҳиссалом ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъвати-га қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Ундан фақат Нух пайғамбарга эргашганларгина омон қоладилар. Бу ерда шу воқеага ишора қилинапти.

<sup>3</sup> С а ъ б — қийин, оғир.

<sup>4</sup> Э р а м г у л з о р и — афсонавий жаннат боғи.

\* \* \*

Ул жигар парголаси ашкимни гулгун қилдило,  
Шод этай деб потавон кўнглумни маҳзун қилдило.

Ваъда айлаб жилвасин боғ ичра андоққи пари,  
Дашт уза оввора қилмоқлиққа Мажнун қилдило.

Деди: васлим бирла кўнтин-кўн гамингни кам қилай,  
Ани кундин-кунга ўксутмакни<sup>1</sup> афзун қилдило.

Қутқарай деб чарх жавридин мени саргаштани,  
Анжуми<sup>2</sup> пайкон била жисмимни гардун қилдило.

Зулфиға ваҳший кўнгул сайдинг<sup>3</sup> гирифтор эткали  
Йўқ овиздин бор эканча ҳадди афсун қилдило.

Муфлис<sup>4</sup> эрдим, май қилиб сингон сафолим<sup>5</sup> жоми Жам,  
Хотирим вайронасин худ<sup>6</sup> гапжи Қорун<sup>7</sup> қилдило.

Ким Навоийдин салоҳ<sup>8</sup> истар, эрур гофил баса,  
Хирқау сажжодасин<sup>9</sup> ул майға марҳун<sup>10</sup> қилдило.

<sup>1</sup> Ўксутмак — 1) камайтириш; 2) камситиш.

<sup>2</sup> Анжум — юдузлар.

<sup>3</sup> Сайди — ов, шикор, овланган нарсаси.

<sup>4</sup> Муфлис — бечора, фақир.

<sup>5</sup> Сингон сафол — тасаввуф тимсолларидан бўлиб, синиқ, дардли кўнгилини билдиради. Кўнгли бутунлик — плоҳий жазба ва ишқдан беҳабарликни, кўнгли синиқлик эса — илоҳий ишқ шавқиға ошиоликни англатади.

<sup>6</sup> Худ — бу ерда: худди.

<sup>7</sup> Қорун — Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларға сарфламай, хасиелиқда ном чиқарган шахс. У Шарқ адабиётида ҳариселик ва хасиелик тимсоли ҳисобланади.

<sup>8</sup> Салоҳ — 1) парҳезкорлик, зухду тақво; 2) тўврилиқ, ёмон ишлардан ўзини сақлаш.

<sup>9</sup> Сажжода — жойнамоз.

<sup>10</sup> Марҳун — гаровға қўйилган нарсаси.



\* \* \*

Жоним чиқадур ҳажр ила — жонон керак эрди,  
Кўнглум куядур дард ила — дармон керак эрди.

Ғам шонида парвона сифатким куядурмен,  
Бошим уза ул шамъи шабистон керак эрди.

Кўз боғида юз гул очадур ишқ ва лекин  
Юзу хатидин лолаву райҳон керак эрди.

Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,  
Оҳ ўқларива бир неча пайкон керак эрди.

Қабримға хиром эттинг-у, йўқ тухфае, ваҳким,  
Бу хас каби жон ичра бугун жон керак эрди.

Хуш зийнати кўп номадурур<sup>1</sup> умр ва лекин  
Тавқиъи<sup>2</sup> вафодин анга унвои керак эрди.

Билмай сени ул гул қовар, эй зор Навоий,  
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.

<sup>1</sup> Н о м а — 1) хат, мактуб; 2) дастур, хужжаг.

<sup>2</sup> Т а в қ и ъ — бу ерда: мухр, имзо.



\* \* \*

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулган рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий губор ўлдум,  
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа губоримни.

Шак эрмас партаве тушкач, уйи ҳам, рахти ҳам куймак,  
Чу гўристон гадойи сермағай шамъи мазоримни.

Деманг, қай сори азм эткупг, манга йўқ ихтиёр, охир  
Қазо<sup>1</sup> илгига бермишмен ипони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,  
Фалак зулми бадал<sup>2</sup> қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,  
Не топг, бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни!

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўргай  
Бағир парғоласидин қонға булганган узоримни<sup>3</sup>.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен<sup>4</sup> асру, эй соқий,  
Қадаҳқа захри қотил қуй, дави дафъ эт хуморимни!

Жаҳон таркини қилмай, чунки тинмоқ мумкин  
эрмастур,  
Навобий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

<sup>1</sup> Қ а з о — Оллоҳ иродаси, тақдир, қисмат.

<sup>2</sup> Б а д а л — алмаштириш, айирбош, эваз.

<sup>3</sup> У з о р — юз, чеҳра, жамол.

<sup>4</sup> С а р г а р о н — гангиган, довдираган, боши айланган, маст.



\* \* \*

Навбахор ўлди-ю, айшим гулбуни очилмади,  
Ком ила бир гунчаси балким табассум қилмади.

Васл жомидин улус маст ўлдилар, юз войким,  
Бир қадаҳ бирла хумори фурқатим ёзилмади.

Эл кўзин ёрутти барқи васлу ҳижрон кожидин<sup>1</sup>  
Қайси ўтларким, кўзумга барқдек чоқилмади?!

Васл гулзори аро эл масту ҳижрон даштида  
Қолмади эрди тикаиким, бағрима санчилмади.

Лолалар кўнглумга қонлиғ доғлардур навбахор —  
Ким, ватанга лоларухсорим<sup>2</sup> азимат қилмади.

Фурқатим саъб эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,  
Ёриға улким, қўшулмоқдин бурун айрилмади.

Қайда бағрим чоки муҳлик<sup>3</sup> эрканин фаҳм айлагай,  
Ўлки, ҳижрон тиви заҳролуди<sup>4</sup> бағрин тилмади.

Чун ўлармен, сирри ишқим махфий ўлган яхшироқ,  
Билмасун эл ҳам, чу ҳажри жоним олган билмади.

Бир жунун ўти аро тушмиш Навоий телбаким,  
Бўлди қўймақдин халос улким, анга қотилмади.

<sup>1</sup> К о ж — шапалоқ.

<sup>2</sup> Л о л а р у х с о р — лола юзли.

<sup>3</sup> М у ҳ л и к — ўлдирувчи, ҳалокатли.

<sup>4</sup> З а ҳ р о л у д — заҳар араланган, заҳарланган.





\* \* \*

Эврулай<sup>1</sup> бошинггау беҳушу ҳайронинг бўлай!  
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай!

Хони<sup>2</sup> васлингдин агар қовса рақибинг, рағмига<sup>3</sup>  
Кўнглум истардек тахайюл<sup>4</sup> бирла меҳмонинг бўлай!

Нетти жон тонсам висолингдин лабингнинг холидек,  
Кўзу зулфунгдин печа масту паришонинг бўлай!

Хуштуруп васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,  
Неча, жоно, мубталои доғи ҳижронинг бўлай?

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин —  
Ким, қуюндек садқаи сарви хиромонинг<sup>5</sup> бўлай!

Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,  
То бошингга эврулурга гарди майдонинг бўлай!

Эй Навоий, гуигу лол истар эсам, тонг йўқ, сени,  
Тобакай<sup>6</sup> озурдаи<sup>7</sup> фарёду афғонинг бўлай?

<sup>1</sup> Э в р у л м о қ — айланмоқ, ўргилмоқ.

<sup>2</sup> Х о н — 1) дастурхон; 2) ризқ, таом.

<sup>3</sup> Р а г м — бирор кишининг хоҳишига қарши иш қилиш.

<sup>4</sup> Т а х а й ю л — хаёл, тасаввур.

<sup>5</sup> С а р в и х и р о м о н — хиром айлайдиган сарв, яъни чиройли юрадиган маҳбуба.

<sup>6</sup> Т о б а к а й — қачонгача.

<sup>7</sup> О з у р д а — озор чеккан, ранжиган, хафа.

\* \* \*

Кўзунгга тани нотавоним фидо!  
Равонбахш<sup>1</sup> лаълингга жоним фидо!

Лабинг ранги оллида қоним сабил,  
Қадинг жилвасига равоним фидо!

Белу<sup>2</sup> оғзинг олди тану жонниким,  
Анга ошкору ниҳоним фидо!

Бағир лаъли, кўз дурри оллингга сарф,  
Демайким, санга баҳру коним фидо!

Жунун бирла ақлим гаминг садқаси —  
Ки, оллингга яхши-ёмоним фидо!

Фано даштида қани овворалиғ —  
Ким, ул сайрга хонумоним фидо!

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам  
Санга айлай, эй дилситоним, фидо!

---

<sup>1</sup> Р а в о н б а х ш — жонбахш.

<sup>2</sup> Б е л — комил инсоннинг фикру тахайюли. И н г и ч к а (қ и л д а й) б е л — бу фикру тахайюлнинг нозик ва тералиғи. Толиб ва матлуб орасидаги пардага, бу парданинг кўтарилиб, улар ўртасида яқинлик пайдо бўлишига ҳам иншора қилинади.



\* \* \*

Ёр офиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб:  
Кўп чучуклуктин ёнушмишлар магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли<sup>1</sup> ичра мавж,  
Изтироб ичра юзунгга солса чин<sup>2</sup> ногаҳ қазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,  
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Буки, кўйглумни итинг тишларда оғзин қочирур,  
Ё ўти, ёхуд анинг ислангани эркин сабаб.

Ишқи комил элии ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,  
Гар эрур маъшуқ ёхуд армани, ёхуд араб.

Эйки, фақр<sup>3</sup> ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,  
Бўлмаса толиб<sup>4</sup> санга матлуб<sup>5</sup>, суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида<sup>6</sup>, Навоий, неча топсанг эътибор,  
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад риоят қил адаб.

---

<sup>1</sup> Ҳ а й в о н з у л о л и — оби ҳаёт чашмаси, тириклик суви.

<sup>2</sup> Ч и н — ажин, чимирилиш.

<sup>3</sup> Ф а қ р — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлин.

<sup>4</sup> Т о л и б — изловчи, хоҳловчи, майл этувчи. Тасаввуфда талабгор, мурид, сўфий, шогирд маъноларида келади.

<sup>5</sup> М а т л у б — талаб қилинган, хоҳланган, севимли, яъни маҳбуба.

<sup>6</sup> Ҳ а р и м — бу ерда: сарой, ўрда маъносига.



\* \* \*

Эй сабо<sup>1</sup>, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,  
Йиғларимнинг шиддатиң гулбарги хандонимга<sup>2</sup> айт.

Буки, аниң аҳду паймонида мен ўлсам дари  
Яхши фурсат топсанг, ул бад аҳду паймонимга<sup>3</sup> айт.

Буки, аниң зулфи зушорида диним ҳосили  
Куфр ила бўлмиш мубаддал<sup>4</sup>, помусулмонимга айт.

Буки, қилмишмен жаҳону жонни оғиниң садқаси,  
Юз туман жону жаҳондиң яхши жононимга айт.

Буки, юз жоп садқаси қилсам, пушаймоп бўлмағум,  
Васлиға бир ваъда қилғандиң пушаймонимга айт.

Буки, юз миң фитнакўзлук бўлса пайдо, онсизин  
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимга<sup>5</sup> айт.

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок подошимга айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрқанин  
Юзи — гул, жисми — сумап<sup>6</sup>, кўйи — гулистонимга айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаниниң сешнигдек хушнаво  
Булбули йўқ эрқанин шоҳи суҳандонимга<sup>7</sup> айт.

<sup>1</sup> С а б о — Шарқдан эсадиган ёқимли шабада, тонг ели. Тасаввуфда руҳоний маънуқ томонидан келадиган раҳмоний хушбўй пасим. Шунингдек, сабо ошиқлариниң саҳарда чеккан оху поласини Оллоҳга етказди, деб ҳисоблайдилар.

<sup>2</sup> Г у л б а р г и х а н д о н — янги очилган гул янғори; мажозан: маҳбуба.

<sup>3</sup> Б а д а ҳ д у п а й м о н — ваъдаси ёлғон, бевафо.

<sup>4</sup> М у б а д д а л — алмашинган, ўзгартirilган.

<sup>5</sup> Ф а т т о н — фитна солувчи, мафтуи қилувчи, жозибали.

<sup>6</sup> С у м а н — оқ, хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули; беуман.

<sup>7</sup> С у х а н д о н — сўзга чечан, сўзамол, сўз устаси, потиқ.



\* \* \*

Кўруб дардим, тараҳҳум<sup>1</sup> қилмадинг ҳеч,  
Тўкуб ашким, табассум қилмадинг ҳеч.

Фироқинг ўти ичра неча йиглаб  
Фигон чектим, тараҳҳум қилмадинг ҳеч.

Жаҳонға оҳу ашким солди ошуб,  
Бу тўфондин таваҳҳум<sup>2</sup> қилмадинг ҳеч.

Сўзунг<sup>3</sup> шавқидин<sup>4</sup> эрдим хаста умре,  
Сўрарға бир такаллум қилмадинг ҳеч.

Мусаллам<sup>5</sup> ишқ, эй кўнглум, сенгаким,  
Кўруб зулмин, тазаллум<sup>6</sup> қилмадинг ҳеч.

Муҳаббат аҳли қисмин<sup>7</sup> невчун, эй чарх,  
Қилиб меҳнат, танаъум<sup>8</sup> қилмадинг ҳеч.

Навий сори, эй даври мухолиф<sup>9</sup>,  
Наво савтин<sup>10</sup> тарапнум<sup>11</sup> қилмадинг ҳеч.

---

<sup>1</sup> Тараҳҳум — раҳм этиши, шафқат қилиши.

<sup>2</sup> Таваҳҳум — ваҳимага тулиши, қўрқиши.

<sup>3</sup> Сўза — тасаввуф истилоҳида илоҳий ишоралар ва огоҳликлар.

<sup>4</sup> Шавқ — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинлиқнинг кучайиши, иштиёқ ва истак валаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

<sup>5</sup> Мусаллам — тобеъ бўлган, таслим бўлган.

<sup>6</sup> Тазаллум — зулм кўриш; шикоят.

<sup>7</sup> Қисм — бу ерда: ҳисса, насиба, ризқ.

<sup>8</sup> Танаъум — баҳраманд бўлиш.

<sup>9</sup> Мухолиф — зид, қарши, душман.

<sup>10</sup> Савт — куй, оҳанг; овоз, товуш.

<sup>11</sup> Тарапнум — 1) куйлаш, ёқимли сайраш; 2) чиройли сўзлаш.



\* \* \*

Икки кўзумки, дарду бало жўйборидур<sup>1</sup>,  
Оҳим бухори<sup>2</sup> устида абри баҳоридур.

Ушшоқ тийра ахтари<sup>3</sup> ҳар ён шафақ аро  
Гўё сипеҳр<sup>4</sup> сабзасининг<sup>5</sup> лолазоридур.

Билмай, дединг, узулмиш экан субҳай<sup>6</sup> ақиқ,  
Лаълинг ғамида қон киби ашким қаторидур.

Ғам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,  
Пайкону бори<sup>7</sup> ҳажринг ашинг баргу боридур.

Ҳар кимки, Юсуфум<sup>8</sup> ғамидин ўлди дашт аро,  
Ҳар тун магар бўри кўзи шамъи мазоридур.

Бу дашт туфроғин дема мушкинки<sup>9</sup>, ҳар овуч  
Бир мушкбў<sup>10</sup> ғизола<sup>11</sup> тани хоксоридур.

Бергил тутуб пиёла Навоийга руҳким,  
Жопин етурган оғзига лаълинг хуморидур.

<sup>1</sup> Жўйбор — ариқ, сой, серсув жой.

<sup>2</sup> Бухор — дуд, тутун, був.

<sup>3</sup> Ахтар — юлдуз.

<sup>4</sup> Сипеҳр — 1) осмон; 2) дунё, замон; 3) тақдир.

<sup>5</sup> Сабза — майса, кўкат, яшиллик; мажозан: ёр қоши; зулфи.

<sup>6</sup> Субҳа — тасбеҳ.

<sup>7</sup> Бор — 1) юк; 2) мева, ҳосил; 3) шох; 4) ғам, ғусса, андуҳ.

<sup>8</sup> Юсуф — ҳусну малоҳатда тенгсиз Юсуф алайҳиссалом. Маълумки, Оллоҳ таоло ҳусни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улунни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Мажозан: гўзал маҳбуба.

<sup>9</sup> Мушкини — мушк ҳидли, хушбўй.

<sup>10</sup> Мушкбў (й) — мушк ҳидли, муаттар, хушбўй.

<sup>11</sup> Ғизол (ғазол) — оҳу, кийик; мажозан: маҳбуба.



\* \* \*

Не лўливашдур<sup>1</sup> ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар<sup>2</sup>,  
Ќиё боқмоқлари — поки<sup>3</sup>, итик<sup>4</sup> мужгонлари — ништар.

Юзидишким хижилдур гул, паришон ҳар тараф кокул,  
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур<sup>5</sup> уза анбар<sup>6</sup>.

Югурмакликда ҳар гунбади<sup>7</sup>, секрер ул маҳи гулхад<sup>8</sup>,  
Гули меҳр олдорир беҳад, уёлур гунбази ахзар<sup>9</sup>.

Чу лаъб<sup>10</sup> асбобини тузди, саломат ринтасин узди,  
Қамардек<sup>11</sup> ҳола кўргузди узори давридин чамбар<sup>12</sup>.

Либоси нози часпондур<sup>13</sup>, гаҳи туз қадди чавгондур<sup>14</sup>,  
Замоее гўйи<sup>15</sup> фалтондур, зиҳи<sup>16</sup> чобук, зиҳи дилбар.

<sup>1</sup> Л ў л и в а ш — лўлига ўхшаган; мажозан: гўзал, шўх.

<sup>2</sup> Я к с а р — 1) тапҳо, якка; 2) бирдан, дафъатан.

<sup>3</sup> П о к и — устара; пичоқ.

<sup>4</sup> И т и к — тез, ўткир.

<sup>5</sup> К о ф у р — оқ хушбўй модда; оқ, оқлик.

<sup>6</sup> А н б а р — хушбўй модда; мажозан: зулф.

<sup>7</sup> Г у н б а д — 1) гунбаз; 2) осмон, фалак; 3) дахма.

<sup>8</sup> Г у л х а д — гул юзли, гўзал.

<sup>9</sup> А х з а р — кўк, яшил.

<sup>10</sup> Л а ъ б — 1) ўйин, рақс; 2) ҳийла, найранг.

<sup>11</sup> Қ а м а р — ой.

<sup>12</sup> Ч а м б а р — 1) доира, чамбарак, ҳалқа; 2) банд, каманд.

<sup>13</sup> Ч а с п о н — ёпишиб, ярашиб турадиган (кийим).

<sup>14</sup> Ч а в г о н — «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ.

<sup>15</sup> Г ў й и — чавгон ўйинида ўйналадиган тўп.

<sup>16</sup> З и ҳ и — 1) гўзал, ёқимли; 2) энг, жуда; 3) офарин.

Бошига сийм ўлуб паррон<sup>1</sup>, тушуб гирдиға анжумсон<sup>2</sup>,  
Тулۇ<sup>3</sup> эткаш киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

Тўқуб қон неши нам бирла, очиб майдон ситам бирла,  
Олиб табу<sup>4</sup> алам бирла кўнгуллар кишварин яқсар.

Жунун шамъиш қилиб равшан, кўнгулга телбалиқдур фаи,  
Паридек бўлғали парранда<sup>5</sup> ул шўхи парипайкар.

Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хуш,  
Қани бир жоми лўликаш<sup>6</sup>, лўли тутса бир соғар.

Тамаъ қилма фалақдин комким, ханжар қилур ошом  
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> П а р р о н — учувчи, ушиб кетаётган.

<sup>2</sup> А н ж у м с о н — юлдуз каби.

<sup>3</sup> Т у л у — чиқин, кўриниш.

<sup>4</sup> Т а б л — катта ноғора.

<sup>5</sup> П а р р а н д а — қуш; бу ерда: учувчи, уचाётган.

<sup>6</sup> Л ў л и к а ш — бу ерда: лўлидай ўзига тортадиган қадах.

<sup>7</sup> Б о з и г а р — фирибгар, ҳийлагар, алдамчи.





\* \* \*

Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек,  
Душман дови қайда бор сендек.

Эй хаста кўнгул, санга керак васл,  
Йўқ ҳажрида чунки зор сендек.

Не ишқ аро хоксор мендек,  
Не ҳусн аро шаҳсувор сендек.

Гулгун тўн уза қора чу рагнақш,  
Очилмади лолазор сендек.

Гар дайри фанода<sup>1</sup> жом чексанг,  
Йўқ шоҳи Ҷам иқтидор сендек.

Эй кўз, тўкасен хумордин қон,  
Ул наргиси<sup>2</sup> пурхумор<sup>3</sup> сендек.

Йўқ зулфига тушкали, Навоий,  
Ошuftаи рўзгор сендек.

---

<sup>1</sup> Д а й р и ф а н о ( ф а н о д а й р и ) — ориф ва авлиёлар давраси, мажлиси.

<sup>2</sup> Н а р г и с — бутакўз; мажозан: шаҳло кўз.

<sup>3</sup> П у р х у м о р — шўҳоятда хумор, гўзал кўз.



\* \* \*

Эй муганний, ёр базмида наво соз айласанг,  
Жон фидонг ўлсун камим шарҳидин оғоз айласанг.

Уддек<sup>1</sup> куймаклигим шарҳ эт лисони<sup>2</sup> ҳол<sup>3</sup> ила,  
Нағмада удунг лисонин сеҳрпардоз<sup>4</sup> айласанг.

Ўтга оламдин хабар деб бизни тиргуздунг, не тонг,  
Бу рисолат<sup>5</sup> бирла гар изҳори эъжоз<sup>6</sup> айласанг.

Розим ар<sup>7</sup> созинг лисонидин баъид ул-фаҳм<sup>8</sup> эса,  
Анга руҳафзо<sup>9</sup> унунгни доғи ҳамроз<sup>10</sup> айласанг.

Отлашиб, бошимни рахшингнинг<sup>11</sup> аёғи остива  
Тиг бирла солғудек масти сарандоз<sup>12</sup> айласанг.

Парда ён роз узрау дохил бўл ушбу базм аро —  
Ким, эрур хориж агар бепарда пардоз айласанг.

Чекмадинг лаҳне<sup>13</sup> Навоий қўнглун истаб, айб эмас,  
Англаб ўзунгни, наво аҳлига шаҳноз<sup>14</sup> айласанг.

<sup>1</sup> У д — 1) торли чолғу асбоби; 2) ўтга тавлаганда хушбўй ҳид таратадиган ёғочнинг бир тури.

<sup>2</sup> Л и с о н — тил.

<sup>3</sup> Ҳ о л — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида солиқнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

<sup>4</sup> С е ҳ р п а р д о з — сеҳр қилувчи.

<sup>5</sup> Р и с о л а т — 1) нома, мактуб; 2) пайгамбарлик, элчилик.

<sup>6</sup> Э ъ ж о з — мўъжиза кўрсатиш, (бошқаларни) ожиз қолдириш.

<sup>7</sup> А р — а г а р бовловчисининг қисқартирилган шакли.

<sup>8</sup> Б а ъ и д ул-ф а ҳ м — тушуниш қийин, англаш мушкул.

<sup>9</sup> Р у ҳ а ф з о — жонбахш.

<sup>10</sup> Ҳ а м р о з — сирдош, яқин дўст, улфат.

<sup>11</sup> Р а х ш — югурик от, тулпор.

<sup>12</sup> С а р а н д о з — 1) боши қуйи; 2) элчил, нижоатли, ботир.

<sup>13</sup> Л а ҳ н — 1) товуш; овоз; 2) ашула, наво, оҳанг.

<sup>14</sup> Ш а ҳ н о з — куй номи.

\* \* \*

Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бупёд айласам,  
Қўзвалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Емрулур бошимга гўёким фалак ғамхонаси,  
Ул қуён ҳамхонам эрканни қачон ёд айласам.

Ҳажр бийми<sup>1</sup> чун стар, ғамгин қилур беихтиёр,  
Васл умиди бирла кўнглумни неча шод айласам.

Чарху анжумдин куюбмен, айб эмас, гар оҳ ила  
Бу неча аҳгар<sup>2</sup> била ул қулни барбод айласам.

Дафъ этай дермен жаҳоидин ашк ила ғам туфрогин,  
Бу бузугни сел ила истармен обод айласам.

Салтанатдин бода ортуқдур манга юз қатлаким,  
Хушроқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам.

Эй Навоий, ҳажр аро етти ажал, қилгайму сабр  
Ул Масихо ваъдаи васлини миод<sup>3</sup> айласам.

<sup>1</sup> Б и й м — хавф, қўрқинч, ваҳима, таҳлика.

<sup>2</sup> А х г а р — лахча чўр, олов.

<sup>3</sup> М и о д — ваъдаланган жой, ваъда вақти.

\* \* \*

Тирик қолсам гар ўзни базми васлинг ичра солгаймен,  
Фироқинг шиддатин деолмасам, худ йиғлай олгаймен.

Қабо<sup>1</sup> бир қатла васли хилватида мени, эй гардун,  
Неча ҳижрони зиидонида ул ойнинг қаболгаймен.

Жунун тоши бошинга ёвди, деб таън этма, эй носих,  
Тасаввур қилмаким, бу сарзанишлардин<sup>2</sup> уёлгаймен.

Нигоринг гар борур, бот келгусидур, ема гам, дерсиз,  
Ҳамоно соғинурсизким<sup>3</sup>, мен ул келгунча қолгаймен?

Мени даврон бузубтур, сиз ясай олмассиз, эй аҳбоб,  
Менга не журм азалда, чун бузук мундоқ ясолгаймен.

Агар аҳбоб теъдодин<sup>4</sup> қилурсиз, бўлмоғум сонда,  
Манга бас бу шарафким, итлари ичра саяулгаймен!

Сабухи<sup>5</sup> васл аро тут бир қадаҳ, эй соқийи даврон,  
Неча ҳижрон туни махмурлиқ бирла қийполгаймен.

Ўлармен ё стармен мақсадимга — ёнмоқ<sup>6</sup> имкон йўқ,  
Бадан заъфи била йўл шиддатидин гарчи толгаймен.

Кўнгул уздум, Навоий, кўйи тавфидин<sup>7</sup>, не тонг, эмди  
Эринса итлари, ул кўй аро кўнгулмни солгаймен.

<sup>1</sup> Қабо — қамагин.

<sup>2</sup> Сарзаниш — маломат, таъна, озор.

<sup>3</sup> Соғинмоқ — бу ерда: ҳисобламоқ, ўйламоқ.

<sup>4</sup> Теъдод — ҳисоб, миқдор, санаш.

<sup>5</sup> Сабухий — эрталабки боноғрийи учун иччиладиган май.

<sup>6</sup> Ёнмоқ — қайтмоқ.

<sup>7</sup> Тавф — айлашиш, зиёрат.



\* \* \*

То муҳаббат дашти бепоеида оворамеи,  
Ҳар балият<sup>1</sup> келса ишқ оншубидин, бечорамеи.

Эл петиб топқай мениким, меп ўзумши топмамон<sup>2</sup>,  
Бўйлаким, ишқу жузун саҳросида оворамеи!

Қайси захмимға қилурсен чора, чун мен, эй рафиқ,  
Тийрборони<sup>3</sup> балиятдин саросар<sup>4</sup> ёрамеи.

Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени,  
Билдиким, ҳижрои тупига кавкаби сайёрамеи.

Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,  
Ишқ аро парвожаву булбулға чун ҳамкорамеи<sup>5</sup>.

Эй харобот аҳли<sup>6</sup>, гар сиз маст ўлуб, меп бўлмасам,  
Айб эмас, невчунки, сиз — майхора<sup>7</sup>, меп — хунхорамеи<sup>8</sup>.

Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил<sup>9</sup> этма кўп,  
Ит киби мен эришиб<sup>10</sup> ул корвонни борамеи.

<sup>1</sup> Б а л и я т — бало, мусибат, машаққат, азоб.

<sup>2</sup> Т о п м а м о н — топмайман.

<sup>3</sup> Т и й р б о р о н — ўқ ёмири.

<sup>4</sup> С а р о с а р — бошдан-оёқ.

<sup>5</sup> Ҳ а м к о р а — шерик.

<sup>6</sup> Ҳ а р о б о т а ҳ л и — риндлар.

<sup>7</sup> М а й х о р а — кўп май ичувчи; мажозан: маст гўзаллар.

<sup>8</sup> Х у н х о р а (Х у н х о р) — қон ютувчи.

<sup>9</sup> Т а ъ ж и л — тез, шонилинч.

<sup>10</sup> Э р и ш и б — эргашиб.



\* \* \*

Ваъда айлаб васл, жисми нотавоним ўртама,  
Келмагуингдур, интизор ўтига жоним ўртама.

Ишқ ўтининг ўртари басдур, яна жоним аро  
Доғи ҳижрон ҳар даме номехрибоним ўртама!

Жонни олдинг, солма охир нотавон жисмимга ўт,  
Нақд чун яғмога<sup>1</sup> борди, хонумоним ўртама!

Новакингиинг касратиндинким<sup>2</sup>, найистондур<sup>3</sup> кўнгул,  
Ўт олиб кирма қошимга, найситоним ўртама.

Жонима ўт солди инқинг, бал<sup>4</sup> жаҳоним ўртади,  
Раҳм этиб, мундин нари жону жаҳоним ўртама!

Ҳар нафас куйдурма ўт бирла, эй гардуи, мени  
Куйдурурга ҳар дам айлаб имтиҳоним, ўртама.


Қилма нисбат хўблар сори Навоийдек мени,  
Тухмат айлаб ҳар замон, эй бадгумоним, ўртама.

<sup>1</sup> Яғмо — талон-тороғ, ворагтарлик.

<sup>2</sup> Касрат — кўнлик, мўллик.

<sup>3</sup> Найистон — қамишзор.

<sup>4</sup> Бал — балки, эҳтимол; ҳатто.



\* \* \*

Очмагай эрдинг жамоли оламоро кошки,  
Солмагай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

Чун жамолинг<sup>1</sup> жилваси<sup>2</sup> оламға солди рустахез<sup>3</sup>,  
Қилмагай эрди кўзум они тамошо кошки!

Бўлмагай эрди кўзум ўтлуқ юзунг кўрган замои  
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,  
Қилмагай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Тушмагай эрди фирибomez<sup>4</sup> лутфунг билмайин,  
Нотавои кўнглумға васлингдин таманно<sup>5</sup> кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин талабгор айлабон,  
Қилмагай эрдинг яна зулм оиқоро кошки.

Бевафолиғ анлагач, ишқингни кўнглум тарк этиб,  
Қилмагай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмдиким, девонаю расвои олам ўлмишам,  
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас, не фойда,  
Нечаким десаиғ агар ёхуд магар ё кошки?


<sup>1</sup> Ж а м о л — ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра, маъшуқнинг ўз камолини намоен этиши; илоҳий тажалли.

<sup>2</sup> Ж и л в а — солиқи ориф дилида юрлаб, уни волаю шайдо айлайдиган илоҳий нур.

<sup>3</sup> Р у с т а х е з — ғавғо, тўполон.

<sup>4</sup> Ф и р и б о м е з — фириб омухга, макр аралаш.

<sup>5</sup> Т а м а н н о — истак, хоҳиш, орзу, мақсад.



\* \* \*

Неча мен меҳнат чекиб, ул ой танаъум айлагай,  
Ошкоро йиғласам, шипҳон табассум айлагай.

Жавридин ул навъ хушменким, ўлум ҳоли бўлуб,  
Ваҳм этарменким, кўруб ногаҳ тараҳҳум айлагай.

Нукта сургач лаъли, ўлгошлар топар умри абад,  
Умрида Исо қачон мундор такаллум айлагай?

Тиғи зулми тегмағидин айласа эл кўнгли бийм,  
Тегмасун ғайриға деб, кўнглум таваҳҳум айлагай.

Дема зулмум кўш етиб, кўнглунг тазаллум айламиш —  
Ким, агар оз етса, шоядким, тазаллум айлагай.

Эй кўнгул, бир лаҳза ҳижрон шиддатиға арзимас,  
Гар висол ичра киши юз йил танаъум айлагай!

Ёр базмиға чу йўл топмас Навоий, не осиф,  
Дилхарош<sup>1</sup> афғону гар дилкаш тарашум айлагай.

---

<sup>1</sup> Д и л х а р о ш — кўнглиши тирновчи, кўнглил дардларини кўзговчи.





\* \* \*

Ишқ аро ҳолимға бир ҳамдам тараҳҳум қилмади,  
Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.

То ул ой ағёр ила нўи айлади жоми висол,  
Қайеи ҳижрон нешиким, бағрим аро санчилмади.

Не ажаб, гар билмасам ҳолимни бу ғамдинки, ёр,  
Ўлгали етгим вами ишқида — ҳолим билмади.

Қон ёшимнииг саргузаштин ким ёшурсун эмдиким,  
Қолмади ерким, бу рангии<sup>1</sup> можаро айтилмади.

Ҳуси бовидин вафо варди<sup>2</sup> таваққуъ қилманғиз —  
Ким, бу гулшан гулбунида бўйла гул очилмади.

Ишқим ихфосиини<sup>3</sup>, ваҳким, қилмадим ҳарғиз хаёл,  
То ул ойнинг ҳуснидек олам аро ёйилмади.

Эй Навоий, сендин ўту су ародур халқким,  
Ёрмади ашқинг суйи то оҳ ўти чоқилмади.

<sup>1</sup> Р а п г и н — ажойиб.

<sup>2</sup> В а р д — атиргул, қизил гул.

<sup>3</sup> И х ф о — яширин, сир тутин.

\* \* \*

Дўстлар, мен телба аҳволимга йиғланг зор-зор —  
Ким, солодур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушкан хорхор.

Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,  
Нега зулфунгни паришонлигдин айлар тор-тор?

Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар  
Икки-икки чунки киргайлар отошиб<sup>1</sup> ёр-ёр.

Қўрқарамким, бўлмагай озурда нозук қоматинг,  
Эгинингга хуш-хушки солмиш жаъди<sup>2</sup> анбарбор бор<sup>3</sup>.

Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таиоби зулфини,  
Жўрми ишқимга магар ҳукм айлади дилдор дор.

Ипқ эрур андоқ мураббийким, қилур еткач асар,  
Булбул ўлвай, очса юз бир сарви гулрухсор сор.

Эй Навоий, бўлди ул бут<sup>4</sup> кофири оташпараст,  
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар урса жонингга зуннор нор<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> О т о ш и б — айтишиб.

<sup>2</sup> Ж а ъ д — жингала соч.

<sup>3</sup> А н б а р б о р — анбар ёвдирувчи, ёқимли ҳид таратувчи.

<sup>4</sup> Б у т — санам; мажозан: маъшуқа.

<sup>5</sup> Н о р — 1) шуъла, ўт, олов; 2) дузах; 3) анор.



\* \* \*

Зулфунг очилиб, орази дилжў<sup>1</sup> била ўйнар,  
Ҳиндубачае<sup>2</sup> шўхдурур, су била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин<sup>3</sup> этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлдур<sup>4</sup>, алқиссаки<sup>5</sup>, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай бовлади уйқумни фусундин,  
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб<sup>6</sup>,  
Мажнунға ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда  
Холингки, ўшул ҳалқаи гесу<sup>7</sup> била ўйнар.

Зоҳид била нафе этса тамасхур<sup>8</sup>, не ажабким,  
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Мур дайрида<sup>9</sup> маст ўлса Навоийни кўрунгим,  
Бир олма киби гунбади мину<sup>10</sup> била ўйнар.

<sup>1</sup> Д и л ж ў (ii) — кўнгилга ёқувчи, дилкаш; мажозан: маҳбуба.

<sup>2</sup> Ҳ и н д у б а ч а — ҳинд бола.

<sup>3</sup> Л а в ҳ — бу ерда: юз.

<sup>4</sup> Т и ф л — бола, гўдак.

<sup>5</sup> А л қ и с с а — хуллас, қисқаси, шундай қилиб.

<sup>6</sup> М у л о и б — ўйновчи, ҳийлагар.

<sup>7</sup> Г е с у — соч, зулф, қокил.

<sup>8</sup> Т а м а с х у р — масҳара бўлиш.

<sup>9</sup> М у р д а й р и — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.

<sup>10</sup> М и н у — кўк, мовий.



\* \* \*

Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,  
Баски, ёғди устига атфол<sup>1</sup> элидин хоралар<sup>2</sup>.

Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,  
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар?

Ҳар қуюн гўёки бир сарғанга ошиқ гардидур,  
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида оворалар.

Англаким, аҳбоби кўнглумда меҳмон этмишам,  
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

Анда Мажнун — мен, буёи Лайли — сен эткач ижтимоъ<sup>3</sup>,  
Бир тараф — девоналар, бир ён — парирухсоралар.

Хонақоҳ<sup>4</sup> вақфи<sup>5</sup> суйин ичмаслар, эй шайх, англавил,  
Гар хумор ўлса фано дайридағи майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,  
Бас, валаат бўлмай демак ушшоқни бечоралар.

<sup>1</sup> А т ф о л — гудаклар, ёш болалар.

<sup>2</sup> Х о р а — тош.

<sup>3</sup> И ж т и м о ъ — йиғин, мажлис; жамоат.

<sup>4</sup> Х о н а қ о ҳ — сўфийлар йиғиладиган, шайх ва дарвешлар зикр ўтказадиган жой.

<sup>5</sup> В а қ ф — масжид ва хонақоҳларга фойдаланиш учун хайр-аҳсон йўли билан берилган мулк ёки нарса.

\* \* \*

Оташин гул баргидин хилъатки<sup>1</sup>, жононимдадур,  
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидурурким, анда музмар бўлди жон,  
Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур.

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли<sup>2</sup> ранг,  
Ё либоси лолагун<sup>3</sup> сарви хиромонимдадур.

Қатл биймидур, тараҳҳумнинг доғи уммиди бор,  
Ё либоси олким<sup>4</sup>, ул помусулмонимдадур.

Васл шоми куймагаи парвона шояд қолмағай,  
Бу шафақгун<sup>5</sup> ҳуллаким, шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзини кўн сарфароз,  
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқийё, гулранг май солиб, кетур паймонаким,  
Зухд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жои булбулин ҳар гулдаким,  
Ул тўни гулгун лаби гулбарги хандонимдадур.

<sup>1</sup> Х и л ъ а т — уст кийим, тўн.

<sup>2</sup> Н а х л — ниҳол, кўчат, дарахт.

<sup>3</sup> Л о л а г у н — лоларанг, қизил.

<sup>4</sup> О л — қизил, тўқ қизил.

<sup>5</sup> Ш а ф а қ г у н — шафақранг, қизил, сариқ аралаш қизил.



\* \* \*

Менга номехрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш,  
Менинг жоним олиб, ағёрга оромижон эрмиш.

Тан узра эмди фаҳм этгим ададсиз тоза доғимни —  
Ки, ҳар бир бир қорарған шоми ҳажримдин нишои  
эрмиш.

Бузулган кўнглум атрофиндағи захм ичра новаклар  
Балият қушлари-ю, захм аларга ошён эрмиш.

Рақибе синдуруб кўнглин-у, мен йиғлаб, анга лекин  
Сув келтирмак ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

Балият даштида зоре кўруб, Мажнун соғингайлар,  
Кўнгул отлиғ бизинг оввораи бехонумон эрмиш!

Хаёлинг хайли кўнглум даштида чун қилдилар манзил,  
Ҳар ўт ёққан ер ул манзилда бир доғи ниҳон эрмиш.

Замон ошубидин кўнглумга юз шиддат етар эрди,  
Чу фаҳм этгим — мунга боис ул ошуби замон эрмиш.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким, муътарифдурмен<sup>1</sup>,  
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Навоий назмини кўрдум қуёш лавҳига сабт<sup>2</sup> эткан,  
Буюрған они олиқадр шоҳи хурдадон эрмиш.

<sup>1</sup> М у ъ т а р и ф — тан олган, иқроп.

<sup>2</sup> С а б т — ёзилган, қайд қилинган.

\* \* \*

Латофатда юзуниг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш,  
Халоватда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

Бу маънидишки, доим чун ниҳондур ул нари кўздин,  
Иши жону кўнгулга ўртамак доғи ниҳон эрмиш.

Ити бағримши ер чоғда аёғи қонға булғанди,  
Кўзум боғида гул ашинг табонидин<sup>1</sup> нишон эрмиш.

Шарарлар бирла оҳим дудини сахрои ишқ ичра  
Киши кўрса, гумон қилғай: миғ ўтлуғ корвон эрмиш.

Чаманда ҳар сари қилдим гули раъно гумон, ул худ  
Сариг гул жомида гулгун сирिशким бирла қон эрмиш.

Соғиндим кўйида ҳар кеча итлар поласи, лекин  
Начукким, телба ит ушшоқ кўнглидин нишон эрмиш.

Тўқуб май муҳтасиб<sup>2</sup>, мен йиғладим, лекин ул усрукка  
Су келтирмоқ ҳамону кўза сиздурмоқ ҳамон эрмиш.

Фано дайрики, гардун ҳиснидин<sup>3</sup> маҳкамдурур, билдим —  
Ки, гардун зулмидин фақр аҳлига<sup>4</sup> дор ул-амон эрмиш.

Навоийни, дедим, ишқ ичра сомон<sup>5</sup> толиб эркин  
Вале кўрдум — ҳамул<sup>6</sup> девонаи беҳонумон эрмиш.

---

<sup>1</sup> Та б о н — бу ерда: тоvon.

<sup>2</sup> М у ҳ т а с и б — пeлoм мaрoсимлaри, шaрнaт қoндалaри вa жaмoaт тaртибини нaзoрaт қилувчи aмaлдoр.

<sup>3</sup> Ҳ и с н — кўрғoн, қaлғa, иcтeҳкoм.

<sup>4</sup> Ф а қ р а ҳ л и — сўфийлaр.

<sup>5</sup> С o м o н — эътибoр, дaвлaт, қaдру дaрaжa.

<sup>6</sup> Ҳ а м у л — ўшa-ўшa.



\* \* \*

Эрур ишқинг мени маҳзунга<sup>1</sup> махсус<sup>2</sup> —  
Ки, Лайли дардидур Мажнунга махсус.

Қўюнг, эй сарву савсан<sup>3</sup>, жилваким, бор  
Бу иш ул қомати мавзунга<sup>4</sup> махсус.

Қўруб маст айламак лофини қўй, эй май —  
Ки, бу бор ул лаби майгунга<sup>5</sup> махсус.

Қўй, эй ой, тушни ёрутморниким, бор  
Бу иш ул ҳусии рўзафзунга<sup>6</sup> махсус.

Қўзум гирдоби жисмимни чўмурди<sup>7</sup>,  
Эмас бу Дажлаву<sup>8</sup> Жайхунга махсус.

Манга бемехр сенсеи ҳам, фалак ҳам,  
Бу иш бор ой ила гардунга махсус.

Навоий, оташии гул гулчасидек  
Эрур куймак сени дилхунга<sup>9</sup> махсус.

<sup>1</sup> Маҳзун — тамгин, қайеули, хафа; ошиқ.

<sup>2</sup> Махсус — бу ерда: хос, тегишли, қисмат.

<sup>3</sup> Савсан — гулсапар.

<sup>4</sup> Мавзун — келинган, хунбичим, гўзал, позик.

<sup>5</sup> Майгун — май рангли, қизил рангли.


<sup>6</sup> Рўзафзун — кундан-кун ортиб борувчи.

<sup>7</sup> Чўмурди — чўқтирди, парқ қилди.

<sup>8</sup> Дажла — Ироқдаги катта дарё.

<sup>9</sup> Дилхун — дили қов бўлган, дилафгор, тамгин.





\* \* \*

Не бұлди, дардима, эй бевафо, даво қилсанг,  
Вафога ваъда қилиб, ваъдаға вафо қилсанг.

Танимни қурб<sup>1</sup> физосида<sup>2</sup> хоки раҳ<sup>3</sup> эттинг,  
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб<sup>4</sup> қўлумни юзунга, мурод этиб ҳосил,  
Очиб юзунни, қўзум ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен наст,  
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.

Жаҳон валин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,  
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул<sup>5</sup> айларсен,  
Алар тағофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли паводур вале ул ой боқмас,  
Навоиё, неча булбул киби наво қилсанг.

---

<sup>1</sup> Қ у р б — яқинлик.

<sup>2</sup> Ф и з о (Ф а з о) — майдон, сахн.

<sup>3</sup> Х о к и р а ҳ — оёқ ости тулови.

<sup>4</sup> С у н м о қ — узатмоқ, чўзмоқ.

<sup>5</sup> Т а в о ф у л — бенарволик, ўзин билмасликка солиш.



\* \* \*

Эй кўнгул, мен тарки ишқ эттим вале фoш этмагил,  
Мен сенга сиррим дедим, сен элни сирдош этмагил.

Эй кўз, эмди айладим ҳар чехрадин қатъи назар<sup>1</sup>,  
Қил таҳаммул<sup>2</sup> доғи атрофимни қон ёш этмагил.

Соқие, куйдум аёғинга сиришким лаълини,  
Лутф этиб, бу майга жоми ҳажр подош<sup>3</sup> этмагил.

Риштаи<sup>4</sup> меҳр уздум, эй машшота<sup>5</sup>, зулфи қиссасин  
Кўн узотиб, нотавон кўнглумга чирмош этмагил.

Гар десаиғ қаддинг бўлуб хам, қолмағайсан фитнага,  
Кўз солиб ҳуснига, майли ул кўзу қош этмагил.

Ҳажр тошин ёғдурубким қовди, ўлсам, эй рафиқ,  
Қабрим устида тўкар тошинг жуз<sup>6</sup> тош этмагил.

Эй Навоий, фақр йўлинда ер ўнгил ҳар қадам,  
Яъни ул йўлда қадам сайр ичра жуз бош этмагил.

<sup>1</sup> Қ а т ъ и н а з а р — нигоҳни узиш.

<sup>2</sup> Т а ҳ а м м у л — сабр, бардош, чидам.

<sup>3</sup> П о д о ш — 1) эваз; 2) ҳамроҳ.

<sup>4</sup> Р и ш т а — 1) ин, тор, таноб; 2) томир.

<sup>5</sup> М а ш ш о т а — пардоз берувчи.

<sup>6</sup> Ж у з — ...дан бўлак, ...дан бошиқа, ...дан ўзга.



\* \* \*

Эй пари, юз ёралик кўнглум сари наззора қил,  
Ёрасиз ҳар қайдаким тонсанг, ани ҳам ёра қил.

Пора-пора айлагач бир-бир апинг ажзосини<sup>1</sup>,  
Юзларин борининг оҳим дуди бирла қора қил.

Хайли ҳиндудекки, дунман илгида бўлғай асир,  
Ҳар бирисин олам ичра бир тараф овора қил.

Чун алар овора бўлди, кўзларимни ҳам ўюб,  
Ўтқа ташлаб, уйларин ҳам тош била юз пора қил.

Ул икавдин бошима келган балову ғуссани  
Айлабон мундоқ уқубатлар, замоне чора қил.

Кўзу кўнглум бўлмаса, петкунг, агарчи, эй синехр,  
Хўбларға сарвдин қад, меҳрдин рухсора қил.

Эй Навоий, ўйнавунг йўқ инқ то юз кўрмавунг,  
Узр айтиб, ер ўн-у, сўз таркини якбора<sup>2</sup> қил.

---

<sup>1</sup> А ж з о — бўлаклар, парчалар, бутуннинг қисмлари.

<sup>2</sup> И к б о р а — бир йўла.



\* \* \*

Ёр агар базми аро ғамгинларип шод айласа,  
Рози ўлдум, кош мен ғамгиши ҳам ёд айласа.

Нахли қаддиға сабодин етса осеб<sup>1</sup>, ўзни бор  
Садқаси юз сарв янглиғ банда озод айласа.

Боғбои қадду юзунгни кўрса боғ ичра, не тонг,  
Сарвини гар ўтға ёқса, гулни барбод айласа!

Кўнглум афрони анга эрмас ажаб, гар етмаса,  
Ўт уни етмас қуёшқа, гарчи фарёд айласа.

Эй кўнгул, чун олам аҳлиға вафо йўқтур, киши  
Авл<sup>2</sup> улким, ўзни бекасликка муътод<sup>3</sup> айласа.

Шайх ила зуҳди риёйидин малул<sup>4</sup> ўлсам, қани  
Дайр пириким, фапо ойинин<sup>5</sup> иршод<sup>6</sup> айласа.

Эй Навоий, одамийлиғдин йироқдур сен киби  
Ёрлиққа<sup>7</sup> кимки майли одамизод айласа.

<sup>1</sup> О с е б — зиён, зарар, кулфат.

<sup>2</sup> А в л о — яхши, афзал.

<sup>3</sup> М у ъ т о д — ўрганиш, одатланиш.

<sup>4</sup> М а л у л — ғамгин, хафа, ранжиган.

<sup>5</sup> О й и н — 1) расм, одат; 2) йўл-йўриқ.

<sup>6</sup> И р ш о д — тўғри йўл кўрсатиш, раҳбарлик қилиш.

<sup>7</sup> Е р л и қ — дўстлик.



\* \* \*

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо<sup>1</sup> бўлмаса,  
Найлайн саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса.

Базм аро хуштур қадаҳ кавкаб, вале эрмас тамом,  
Мутриби хушлаҳжаи<sup>2</sup> хушидсиймо бўлмаса.

Меҳру моҳу<sup>3</sup> Муштарию<sup>4</sup> Зухра<sup>5</sup> чун қилди тулуъ,  
Ҳеч наҳс<sup>6</sup> ахтар тулуъи анда қатъо<sup>7</sup> бўлмаса.

Мунча бўлса ҳам муяссар, жамъ эмас хотир ҳануз,  
Токи муғ кўйида бир маҳфуз<sup>8</sup> маъво бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст<sup>9</sup> боғланди эшик,  
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо<sup>10</sup> бўлмаса!

Хуштурур бу навъ амният<sup>11</sup> вале ақшомғача  
Гар фалақдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишига умрида бу навъ бир куп берса даст<sup>12</sup>,  
То абад гам йўқ агар бўлса яна, ё бўлмаса.

Умр базмида пашот<sup>13</sup> асбоби дилкашдур, баса,  
Гар ҳаводис<sup>14</sup> шаҳнасидин<sup>15</sup> анда яғмо бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абад умри, керак  
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса!

<sup>1</sup> Саҳбо — қизил май, олий сифатли май.

<sup>2</sup> Хушлаҳжа — хушовоз, ёқимли.

<sup>3</sup> Моҳ — ой.

<sup>4</sup> Муштарий — Юпитер сайёраси.

<sup>5</sup> Зухра — Венера сайёраси.

<sup>6</sup> Наҳс — бадбахтлик, бахтсизлик.

<sup>7</sup> Қатъо — ҳеч қачон, асло.

<sup>8</sup> Маҳфуз — сақланган, асралган.

<sup>9</sup> Руст — маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам.

<sup>10</sup> Бодапаймо — соқий, косагул.

<sup>11</sup> Амният — тинчлик, хотиржамлик.

<sup>12</sup> Даст бериш — муяссар бўлиш.

<sup>13</sup> Пашот — шодлик, хурсандчилик.

<sup>14</sup> Ҳаводис — ҳодисалар, воқеалар.

<sup>15</sup> Шаҳна — соқчи, посбон.



\* \* \*

Тун акшом келди кулбам сари ул гулрух<sup>1</sup> шитоб айлаб,  
Хиروми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар<sup>2</sup> киби жоп қасдиға ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин тапоб айлаб.

Қуёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшап,  
Маиға титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Кулуб ўлтурди-ю, илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини<sup>3</sup> дурри хушоб<sup>4</sup> айлаб.

Ки: «Эй зори балокаш ошиқим, менсиз печуктурсен?»  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қуйди,  
Ичиб, тугги менга, юз навъ позосо<sup>5</sup> итоб<sup>6</sup> айлаб.

Ки: «Эй мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки  
хуш эттинг?  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи<sup>7</sup> ҳижоб айлаб!»

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Апиким, элтқай васл уйқуси ишрат туни мушдоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар<sup>8</sup> тарки хоб<sup>9</sup> айлаб.

<sup>1</sup> Гулрух — гул юзли, гўзал юзли; мажозан: маҳбуба.

<sup>2</sup> Шабрав — тунда юривчи; йўлтўсар, қароқчи.

<sup>3</sup> Лафз — сўз, ибора.

<sup>4</sup> Хушоб — тоза, тиниқ.

<sup>5</sup> Нозосо — ноз аралаш, нозли.

<sup>6</sup> Итоб — 1) ноз, қарашма; 2) қаҳр, таъна, маломат, ғазаб.

<sup>7</sup> Рафъ — юксалиш, кўтариш.

<sup>8</sup> Маҳшар — қилмат кунда одамлар йиғиладиган жой.

<sup>9</sup> Хоб — уйқу.



\* \* \*

Барримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар,  
То ёр қўйидини мени оввора қилдилар.

Буткудек эрди васл ила то қўнглум жароҳати,  
Ҳижрон қиличи бирла яна ёра қилдилар.

Мазмуни ўлмаку оғи ҳижрон вами деган  
Юз минг жафони жонима якбора қилдилар.

Турған ёшим оқиздилар ул ой фироқиди,  
Собитларимни<sup>1</sup> кавкаби сайёра<sup>2</sup> қилдилар.

Воиз<sup>3</sup> уни суруд<sup>4</sup> эрур ишғоли айшиға,  
Қисмат қунида оники, майхора қилдилар.

Май тутки, жом даврида — ўқ топгилар илож,  
Жамъики чарх даврини паззора қилдилар.

Ё Раб, не дей аларники, мискин Навоийни  
Беҳушу ақлу бедилу бечора қилдилар.

<sup>1</sup> С о б и т — мустаҳкам, турғун; исеботланган, тасдиқланган.

<sup>2</sup> К а в к а б и с а й ё р а — сайр қилувчи юлдуз; мажозан: кўз ёши.

<sup>3</sup> В о и з — ваъз айтувчи, насиҳат қилувчи.

<sup>4</sup> С у р у д — 1) қўшиқ, ашула; 2) оҳанг.



\* \* \*

Паризодеки, мушкин зулфи жоним мустамад<sup>1</sup> этмиш,  
Малойик<sup>2</sup> қушлари ул ҳалқа мўлар<sup>3</sup> бирла банд этмиш.

Самаидингим, ёлиңдек<sup>4</sup> тез эрур, юз шукрким, гардун  
Анга бизни самандарваш<sup>5</sup>, мупга гарди саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташгоҳига девопа кўнглумни  
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.

Вафога телбалиқдин нописанд ўлсам, ани кўрким,  
Жафога кимни менча ул наришайкар писанд этмиш.

Майи равнан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш  
шайх,

Даму афсуи била баским, анга изҳори панд этмиш.

Лабингда пўшу захри ҳажр оғзимда, тонг эрмае, гар  
Менга ҳар захрханд<sup>6</sup> ўлганда ул бир пўшханд этмиш.

Лаби латылиш малоҳат холи бирла баҳравар<sup>7</sup> қилган,  
Менинг жопимши дови ишқ бирла баҳрамад этмиш.

Биравким, сарвдек озодаван<sup>8</sup> бўлди бу боғ ичра,  
Қазо деҳқони<sup>9</sup> ҳам сарсабз<sup>10</sup> ани, ҳам сарбалад<sup>11</sup> этмиш.

Навоий, кеч висол уммидидинким, Ҳақ сени беҳад  
Залилу<sup>12</sup> зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.

<sup>1</sup> М у с т а м а н д — хаста, нотавон, ҳожатмад.

<sup>2</sup> М а л о й и к — малаклар, фаришталар.

<sup>3</sup> М ў (й) — соч.

<sup>4</sup> Ё л и ғ — учқун, ёлқин, алағга, олов.

<sup>5</sup> С а м а и д а р — афсонага кўра, олов ичида тугилиб, олов ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жоншвор.

<sup>6</sup> З а ҳ р х а н д — захрханда.

<sup>7</sup> Б а ҳ р а в а р — баҳрамад.

<sup>8</sup> О з о д а в а ш — қадди баланд, сарвқомат.

<sup>9</sup> Қ а з о д е ҳ қ о н и — Оллоҳ; тақдир.

<sup>10</sup> С а р с а б з — яшпаган, ҳаминша кўм-кўк; мажозан: шод, хуррам.

<sup>11</sup> С а р б а л а н д — боши баланд, юксак.

<sup>12</sup> З а л и л — хор, тубан, паст.





\* \* \*

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,  
Малолат<sup>1</sup> даштида овора бўлмиш.

Анга баским, ёвар тош устида тош,  
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урарда дам-бадам хороға бошини  
Сўнгақлар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор,  
Хазу<sup>2</sup> синжоби<sup>3</sup> хору хора бўлмиш.

Қаро қилди печукким рўзгорим,  
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди<sup>4</sup> қониким, ғамидин  
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,  
Ғамингға чорасизлиғ чора бўлмиш.

---

<sup>1</sup> М а л о л а т — малоллик, азиат, ғам-ғусса.

<sup>2</sup> Х а з — ипакли мато.

<sup>3</sup> С и н ж о б — силовсин терисидан ишланган пуштин.

<sup>4</sup> Қ а д а ҳ х у р ш и д и — майга ишора.



\* \* \*

Бир қатла бўлса эрди ул гулғуздор ошиқ,  
Бўлғайму эрди мунча оллида зор ошиқ.

Ишқ ичра куйса эрди бир тун, қилур эди раҳм,  
Ғам шоми оҳ ўтидин чекса шарор ошиқ.

Хоре аёгин афгор этмай не фикри бўлғай,  
Ғар қилса хора бирла қўнглин фиғор ошиқ.

Жонни фидо қилсам таън этмангизки, бордур  
Ёр оллида ўларга беихтиёр ошиқ.

Шамъи жамолни очқач, ўртанмаким не тонгим,  
Куймак аро керактур парвонавор<sup>1</sup> ошиқ.

Ишч ичра эътиборинг гар йўқ, бу муътабардур,  
Бўлса керак фанодин безътибор ошиқ<sup>2</sup>.

Ошиқ эсанг, Навоий, кўп заъфдин торикма<sup>3</sup>,  
Не бўлғусидур ўлмай зору низор ошиқ.

<sup>1</sup> П а р в о н а в о р — парвона каби.

<sup>2</sup> О ш и қ — илоҳий жамол ва камолга ошурфта бўлиб, тамоми жинду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

<sup>3</sup> Т о р и қ м о қ — зерикмоқ, сиқилмоқ.

\* \* \*

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,  
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тўкулмиш сува, бормиш сарв ўзидин гўйё,  
Чехра очмиш боғ аро сарви хиромним менинг.

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир тугап,  
Лолаедур гўйё ҳар доғ ила қоним менинг.

Тилга олмиш телба кўнглумши яна хайли рақиб,  
Қолмиш итлар оғзида мажнунни урёмим менинг.

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса беҳабар,  
Беҳабар захм ургучилар доғи ҳайроним менинг.

Халқдин пишхон мени маст айла, шояд, эй рафиқ,  
Сокин ўлгай шаммае<sup>1</sup> бу дарди пишхоним менинг.

Эй Навоий, бўлмаса бир пири<sup>2</sup> комил ҳиммати,  
Ул йигит бедодидин йўқ махлас имконим менинг.

<sup>1</sup> Ш а м м а — бир оз, озгина, қисқача.

<sup>2</sup> П и р (ш а й х, м у р ш и д) — тасаввуф тариқатида муридга раҳнамолик қиладиган ирфоний маърифатда юксак мақомга кўтарилган киши.



\* \* \*

Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркии тутмадинг,  
Ваъдаи шамъи висол эттинг-вале ёрутмадинг.

Ваъдаи васлинг илик бергай деб ашким бўлди баҳр,  
Чунким ул дарё аро варқ ўлдум — илгим тутмадинг.

Васл нўшидин кўнгулни қилмадинг бир лаҳза хуш,  
Ҳажр захри биймидин юз қатла то кўрқутмадинг.

Оташин<sup>1</sup> гул рунчасидек ўртадинг кўнглумни, лек  
Очибон ани насими васлидин совутмадинг.

Донаи ашкимгаким, ром ўлди ҳижрон қушлари,  
Эй кўнгул, бир кун фивонингдин ани урқутмадинг.

Хаста кўнглумким, ғаму хуноба қилдинг қисмати,  
Бу визою<sup>2</sup> шарбат ул бемордин ўксутмадинг.

Бодаи васлин ғанимат тут, Навоий, зинҳор —  
Ким, не қошларким, бу гулгун сувни истаб ютмадинг.

<sup>1</sup> О т а ш и н — 1) ўгли, алаңгали; 2) ўтдай қизил, оловранг.

<sup>2</sup> Ф и з о — озиқ-овқат, егулик, таом.



\* \* \*

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврӯз ила байрам,  
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб  
жавлон,  
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,  
Ани ел айлабон музтар<sup>1</sup>, бу елдин секретиб адҳам<sup>2</sup>.

Қуиуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулгул<sup>3</sup>,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,  
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу боғ ичра, эй соқийки, бормен асру муштоқи —  
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Навоий, кўйин эт мапзил, юзу қаддиға бўл мойил —  
Ки, боғ этмас сени хундил, гулу сарв айламас хуррам.

<sup>1</sup> М у з т а р — мажбур бўлган, ночор, ноилж.

<sup>2</sup> А д ҳ а м — қора тўриқ от.

<sup>3</sup> Г у л г у л — 1) шовқин-сурон; 2) сайраш.



\* \* \*

Баҳор андоққи булбул гулбӯзори тоза истармен —  
Ки, ул гулбонг<sup>1</sup> ила ўзни баланд овоза истармен.

Чу ул гул тоза-тоза ўт солур кўнглум аро, мен ҳам  
Ул ўтдин кўкрагим домини тоза-тоза истармен.

Чу йўқ андоза инқим бирла шавқимға, ул ойни ҳам  
Жамолу меҳр ойишида беандоза истармен.

Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларинг, тошг йўқ,  
Темурдин чун ҳисори<sup>2</sup> дард учун дарвоза истармен.

Узори шавқи тивидин ўлуб қонлиғ кафан бирла,  
Анинг ҳар хоридин ҳавро<sup>3</sup> юзига воза<sup>4</sup> истармен.

Фироқинг ичра, розимен, фалак жисмим уйин йиқса,  
Хилофи одат: уй вайрон қилурға роза<sup>5</sup> истармен.

Навойи назмининг авроқи<sup>6</sup> зулфунгдин паришондур,  
Анинг жилдиға сунбул торидин шероза<sup>7</sup> истармен.

<sup>1</sup> Г у л б о н г — 1) баланд овоз билан нола тортиш; хуновоз билан сайраш.

<sup>2</sup> Ҳ и с о р — қалъа, қўрғон, истехком.

<sup>3</sup> Ҳ а в р о — ҳурлар, гузаллар.

<sup>4</sup> Ҳ о з а — юзга суртиладиган уна-элик.

<sup>5</sup> Р о з а — тош йўнучи.

<sup>6</sup> А в р о қ — варақлар, саҳифалар.

<sup>7</sup> Ш е р о з а — китобни муқовалашда унинг саҳифалари сочилмасин учун ишак билан тикиш.

\* \* \*

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг руборимға,  
Куюн бўл, дори элтиб садқа қилвил гулбuzоримға.

Гар ўлсам ул малаксиймо<sup>1</sup> пари ҳажриида, айлангай  
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.

Фироқи тийрборониики чектим, қушпа ўхшатқай  
Ки, юлмишлар юигии, боққан киши жисми фигоримға.

Қуёш яиглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,  
Гар ўлса юз қуёш толей қорарған рўзгоримға.

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас  
Йигитлик бирла ошиқшевалик<sup>2</sup> ўз ихтиёримға.

Жунуи водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин<sup>3</sup>,  
Анга етмон, не илдам сайр экин чобуксуворимға.

Сени, эй муғбача, маҳрумлуқдин асрасун Тенгри,  
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.

Фано майхонасининг<sup>4</sup> майфурушиға<sup>5</sup> фидо жоним —  
Ки, май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.

Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек  
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.

<sup>1</sup> М а л а к с и й м о — фариштага ўхшаш; ниҳоятда гўзал.

<sup>2</sup> О ш и қ ш е в а л и к — ошиқлик иши, одати.

<sup>3</sup> П ў я — югуриш, слиш.

<sup>4</sup> Ф а н о м а й х о н а с и — ориф ва авлиёлар давраси, мажлиси.

<sup>5</sup> М а й ф у р у ш — май сотувчи; мажозан: руҳоний раҳбар, пир, муршид, комил инсон.



\* \* \*

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,  
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,  
Кўргузадур сарву гул ранжу далол<sup>1</sup> ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, гунча қилиб нўшханд,  
Элга алардин етиб дафъи малол<sup>2</sup> ўзгача.

Сунбули пуртоб<sup>3</sup> ҳам, лолаи сероб<sup>4</sup> ҳам  
Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳи<sup>5</sup> мисол ўзгача.

Кирди магар дилбарим, хури парипайкарим,  
Гулшаи аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса маига доғи йўл аидаки, айш айлар ул,  
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол<sup>6</sup> ўзгача.

Умри абад топқамен тутса маига бир қадах,  
Нашъаи майдии анга хусну жамол ўзгача.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрининг аҳлида ҳам,  
Қилмағасен, эй кўнгул, фикри муҳол<sup>7</sup> ўзгача.

Зухд, Навоий, санга бермади масжидда файз,  
Эмди кириб дайр аро тарҳни сол ўзгача.

<sup>1</sup> Ғ а н ж у д а л о л — ноз-карашма.

<sup>2</sup> Д а ф ъ и м а л о л — ғам-ташвишларни йўқотиш.

<sup>3</sup> П у р т о б — кўп ҳалқа-ҳалқа;

<sup>4</sup> С е р о б — 1) мўл-кўл; 2) серсув; 3) мажозан: дурахшон, ярқироқ.

<sup>5</sup> Ш и б ҳ и — ўхшаш, монанд.

<sup>6</sup> Қ о л у м а қ о л — гап-сув, гуфтугў, суҳбат.

<sup>7</sup> Ф и к р и м у ҳ о л — амалга ошмайдиган фикр.





\* \* \*

Қаю қушким, қўнар бу пайкари<sup>1</sup> Мажнунмисол узра,  
Эрур таи заъфидин қушдекки, йўнрайлар хилол<sup>2</sup> узра.

Бало тоши ҳам ўлғап қаддим устидин йироқ кетмас,  
Бияйних<sup>3</sup> нуқта янглиғким, тушар ёзғанда зол<sup>4</sup> узра.

Агар майғунлуғидин раиғ айлар эрса машнота,  
Кўзумнунг мардумии қўйвил ўюб ул турфа хол узра.

Қошингнинг тоқи устида эмастур анбарин холинг,  
Зухал<sup>5</sup> гўё очибтур оразин мушкин ҳилол узра.

Не тонг, нозуклугидип гар қурайши(й)<sup>6</sup> бўрк<sup>7</sup> оғир келди,  
Хам айлар, чун қиров кўпрак ёвар нозук ниҳол узра.

Саводи хат била ҳам оразинг хуршиди равшандур,  
Сафода не тафовут соя тушкандин зулол<sup>8</sup> узра.

Белинга то сочинг чирмашти, рашкидин анинг ҳар туй  
Димоғимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра.

Кўзумни истасанг равшан, қадаҳии ёлма, эй соқий,  
Керакмастур саҳоб<sup>9</sup> ул ахтари фархундафол<sup>10</sup> узра.

Навоий, ёр лаълида учуқтур, йўқса ёпушти  
Чибиннинг парридин бир пора қўнғаи чоғда бол узра.

<sup>1</sup> П а й к а р — жусса, гавда, вужуд.

<sup>2</sup> Х и л о л — нозик, озгин.

<sup>3</sup> Б и а й н и х — худди, айнаи.

<sup>4</sup> З о л — араб алифбосининг тўққизинчи ҳарфи.

<sup>5</sup> З у ҳ а л — Сатури сайёраси.

<sup>6</sup> Қ у р а й ш и й — Қурайш қабиласига мансуб.

<sup>7</sup> Б ў р к — бош кийим, қалпоқ.

<sup>8</sup> З у л о л — 1) тивик, тоза, ширин сув; 2) жом, шароб.

<sup>9</sup> С а ҳ о б — булут.

<sup>10</sup> Ф а р х у н д а ф о л — бахтли, саодатли.



\* \* \*

Зулфиға майл, эй насими анбарафшон, айлама,  
Тарқатиб юз пора кўнглумни паришон айлама.

Олам аҳли жошиға раҳм айлаб, эй чобуксувор,  
Отлашиб усрук, яна оҳанги майдон айлама.

Азми гашт айлаб тун ақшом, ой киби айлаб тулуб,  
Чархнинг юз минг кўзин ҳуснунгга ҳайрон айлама.

Захмлиғ бавримни юз минг пора айлаб тиг ила,  
Зулмдин ҳар порасин бир қатраи қон айлама.

Деб эмишсен: айлағум ислом элинда қатли ом<sup>1</sup>,  
Айлама бу зулмни, эй номусулмои, айлама!

Гар, десаиғ, кўнглунгни гардун таҳ-батаҳ<sup>2</sup> қон этмагай,  
Хурда майлим фунчадек кўнглунгда пинҳон айлама.

Эй Навоий, базм тузган эрмиш ул гул боғ аро,  
То паришон бўлмасун, булбулдек афғон айлама.

---

<sup>1</sup> Қ а т л и о м — қирғин.

<sup>2</sup> Т а ҳ - б а т а ҳ — қаватма-қават.

\* \* \*

Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,  
Улки даврон офатидур, не тамаъ ондин вафо.

Жониму умрумдур ул ой, бевафо бўлса, не тонг,  
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо!

Гар вафо қилсанг, эрур андинки, бордурсен пари,  
Йўқса, ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо?!

Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ келмади,  
Ҳар нечаким, кўрдилар меп зори ҳайрондин вафо.

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,  
Бежиҳаттур, кимки истар бу гулистондин вафо.

Кимса кўнглин кимсадин истаб вафо олдурмасун —  
Ким, манга худ етмади ул кўнглум олғондин вафо.

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,  
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!



\* \* \*

Гулшани иқбол хори меҳнатига арзимас,  
Бодаи гулгун хумори накбатига<sup>1</sup> арзимас.

Лоларухлар<sup>2</sup> васлида юз йил киши қилса пишот,  
Бир замоилиғ, билки, доғи фурқатига арзимас.

Баҳру кон нақдин агар йиғдишг вале етқач ажал,  
Барчани солиб кетарнинг шиддатига арзимас.

Ҳар неча терсанг йигитликнинг баҳори гуллари,  
Бир хазони шайбу<sup>3</sup> оҳи ҳасратига арзимас.

Тахти иззат узра насб<sup>4</sup> этса бировни даври чарх<sup>5</sup>,  
Азл<sup>6</sup> кўйининг губори зиллатига<sup>7</sup> арзимас.

Ҳар печа давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,  
Англаким, бир қатла барқи офатига арзимас.

Хирқам олиб раҳи<sup>8</sup>, дурди<sup>9</sup> дард бер, эй майфуруш —  
Ким, харобот аҳли софи ишратига арзимас.

Ҳар замои ёре кетар, жонимни олғил, эй ажал —  
Ким, ҳаёт аҳбоб дарди фурқатига арзимас.

Кимса бирла тутмағил улфат, Навоий, негаким,  
Айрилурда мапга бўлган ҳолатига арзимас.

<sup>1</sup> Н а к б а т — 1) машаққат, қийинчилик; 2) фалокат, бахтсизлик.

<sup>2</sup> Л о л а р у х — лола юзли, қизил юзли; мажозан: маҳбуба.

<sup>3</sup> Ш а й б — соч-соқолнинг оқариши, қарилик.

<sup>4</sup> Н а с б — қўйиш, тиклаш, тайинлаш.

<sup>5</sup> Д а в р и ч а р х — фалакнинг айланиши, тақдир.

<sup>6</sup> А з л — бўшатиш, четлатиш; истисъфо.

<sup>7</sup> З и л л а т — хорлик, тубанлик, пастлик.

<sup>8</sup> Р а ҳ и — гаров.

<sup>9</sup> Д у р д — май қуйқаси, қолдиги. Тасаввуфда — қаноат ва помуродлик.  
Маҳбубнинг ошиқни бетоқат қилувчи ёдини ҳам билдиради.

\* \* \*

Не ажаб, қон йиғласам аҳли замондин дам-бадам —  
Ким, алардин ғам уза ғамдур, алам узра алам.

Сўз демак бўлмас аларнинг зулми ёхуд лутфидин,  
Чун ул кўптин доғи кўптур, бу камдин доғи кам.

Чарх гўёким чекар меҳнат юки давр аҳлидин —  
Ким, бори жисмида анжумдин тер ўлмиш, қадди ҳам.

Лавҳаи<sup>1</sup> хилқатларида<sup>2</sup> йўқ магар ҳарфи жафо,  
Сафҳаи хотирларида йўқ магар нақши ситам.

Сойири ифрот иши бу бўлса, улким фард эрур,  
Барча элдин ҳусн аро оздур айга юз мунча ҳам.

Чун жафо тортар киши — бори биравдин тортса,  
Ким вафо қилса кишига, бўлмаса ул доғи ғам.

Кўзи қотил, қоши офат, оғзиинг нутқи фусун  
Истарам, лекин жаҳоида йўқтурур мундоқ санам.

Топмағунг дайри фано аҳлида ёнг боштин<sup>3</sup> бақо,  
Қилмағунча бодаи ваҳдат<sup>4</sup> вужудунгни адам.

Эй Навоий, мосиваллоҳдин<sup>5</sup> кесилмак кимсани,  
Лимааллоҳ<sup>6</sup> манзилига еткурур аввал қадам.

<sup>1</sup> Л а в ҳ а — саҳифа.

<sup>2</sup> Х и л қ а т — яратилиш, пайдо бўлиш.

<sup>3</sup> Ё н г б о ш т и н — янгидан, қайтадан.

<sup>4</sup> В а ҳ д а т — Оллоҳ таолонинг ягоналиги, тавҳид. В а ҳ д а т б о д а с и ( м а й и ) — маърифат нури.

<sup>5</sup> М о с и в а л л о ҳ — Оллоҳдан бошиқа ҳеч нарса, Оллоҳнинг ўзигина.

<sup>6</sup> Л и м а а л л о ҳ — Оллоҳ учун.

\* \* \*

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин<sup>1</sup> осмонга тушти ўт.

Дедилар: эл хонумонинг ўртар ул рухсор ўти,  
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонга тушти ўт.

Оразингининг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,  
Барқи офат чоқилиб, ул корвонга тушти ўт.

Ўқлариинг кўнглумга тушкач, куйди ҳам кўз, ҳам бадап —  
Ким, куяр хўлу қуруғ, чун пайситонга тушти ўт!

Совуруб гул хонумонини му қуюп рашгин экин,  
Ё фалак бедодидин сарви равонга тушти ўт?

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургани,  
Элга ўт солдинг вале мен нотаваонга тушти ўт.

Эй Навоий, билки, оҳе чекминам беихтиёр,  
Десаларким, бешаи<sup>2</sup> Мозандаронга<sup>3</sup> тушти ўт.

<sup>1</sup> Қ и р о қ — қироқ, чекка, чет.

<sup>2</sup> Б е ш а — туқай, чаңгалзор, ўрмон.

<sup>3</sup> М о з а н д а р о н — Эрондаги вилоят.



\* \* \*

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,  
Гоҳе кўзумга хол тушунтур, гаҳе губор.

Юзунгда хол сафҳада томган киби қора,  
Холинг малоҳати туз эрурким, қорада бор.

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,  
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Билман<sup>1</sup>, кўнгулда холларингнинг хаёлидур  
Ё киригинг тиканлари айлабсеп устувор.

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин,  
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Машшотаи қазо<sup>2</sup> бедамиш холу хаттини,  
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр?

Мискин Навоий холи<sup>3</sup> лабинг<sup>4</sup> кўрса, жон берур,  
Боқсанг не бўлди суврати ҳолиға, эй нигор?

---

<sup>1</sup> Б и л м а н — билмайман.

<sup>2</sup> М а ш ш о т а и қ а з о — оро берувчи қудрат, яъни Худо.

<sup>3</sup> Х о л — тасаввуфда илоҳий зотнинг ягоналиги тимсоли.

<sup>4</sup> Л а б — сўфийлар истилоҳотида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали позил бўладиган калом. Шунингдек, пирнинг илоҳий маърифатта кон сўзи ва бу жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.



\* \* \*

Не тирикмен, не ўлук, не соғ, не бемормен,  
Айта олмонким, фироқингдин не янглиғ зормен.

Нуқтаи оғзинг вამидин тортибон жадвалдек оҳ,  
Ашк селиш оқизиб, саргашта чун паргормен.

Дўстлар, кўнглум ҳадисин<sup>1</sup> демангиз Тенгри учун —  
Ким, мен ул девонаи саргаштадин безормен.

Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси<sup>2</sup>,  
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.

Бир қуёш ҳажринда туңдек рўзгорим тийрадур,  
Тонг эмас, гар тун киби мотам тутуб йиғлормеи.

Майда афюн эзгил, эй мувким, бу эски дайр аро  
Телбарармен гуссадин гар бир нафас хунёрмен.

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,  
Эй Навоий, чун неким дерлар, юз онча бормен.

---

<sup>1</sup> Ҳ а д и с — 1) сўз, калом; 2) ҳикоя, нақл.

<sup>2</sup> Маълумки, нурийдиси Юсуфдан айрилган Яъқуб алайҳиссалом унинг ҳажрида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолади. Оллоҳнинг марҳамати билан бейблиги исбоғланиб, Миср ҳукмдори бўлган Юсуф алайҳиссалом ҳузурига онглиқ сўраб борган акаларидан буши эшитиб, улар орқали отасига ўз кўйлагини бериб юборади. Кўйлақдан ўғлининг исини туйган Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб кетади. Бу ерда шу воқеага ишора қилиниб, иси кўр кўзларни очадиган Юсуфнинг кўйлаги ҳам ас-лида ёр кўйлагидан ҳар лаҳза жон топиши таъкидланмоқда.





\* \* \*

Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ они қанд ила,  
Синдурур юз қанд бозорини шаккархайд ила.

Токи ҳайропмен санга помус ила итминн кўнгул  
Телба янглирким, қочар эл ғофил ўлғач банд ила.

Одам ул соатки жаннат ичра авлодин кўрар,  
Не қувонғай дам-бадам сен позалин фарзанд ила!

Кўй насиҳат, зоҳидо, ўтлуғ дамимдин ваҳм қил,  
Телба ит имкони йўқтурким, соғалғай панд ила.

Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмасун,  
Хуш чиқишсанг лаҳзае бу зори ҳожатманд ила.

Лабларинг ҳажринда юз паркаидким бўлмиш кўнгул,  
Лаъл эрур маҳлул<sup>1</sup> қон ўрнига ҳар парқанд ила.

Чун Навоий кўнгли синди, эмди лутфунг не осиг —  
Ким, ушатса шинани бутмас яна пайванд ила.

---

<sup>1</sup> Маҳлул — эритилган, суюлтирилган.



\* \* \*

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,  
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиқлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро.  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға печа қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Эй кўнгул, келгилки, тарки жумлаи олам тутай.

Эмдиким, ишрат суруридин очилманг, эй кўнгул,  
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,  
Май кетурким, ҳам ичай бир лаҳза они, ҳам тутай.

Кўйрил. эй носихки, муғ дайрида<sup>1</sup> ўз аҳволима,  
Масти лояқил<sup>2</sup> ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен фано сарриштасин маҳкам тутай.

---

<sup>1</sup> М у р д а й р и — оташнарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.

<sup>2</sup> Л о я ь қ и л — ақсиз, ҳунсиз.

\* \* \*

Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?  
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазраи<sup>1</sup> айшим кўкармайдур самуми<sup>2</sup> оҳдин,  
Йўқса, ёшди мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Кўйма миннатким, юзумдек иок юз ҳеч кимда йўқ,  
Бўйла инқи иок ҳамким, меида бордур, кимда бор?

Бахт ул ой қасриға кўймас, йўқса дуди оҳдин  
Бу каманди хам-бахамким<sup>3</sup>, менда бордур, кимда бор?

Қалби рўйандуд<sup>4</sup> ила байъ<sup>5</sup> этса васлин, эй кўнгул,  
Довдин мунча дирамким, менда бордур, кимда бор?

Бор экин вобастаи<sup>6</sup> тавфиқ, йўқса, эй рафиқ,  
Бу қадар шавқи ҳарамким<sup>7</sup>, менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ  
Хусрави<sup>8</sup> соҳибкарамким, меида бордур, кимда бор?

<sup>1</sup> М а з р а ь — экин экиладиган жой, экинзор.

<sup>2</sup> С а м у м — гармсел.

<sup>3</sup> Х а м - б а х а м — эгилган, букилган.

<sup>4</sup> Р ў й а н д у д — риё, сохтакорлик билан бўлган; қоплама.

<sup>5</sup> Б а й ь — савдо; қиймат, нарх.

<sup>6</sup> В о б а с т а — боқлиқ, алоқадор.

<sup>7</sup> Ш а в қ и ҳ а р а м — ҳаж иштиёби, Каъба зиёрати ҳақида сўз бор-моқда.

<sup>8</sup> Х у с р а в — подшоҳ, ҳукмдор.



\* \* \*

Кўнгул ичра вам камлиги асру вамдур,  
Алам йўқлуви дағи қаттиқ аламдур.

Ема дарду андуҳдин вамки, истаб  
Топилмас бу давр бўлса, бу муғтанамдур<sup>1</sup>.

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,  
Хуш ул дамки, хотир аро дам-бадамдур.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса, тонг йўқ —  
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Маиға инқ дарди эмас муҳлику, бас,  
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Харобот аро, эй хуш ул ринди<sup>2</sup> сармаст<sup>3</sup> —  
Ки, оллида олам вужуди адамдур.

Мақом этса туфроқ уза тахти Жамшид,  
Сафолики, ул май ичар, жоми Жамдур.

Қадаҳ важҳи гар шайхдин ҳосил эрмас,  
Не вам, дайр пири чу соҳибкарамдур.

Навоий ичар бода ул шўх тутқач,  
Неча гарчи тақво била муғтахамдур.

<sup>1</sup> М у г т а н а м — ванимат.

<sup>2</sup> Р и н д — шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатини кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сармаст ва сархуш ошиқ тимсоли бўлиб келади.

<sup>3</sup> С а р м а с т — маст, сархуш.

\* \* \*

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар<sup>1</sup> йўқтур,  
Шажар бўлса ҳам, анда лабингдек самар йўқтур.

Қўзум ашқининг руди<sup>2</sup> оқар тезу тунд андоқ —  
Ки, гар уйқу кўз сари келур ҳам гузар йўқтур.

Отин тутсалар ногаҳ кетар, ўйла, ҳушумким,  
Бадан ичра руҳумдин, дегайсен, асар йўқтур.

Қўнгул сўрғали келдинг, рафиқо, муни билким,  
Ул овворадин сендек менга ҳам хабар йўқтур.

Йўлунгга писор ашқим агар оз эрур, гар кўп,  
Итингга визо кўнглум, агар бор, агар йўқтур.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун<sup>3</sup> этгим,  
Вафо нахли экканга бажуз<sup>4</sup> гусса бар йўқтур.

Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди —  
Ки, ўрнида эл боқса, дегайлар магар йўқтур.

<sup>1</sup> Ш а ж а р — дарахт, ниҳол.

<sup>2</sup> Р у д — ариқ, сой, дарё, жилға.

<sup>3</sup> О з м у н — синаш, имтиҳон.

<sup>4</sup> Б а ж у з — ...дан бошқа, ...дан бўлак, ...дан ўзга.



\* \* \*

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин<sup>1</sup> чокрок,  
Кирниким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок<sup>2</sup>.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин —  
Ким, йўқ эрди мапзил ул водийда андин покрок.

Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк —  
Ким, магар ондин ятиме йўқтурур бебокрок.

Жон олурда лабларингди барча эл қулдур санга,  
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок<sup>3</sup>.

Одамилиқ туфроғин берса фано елига чарх,  
Оҳким. йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча ўқласанг<sup>4</sup>, Навоий кўнгли захмироқ бўлур,  
Кўрмадук захмеки, тиккап сойи<sup>5</sup> бўлғай чокрок.

---

<sup>1</sup> П и р о х а н — қўйлак.

<sup>2</sup> Ғ а м н о к — ғамгин, қайғули.

<sup>3</sup> Ч о л о к — 1) чаққон; 2) келишган, хушбичим.

<sup>4</sup> Ў қ л а м о қ — ўқ отмоқ.

<sup>5</sup> С о й и — сари.



\* \* \*

Қоп ютуб умре, жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб, совиндим, ёр эрур,  
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим, олам элида йўқтурур мутлақ вафо,  
Ваҳки, умри улча йўқтур, совиниб бор истадим.

Улки топилмас башар<sup>1</sup> жинсида, ваҳ, вафлат кўрунг —  
Ким, пари хайлида мен девогани зор истадим.

Сирри ишқимни, кўнгул, кўз бирла фош этмак, не тош,  
Қалби тардомани<sup>2</sup> чун мен соҳибасро<sup>3</sup>р истадим.

Шайх бирла хопақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,  
Дайр пири хизматига кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу ғуссадин  
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

<sup>1</sup> Б а ш а р — киши, одам, инсон; инсоият.

<sup>2</sup> Т а р д о м а н — ахлоқсиз, гуноҳкор.

<sup>3</sup> С о ҳ и б а с р о р — сирлар соҳиби, ориф, пир, комил инсон.



\* \* \*

Тошмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме —  
Ким, замон осебидин бир-бирга айтишсоқ гаме.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,  
Гам йўқ ар ҳар дам гамин айтурга тошса ҳамдаме.

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қилгон захр пинҳон хотаме<sup>1</sup>.

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашқин, тутар ҳолиинга ҳар туп мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳақ магарким ком учун бошгин ёротқой<sup>2</sup> оламе!

Йўқ вафо жииси бани одамда, бўл навмедким<sup>3</sup>,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурга маҳраме.

Дарди захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Соқиё, кўксума лойидин доғи ёқ марҳаме.

Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Х о т а м — узук, узукнинг кўзи.

<sup>2</sup> Е р о т қ о й — яратгай.

<sup>3</sup> Н а в м е д — умидсиз.

<sup>4</sup> З е р у б а м — энг ингичка ва энг йўғон товуш.



\* \* \*

Ўтга солвил сарвини, ул қадди мавзун бўлмаса,  
Елга бергил гулши, ул рухсори гулгун бўлмаса.

Сарсари оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тоғига,  
Яхшидур тонг отқуча бу тоғ ҳомун<sup>1</sup> бўлмаса.

Телбалиқдин, ваҳки, ҳар дам дардим афзундур, агар  
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.

Ғар кўнгул қатл истабон сен ваъда қилдинг тонгла<sup>2</sup> деб,  
Ушбу дам ўлтур, бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса.

Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,  
Бода бермас токи ўзлук жиҳси марҳун бўлмаса.

Фоний ўл васл истар ўлсанг, бенаволиғдинг<sup>3</sup> не ғам,  
Бўлмасун ҳаргиз матоъе дунёи дун<sup>4</sup> бўлмаса.

Эй Навоий, тонма, ғар дер ул пари мажнун сени,  
Ошиқ ўлғайму парива, улки мажнун бўлмаса?!

<sup>1</sup> Ҳ о м у н — даиғ, сахро, чўл.

<sup>2</sup> Т о н г л а — қисмат қуни.

<sup>3</sup> Б е н а в о — бечора, бебаҳра.

<sup>4</sup> Д у н — тубан, разил, хор.



\* \* \*

Ҳажринг кунин бир йилчаву ҳар соатин бир ойча бил,  
Ҳайрат маҳалли бўлмағай ўн икки ой гар бўлса йил.

Ул ишвагар чун очти юз — кўзга назар йўқ, тилга сўз —  
Ким, ашқдин боғланди кўз, ҳайратдин ул янгливки тил.

Чун шаҳсуворим отланур, андин фалак лаъб ўрганур,  
Ишқида жисмим тўлганур ул навъким, ўт узра қил.

То чиқмас ул гул боғдин, бўлмиш бу дарду довдин  
Дардим оғирроқ товдин, хошокдин жисмим еигил<sup>1</sup>.

Эй ҳусн аро соҳибғино<sup>2</sup>, хуршид — атоиғдур, ой — апо<sup>3</sup>,  
Истар эсанг иисбат япо: ҳам сарв — аю, ҳам гул —  
сингил.

Кўк меҳридин айёрроқ, Баҳромдин<sup>4</sup> хунхорроқ,  
Сен ё фалак ғаддорроқ<sup>5</sup>, эй меҳри йўқ моҳим, дегил.

Кўрди Навоий жои аро ғам шуъласи ҳирмон аро,  
Кўз мардумидек қон аро, кўргач либосингни қизил.

<sup>1</sup> Ошиқнинг ишқ дардисда ўртана-ўртана зифлашиши — хас, хашак, сомон, барг, чўп даражасига тушиб қолиши тасаввуфда асосий шарт. Фақат шундагина илоҳий ишқ чақмони чақилиши билан у лов этиб ёнади-ю, машуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади.

<sup>2</sup> С о ҳ и б в и н о — бойлик эгаси; бу ерда: ҳусн шоҳи.

<sup>3</sup> А т о — ота. А п о — она, волида.

<sup>4</sup> Б а ҳ р о м — Миррих (Марс) сайёраси. Қадимги мунажжимлар уни фитна, уруш тимсоли, кишиларга бадбахтлик келтирувчи бехосият сайёра ҳисоблаганлар.

<sup>5</sup> Ғ а д д о р — маккор, ҳийлагар; хонин, алдамчи.

\* \* \*

Гўё лабу хаттингни тарҳ этганда<sup>1</sup> наққоши азал<sup>2</sup>,  
Шингарфу<sup>3</sup> зангор<sup>4</sup> ўрнига лаълу зумуррад<sup>5</sup> қилди ҳал.

Фош этти гоҳи риққати<sup>6</sup> кўз қони томган ҳайъати —  
Ким, кўз қорасин фурқати қон бирла айлабдур бадал.

Сен фурқат истаб кин ила, мен ер ўнуб тамкин ила,  
Қатл аҳлига<sup>7</sup> таскин ила қилмоқ намоз эрур ҳиял<sup>8</sup>.

Ҳажринг ўтидин ҳар замон андоқ куяр озурда жон —  
Ким, соғинур боғи жинон<sup>9</sup> дўзахқа кирса, филмасал<sup>10</sup>.

Юз йилга умр ўлсуи қарин<sup>11</sup> бир дам кўрар аҳли яқин<sup>12</sup>,  
Бас, недур, эй хилватнишин<sup>13</sup>, мунча санга тули амал<sup>14</sup>.

Васлу замони булғажаб, соқий, қадах тут лаб-балаб,  
Мутриб, тузат савту тараб, ўткар, Навоий, бир газал.

<sup>1</sup> Тарҳ этганда — чизганда, яратганда.

<sup>2</sup> Наққоши азал — энг биринчи наққош, яъни Худо.

<sup>3</sup> Шингарф — қизил ранг.

<sup>4</sup> Зангор — зангори, сариқ-яшил ранг.

<sup>5</sup> Зумуррад — зумрад, яшил тусли қимматбаҳо тош.

<sup>6</sup> Риққат — позиклик, юмшоқлик.

<sup>7</sup> Қатл аҳли — қатл этиладиганлар.

<sup>8</sup> Ҳиял — ҳийлалар, алдовлар.

<sup>9</sup> Жинон — жаннат.

<sup>10</sup> Филмасал — масалан, гўё.

<sup>11</sup> Қарин — яқин.

<sup>12</sup> Аҳли яқин — орифлар, валийлар.

<sup>13</sup> Хилватнишин — хилватда ўтирувчи.

<sup>14</sup> Тули амал — ҳою ҳавас, чексиз орзулар.

\* \* \*

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Катба вайрон бўлса, обод айлағай.

Гарчи халқ озодасимен<sup>1</sup>, ёр агар бандам деса,  
Аидин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо  
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлағай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила  
Сарсари ишқинг етиб, бориши барбод айлағай.

Шайхдин зуҳди риёи касб ўлур, ё Раб, қани  
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай?

Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,  
Одам эрмас улки, майли одамизод айлағай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,  
Ёнгилиб аввал менинг жошимга бедод айлағай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй шарий,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай.

<sup>1</sup> О з о д а — бу ерда: асилзода, жавонмард; эркин.



\* \* \*

Даврон гулию гулшани хориға арзимас,  
Гулгун майи балойи хумориға арзимас.

Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлиқ,  
Бир дам алар ихонату<sup>1</sup> ориға арзимас.

Манқалда<sup>2</sup> уду сандал<sup>3</sup> агар айласанг ўтуц,  
Бир лаҳза дуд бирла шарориға арзимас.

Офоқ<sup>4</sup> мулки фатҳи<sup>5</sup> учун тортмоқ сипаҳ,  
Билким, сипоҳ гарду губориға арзимас.

Юз қари<sup>6</sup> олам аҳли аро айламак нашот,  
Бир дам алар иифоқу пиқориға арзимас.

Йиллар ҳабиб васли муяссар эса, гаҳе  
Майли рақиб жониби бориға арзимас.

Киргил фано йўлиға, Навойки, даҳри дун  
Бу умри бесаботу мадориға арзимас.

<sup>1</sup> И х о н а т — хўрлаш, таҳқирлаш.

<sup>2</sup> М а н қ а л — оташдон, ўтхона.

<sup>3</sup> С а н д а л — ўтга ташласа, хушбўй ҳид таратадиган дарахт ёғочи.

<sup>4</sup> О ф о қ — дунё, олам.

<sup>5</sup> Ф а т ҳ — забт этиш, эгаллаш, ғалаба, зафар.

<sup>6</sup> Қ а р н — аср, давр.



\* \* \*

Менинг фироқиму аниг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ аҳтимоли тун била тонг.

Фариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига  
Кўруимамиш бу икнини мисоли тун била тонг.

Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур  
Кўнгул аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.

Не тунда айш пасими, не тонгда меҳр, магар —  
Ки, бўлди зулфу юзунг поймоли тун била тонг.

Тунунг хужаста<sup>1</sup>, тонгиинг қутлуғ ўлеун, эй маҳваш —  
Ки, икки бада сага бўлди ҳоли тун била тонг.

Биравки, тошгу тушии бода бирла ўткаргай,  
Яқинки, бўлмагай аниг малоли тун била тонг.

Навий этмади зулфу юзунг висолин кашф  
Валек эрур гамининг итгисоли<sup>2</sup> тун била тонг.

<sup>1</sup> Х у ж а с т а — қутлуғ, муборак, бахтиёр; бахтли, саодатли.

<sup>2</sup> И т т и с о л — қўшилш, бирлашиш; боғлиқлик, алоқа.

\* \* \*

Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,  
Тил неким, хомам<sup>1</sup> тилидин доғи мастур<sup>2</sup> этмайин.

Барча элга фитна бўлган кўзга мафтун бўлмайин,  
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Ишқ куфри бирла тақво хонақоҳин бузмайин,  
Бут хаёлидин кўнгул дайрини маъмур этмайин.

Ҳар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,  
Ҳар кун ониг ҳажрида кўнглумни махмур этмайин.

Гар чидай олмай кўнгул берсам бировга ногаҳон,  
Бори эл ичра чидай олгунча машхур этмайин.

Ишқу май анжоми чуп ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,  
Ўзни бу иқболдини куч бирла маҳмур этмайин.

Зулм ила эл жониға ўт ёқма, эйким, шоҳсен,  
Гар десанг дўзах ўтиға жонни маҳмур<sup>3</sup> этмайин.

Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий, ўзни мен  
Дўст маъмур айлаган хидматда маъзур этмайин.

<sup>1</sup> Х о м а — қалам.

<sup>2</sup> М а с т у р — бу ерда: ёзиш, битин.

<sup>3</sup> М а ҳ р у р — ёшмоқ, куймоқ.



\* \* \*

Рози эрмасмен кўнгул чокини пайванд этсангиз,  
Қолганин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Итлари оллида солибким мени ул кўйдин  
Қовмақ истарлар, даме машғулу хурсанд этсангиз.

Қайд этарда ул пари кўйида меп девонапи,  
Итлари занжири бирла кошки банд этсангиз.

Сўрмоғимға келса Мажнун нетти, эй аҳли жунун,  
Ваъзу панд айтиб, мепи бир дам хирадманд этсангиз.

Телба итни демагиз мендек, нединким, ор этар  
Ақлу ҳуш аҳлини бир мажнунға монанд этсангиз.

Эйки дебсиз: пандингиздип бодани тарк эткамен,  
Тарк этай, аввал мени шоистаи<sup>1</sup> панд этсангиз.

Гар аччиқ йиғлар Навоий, дафъиға, эй шўхлар,  
Нетти оллинда туруб бир дам шакарханд этсангиз?

---

<sup>1</sup> Ш о и с т а — лойиқ, муносиб, мувофиқ.





\* \* \*

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин —  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин  
Тобадоннинг<sup>1</sup> аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур  
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългун<sup>2</sup> май тутқил олтуи жом бирла сабада —  
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр аро бирранглик душвор эрур беҳад валек  
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

---

<sup>1</sup> Т о б а д о н — туйсуқ, дарча.

<sup>2</sup> Л а ъ л г у н — лаъл рангли, қизил.



\* \* \*

Юз жафо, тонг йўқ, гар ул помехрибондин кўргамеи,  
Ким вафо кўрмиш биравданким, мен ондин кўргамеи?!

Кимса абнойи<sup>1</sup> замондин кўрдиму ҳаргиз вафо —  
Ким, мен ул хунрезу<sup>2</sup> ошуби замондин кўргамеи?!

Қўйки, итдик телба кўнглум неча меҳнат, эй рафиқ,  
Ҳар дам ул овораи бехонумондин<sup>3</sup> кўргамеи.

Ўзгалар лутфин нетайким, жонима ором эрур  
Жавру бедодеким, ул ороми жондин кўргамеи.

Нозанинлар жилвагоҳи ичра ҳар ёи телмурур  
Кўзларимким, ул суманбарии<sup>1</sup> қаендин кўргамеи?

Еру кўкни ашқу оҳим селу дуди қилди гум,  
Неча ранжу меҳнат ул икки ёмондин кўргамеи.

Дема ул ой оразип кўрсанг, урар бошингга тир,  
Ҳар бало келса бошимга осмондин кўргамеи.

Хирқаю сажжодани қилсам фано дайрида раҳи,  
Икки олам судини мундоқ зиёндин кўргамеи

Эй Навоий, сўрмағилким, қилмағумдур ошқор,  
Юз ииҳои дарду меҳнатким, фалондин кўргамеи.

<sup>1</sup> А б о — болалар, фарзандлар, авлод. А б н о и з а м о н — замон аҳли, замондонлар.

<sup>2</sup> Х у н р е з — қон тўқувчи, қонхўр; золим, бешафқат.

<sup>3</sup> Х о н у м о н — уй-жой, уй жиҳозлари ва маишат асбоблари.

<sup>1</sup> С у м а н б а р — оқбадан; гўзал маҳбуба.

\* \* \*

Кимки, оининг бир малаксиймо париваш ёри бор,  
Одами эрса, пари бирла малакдии ори бор!

Кеча улким чирманур бир гул била, не тоинг, агар  
Гунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон, нашот изҳори бор.

Йўқ ажаб булбулва гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин-ўқ жисмига санчилгаи ададсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур  
Анкабутеки<sup>1</sup>, аининг жон риштасидин тори бор.

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,  
Гул юзуца ётқап икки позаин бемори<sup>2</sup> бор.

Айлаб ўзни масту беҳуд, чиқмасун майхонадин,  
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

---

<sup>1</sup> А н к а б у т — ўргимчак.

<sup>2</sup> Бу ерда маъшуқанин хумор кўзларига ишора қилинапти.



\* \* \*

Кўнглум ўртагсун агар ғайрингга парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамким, сеинг шавқунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин тамашно айласам, навмид ўлай,  
Ҳар киши ҳамким, сеинг васлинг тамашно айласа!

Ўзгалар ҳуснин тамашно айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамашно айласа!

Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа.

Ранқдин жошимға ҳар паргис кўзи бир шуъладур,  
Бов аро погаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ ориздин нукта айтур маҳвапимдек бўлмағай,  
Ғар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа!

Офият<sup>1</sup> жошимға етти, эй хуш ул муғким, мени  
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунупумға парихон<sup>2</sup>, йўқ табиб —  
Ким, ул апсабдур<sup>3</sup> пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини<sup>4</sup>,  
Ногаҳ аҳли сидқ<sup>5</sup> кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма печаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро<sup>6</sup> айласа.

<sup>1</sup> О ф и я т — соғлик, тинчлик.

<sup>2</sup> П а р и х о н — дуохон, азайимхон.

<sup>3</sup> А п с а б — энг лойиқ, энг муносиб.

<sup>4</sup> О с о р — белги, нишон.

<sup>5</sup> А ҳ л и с и д қ — Ҳақ йўлидаги кишилар.

<sup>6</sup> М у т а р р о — тозаланган, мусаффо.



\* \* \*

Оҳким, ул ошпо бегона бўлди оқибат,  
Хажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.

Ақлу допиш<sup>1</sup> лофини урган кўнгул йивлай юруй,  
Ул париваш ҳажрида девопа бўлди оқибат.

Қатра-қатра шодлив ашқинки<sup>2</sup>, сочтим васлида,  
Барча ҳижрон қушларига допа бўлди оқибат.

Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,  
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.

Соқиё, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани  
Фориг эткан соғару паймона бўлди оқибат.

Чекма ул, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон  
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.

Бутқа гар бош қўймадим, кўргилки, диним туҳфаси  
Дайр пири оллида журмона<sup>3</sup> бўлди оқибат.

Дединг: аввалким, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,  
Ҳеч билмоқким, санга, жоно, па бўлди оқибат?

---

<sup>1</sup> Д о п и ш — билим, маърифат.

<sup>2</sup> А ш қ — кўз ёши.

<sup>3</sup> Ж у р м о н а — гуноҳ учун олинмадиган ҳақ. Бу ерда тарсо (насроний) қизни севиб қолиб, унинг гўрт шарти ва икки журмонасини адо этган манхур Шайх Санъон қиссасига ишора манжул.



\* \* \*

Жамоатеки, жунун мангъини манга қиласиз,  
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз?

Кетинг, кўнгул била жонким, видоингиз қилдим,  
Фироқ агар бодурур, эрта кунни кеч қиласиз.

Фироқ вақтидур, эй кўзлар, эмди қон йиғланг,  
Билурмусизки, букун не кишидин айриласиз?

Кўзум ҳақиши биҳил<sup>1</sup> қилдим, эй жавоҳири ашк —  
Ки, боре ҳам анинг-ўқ мақдамига<sup>2</sup> сочиласиз.

Фироқ ишлари, ваҳки, яна раҳм этмай,  
Нафас-нафас нега мажруҳ ичимга ёғиласиз?

Кўнгул фасоналари, сизни, ваҳ, петиб яшурай,  
Бу навъким, юз уза қон ёш ила ёзиласиз.

Навоий ҳажрға қолди, қилинг висолда шукр,  
Жамоатеки, севар ёришгиз била биласиз.

<sup>1</sup> Б и ҳ и л — кечирини, афв этиш, рози бўлиш, баҳридан ўтин.

<sup>2</sup> М а қ д а м — ташриф буюриш, қадам қўйиш.



## М У С Ш А З О Д

Дип офати бир муғбачаи моҳлиқодур, майхораву бебок, —  
Ким, ишқидин онинг ваташим дайри фаподур,  
сармасту яқом чок.

Ҳам туррасинини<sup>1</sup> дуди вараъ белига зушнор,  
мен — кофири ишқи,

Ҳам юзи мажус<sup>2</sup> ўти киби шуълафизодур<sup>3</sup>,  
мен ўрганибон пок.

Ул чеҳра фуруғи<sup>4</sup> тушубон зор танимға, бир навъ куярким,  
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёподур ўт ичида хошнок.  
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,  
ул журъаи<sup>5</sup> майким,

Тегмиш анга майгун лаби жонимға даводур,  
не захру, не тарёк<sup>6</sup>.

Бу навъки айлар, майи васли ҳавасидин махмур бўлубмен,  
Мушкилки, ёзилгай бу хумореки, мангадур  
соғар бўлуб афлок<sup>7</sup>.

Сойилмену<sup>8</sup> мақсудум эрур пақди висолинг,  
бухл<sup>9</sup> айлама, жоно —

Ким, барча мазоҳибади<sup>10</sup> ишқ аҳли ародур,  
мазмум<sup>11</sup> эрур имсок<sup>12</sup>.

Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас бечора Навоий,  
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур ул булбули ғамшок.

<sup>1</sup> Т у р р а — кокил, зулф, соч ўримлари.

<sup>2</sup> М а ж у с — отанинараст, зардинтий.

<sup>3</sup> Ш у ъ л а ф и з о — шуълаланувчи, шуъла сочувчи.

<sup>4</sup> Ф у р у ғ — ёруғлик, равшанлик, нур.

<sup>5</sup> Ж у р ъ а — қултум, қатра, томчи.

<sup>6</sup> Т а р ё к — заҳарии дафъ қиладиган дори.

<sup>7</sup> А ф л о к — фалаклар, осмон қаватлари.


<sup>8</sup> С о й и л — сўровчи, истовчи; тиланчи, гадо.

<sup>9</sup> Б у х л — бахиллик, хасислик.

<sup>10</sup> М а з о ҳ и б — мазҳаблар, тариқатлар.

<sup>11</sup> М а з м у м — айбланган, нафратланган; маломат.

<sup>12</sup> И м с о к — бахиллик.



## Қ И Ш Ъ А Л А Р

Камол эт касбким, олам уйидин  
Саиға фарз ұлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жақондин нотамом ұтмак биайних  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

\* \* \*

Чу дунман ұлди қадимий — зиёнидип ҳазар эт,  
Агарчи путқи равонбахши жоиға роҳат эрур.  
Су(в) бирла ұт аро зиддият ұлди чуи азалий,  
Агар ҳаёт суйидурки, ұтқа офат эрур.

\* \* \*

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,  
Шикастидин<sup>1</sup> қилиб ваҳм, ұлма густох:<sup>2</sup>  
Упуттунгмуки, атфол ўйнаганда,  
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

\* \* \*

Не тольсдурки, ҳар кимни десам ёр,  
Мапга ул оқибат бўлур бадандеш<sup>3</sup>.  
Биравдур гар ани десам кўзумсен,  
Чекар мужгон киби қасдимға юз пеш.

<sup>1</sup> Ш и к а с т — сиһқ, мажруҳ.

<sup>2</sup> Г у с т о х — андинасиз, одобсиз.

<sup>3</sup> Б а д а н д е ш — нияти бузуқ; дунман.





\* \* \*

Юз туман нопок эрдин яхшироқ  
Пок хотунлар аёғининг изи.  
Лут<sup>1</sup> ўглин кўрки, солди тийралик  
Динга нафс илгида таъби ожизи.  
Даҳр аро ёқти сиёдат<sup>2</sup> машъалини  
Покравлиқтин<sup>3</sup> Расулуллоҳ қизи.

\* \* \*

Кўп олтун, кумуш сори қўл сунмоғил —  
Ки, тутсанг кафингни қора занг этар.  
Кўнгулда доғи майлини асрама —  
Ки, кўнгулнинг доғи ҳамул ранг этар.

\* \* \*

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,  
Хеч ор айлама гадолиғдин —  
Ким, буларга гадолиғ ортуғдур  
Аҳли сувратқа<sup>4</sup> иодшолиғдин.

\* \* \*

Сиймни сочқучи мингдин бирдур,  
Ўзгаларнинг иши келди термак.  
Ул жиҳатдин будурур одатким:  
Олмоқ осондуру мушқил бермак.

<sup>1</sup> Л у т — исломдан олдинги пайгамбарлардан бири. Қавми у кўрсатган ҳақ йўлга юрмагани учун устига тош ёндириб, ҳалок қилинган.

<sup>2</sup> С и ё д а т — сайидлик, улуклик, пайгамбар авлодига мансублик.

<sup>3</sup> П о к р а в — одобли, ахлоқли, ўзини тўғри олиб юрувчи.

<sup>4</sup> Тасаввуфда аҳли маъни деганда сўфий ва орифлар, аҳли сурат деганда шайху зоҳидлар тушунилади.



\* \* \*

Сафиҳ<sup>1</sup> золим ила бўлма хон уза ҳамдаст<sup>2</sup>,  
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақликқа.  
Ўзунга аблаҳи подонни айлама ҳамроз —  
Ки, яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақликқа.

\* \* \*

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,  
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг.  
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор<sup>3</sup>,  
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

\* \* \*

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон  
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами —  
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

\* \* \*

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур  
Агар даъб этса ани аҳли давлат.  
Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул —  
Ки, зоҳир бўлғай эл топқанда қудрат.  
Ато<sup>4</sup> ҳам турфа<sup>5</sup> ишдур, турфароқ бил  
Агар йўқтур анинг ёнида мишнат.  
Ҳаким инсони комил дебтур оши —  
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат.

<sup>1</sup> С а ф и ҳ — паст, тентак, нодон.

<sup>2</sup> Ҳ а м д а с т — қўлдош, бирга ишловчи, ёрдам берувчи.

<sup>3</sup> И с о р — сочиш, бақишлаш, инъом.

<sup>4</sup> А т о — хайру эҳсон, инъом, саховат.

<sup>5</sup> Т у р ф а — подир, кам учрайдиган.

\* \* \*

Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,  
Гарчи ул бўлса саййиди Қураший<sup>1</sup>.  
Бормагай дўзах ичра ҳеч сахий,  
Филмасал, бўлса бандаи ҳабаший<sup>2</sup>.

\* \* \*

Чун гараз<sup>3</sup> сўздиш эрур маъни анга,  
Ноқил<sup>4</sup> ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини  
Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер.

\* \* \*

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари,  
Юз мушқил ўлса, йўқса, минг оллингда ҳар замон.  
Юз сафҳа бир қалам била котиб қилур рақам.  
Минг қўйиши бир асо била ҳар ён сураб шубон<sup>5</sup>.

\* \* \*

Тирик чу охир ўлар, бас, ўқуш ғам муҳлик  
Чекиб ажал мададива бу изтироб недур.  
Чу ҳар кишики тугар, ўлмаини йўқ имкони,  
Не шики, бўлмаини имкони йўқ, шитоб недур?

<sup>1</sup> С а й й и д и Қ у р а ш и й — Қурайш улуғи. Қурайш — Муҳаммад алайҳиссалом мансуб қабила.

<sup>2</sup> Ҳ а б а ш — қора тагли, исгр.

<sup>3</sup> Г а р а з — мақсад, муддао.

<sup>4</sup> Н о қ и л — нақл қилувчи, ҳикоя айтувчи.

<sup>5</sup> Ш у б о н — чунон.



\* \* \*

Ажал чун муқаррардур ўлмак учун, бас, тамаъдин  
Недур юз вам ўтига куйдурмак ўзни.  
Чу турмоқдур ўлмак учун, бас, не, яъни  
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.

\* \* \*

Уч кишидин уч иш ёмов кўришур,  
Санга арз айлай аҳли дунёдин:  
Шоҳдин тундлуғ, ванидин<sup>1</sup> бухл,  
Молва майлу ҳирс донодин.

\* \* \*

Яхши хотунлар сафойи зухдидин  
Олам ичра гар ёрувлуқ бўлса фош,  
Йўқ ажаб, чушким араб алфозида<sup>2</sup>  
Истилоҳ ичра муанназдур<sup>3</sup> қуёш.

\* \* \*

Розни асра, чунки фош эттишг,  
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.  
Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,  
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.

\* \* \*

Биравким, хирадмаднинг нуқтасин  
Қулоғига олмас, не нуқсон мунга.  
Жавоҳирни термак анга саъб эса,  
Эрур сочмамавлиғ худ осон мунга.

<sup>1</sup> Ф а н и (й) — бой, бадавлат.

<sup>2</sup> А л ф о з — сўзлар, иборалар, тил.

<sup>3</sup> М у а н н а с — аёллик жинсига тегишли.



\* \* \*

Қуёшдек шаҳ адолат пеша<sup>1</sup> қилса,  
Ҳаҳон мулкини бир дамда ёрутгай.  
Агар зулм этса ақшом зулматидек,  
Ҳамул дам тийралик оламини тутгай.

\* \* \*

Тоғ кўп дарди сар<sup>2</sup> берур бизга,  
Зулмидур ақлу ҳуш торожи.  
Бошимиздин бу тоғни гум қил,  
Барча гар бўлса салтанат тоғи.

\* \* \*

Шаҳ лутфи гарчи бўлса кўп, қобил тоғар нашгу намо,  
Беважҳдур бу пуктага ҳар кимсаким диққат тугар.  
Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир<sup>3</sup>  
Саҳрода қамғоғу<sup>4</sup> тикан, бўстонда сарву гул бутар.

\* \* \*

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,  
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.  
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуг ишдур буқим,  
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

\* \* \*

Илми дин касб қилки, суд эрмас  
Чарх мушқилларини ҳал қилмоқ.  
Лекин ул илм дови нафъ этмас,  
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

<sup>1</sup> П е ш а — касб, ҳунар, одат.

<sup>2</sup> Д а р д и с а р — бош овриқ.

<sup>3</sup> О м — бу сра: умумий, барчага баробар.

<sup>4</sup> Қ а м ғ о ғ у — майда тиканли шарсимон юмалоқ чўл ўсимлиги.



\* \* \*

Навойй, тамаъ тухмини сочма кўп,  
Риё ашкидин анга су очма кўп.  
Амал мазраъин эккали берма ер,  
Ҳавову ҳавас хирманин елга бер.

\* \* \*

Қилибмен онча исёнким, агар дўзах аро кирсам,  
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлғай.  
Худоё, афв осонроқдурур, йўқса газаб қилсанг,  
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

\* \* \*

Ниҳоний игна санчар ёрлардин  
Адувваш<sup>1</sup> новакафганлар<sup>2</sup> кўп ортуқ.  
Мунофиқшева<sup>3</sup> золим дўстлардин  
Мухолифтабъ<sup>4</sup> душманлар кўн ортуқ.

\* \* \*

Ҳақ таоло бандасининг қисматин  
Чун азал девонида<sup>5</sup> қилмиш рақам.  
Чун ашинг тавйиришинг<sup>6</sup> имкони йўқ,  
Негаким, қилмиш ўзи жаффул қалам<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> А д у в — душман, ёв, рақиб; а д у в в а ш — душмансифат.

<sup>2</sup> Н о в а к а ф г а н — ўқ отувчи.

<sup>3</sup> М у н о ф и қ ш е в а — мунофиқликни касб қилиб олган.

<sup>4</sup> М у х о л и ф т а б ъ — тескари табиатли.

<sup>5</sup> А з а л д е в о н и — тақдир, қазову қадар.

<sup>6</sup> Т а в ѳ и р — ўзгариш, ўзгартириш.

<sup>7</sup> Ж а ф ф у л қ а л а м — қаламнинг ёзишдан тўхташи.



Кимки, андин ортуқ ўксук<sup>1</sup> истагай,  
Бордур анинг жаҳли ортуқ, ақли кам.  
Тенгри эҳсонига шод ўлган қилур  
Ўзи шоду меҳнатидин элни ҳам.  
Шокир<sup>2</sup> ўлмай улки, озу<sup>3</sup> ҳиредин,  
Доим этгай ўзи гамагин, кимга кам?!

\* \* \*

Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,  
Қўлида захри ҳалоҳилу<sup>4</sup> гар Хизр суйидур —  
Ки, бергучи агар ўлеун гадою олгучи шох,  
Берур илик юқорию олур илик қуйидур.

\* \* \*

Ҳар кишиким, топса даврон ичра жоҳу эътибор —  
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ<sup>5</sup>.  
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,  
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

\* \* \*

Сипуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,  
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.  
Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма  
Наиот неъматининг миннатини Ҳотамдин<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўксук — кам, оз, ноқис; паст, тубан.

<sup>2</sup> Шокир — шукр қилувчи.

<sup>3</sup> Оз — тамаъ, очкузлик, ҳарислик.

<sup>4</sup> Ҳалоҳил — ўтқир, таъсирчан, ҳалок қилувчи.

<sup>5</sup> Қилиғ — одат, кўникма.

<sup>6</sup> Ҳотам — саҳийлиги билан маниҳур бўлган араб қабила бошлиғи. Тай қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Тай деб донг таратган:



\* \* \*

Номаи аъмолим<sup>1</sup> ул янглив қорадур журмдин —  
Ким, надомат ашкидин ани оритмақ<sup>2</sup> ўлмағай.  
Балки гар Баҳри Муҳит<sup>3</sup> ичра солиб, йиллар юсанг,  
Ул қора бўлғай саросар, лек бу оқ ўлмағай.

\* \* \*

Кўрубмен онча вamu дард ошнолардин,  
Чекибмен онча алардин алам ано<sup>4</sup> бирла —  
Ки, тушса жоним ажал селиға, эрур хушроқ  
Фариқлиқки, халос ўлмоқ ошно бирла.

\* \* \*

Овзига кирган такалдум риштасин чекма узун —  
Ким, бу иштии сарнигушлуқ<sup>5</sup> юзлашиб, нуқсон келур.  
Кўрки, чун овзига кирган риштасига берди тул<sup>6</sup>,  
Анкабут ул риштадин ҳар дам пигунсор<sup>7</sup> осилур.

\* \* \*

Уйда равнақдурур, агар кишига  
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону<sup>8</sup>.  
Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,  
Бўлмаса анда турфа кадбону<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Номаи аъмол — амаллар дафтари.

<sup>2</sup> Оритмақ — кетказмоқ, покламоқ.

<sup>3</sup> Баҳри Муҳит — уммон, океан.

<sup>4</sup> Ано — машаққат, азоб, ранж.

<sup>5</sup> Сарнигуи — боши куйи; мажозан: остин-устун; бахтсиз.

<sup>6</sup> Тул — узунлик, узун.

<sup>7</sup> Нигунсор — боши эгилган; тескари.

<sup>8</sup> Ҳамзону — ҳамдам, ҳамроҳ, дўст.

<sup>9</sup> Кадбону — хотин, уй бекаси.





## Р У Б О И Й Л А Р

Ким бўлса бу мотамкададек<sup>1</sup> олам аро,  
Сайр айласа ғамсириштлик<sup>2</sup> одам аро.  
Ғар одам эрур, бўлса керактур ғам аро,  
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

\* \* \*

Иинқингда печа зор бўлай фурқат аро,  
Етсам хуш эрур базминга бир ишрат аро.  
Кўз икки юзунгдин олмасам суҳбат аро,  
Икки табонингдин, ўйлаким, хилват аро.

\* \* \*

Нўш айлар эмиш қадаҳни жонона тўла,  
Соқий, манга тут жоми ҳарифона<sup>3</sup> тўла.  
Қуй, ғар худ эрур сипеҳр наймона тўла,  
Ҳар печаки холи этсам, эт ёна тўла.

\* \* \*

Бир айбга ғарчи халқ қилғай мансуб,  
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб<sup>4</sup>.  
Сидқ эрса, худ этмак керак ўз феълини хўб,  
Кизб<sup>5</sup> эрса, маломат дави бордур матлуб.

---

<sup>1</sup> Мотамкада — мотам уйи, ғамхона.

<sup>2</sup> Ғамсиришт — ғамли, ғамгин табият.

<sup>3</sup> Ҳарифона — дўстларча.

<sup>4</sup> Маҳсуб — ҳисобга олинган; шерик, бир қатордаги.

<sup>5</sup> Кизб — ёлгон, найранг.



\* \* \*

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,  
Яхшию ёмон ипда тахаллуфни<sup>1</sup> унут.  
Ўткан гар эрур ёмон — таассуфни унут,  
Келган гар эрур яхши — тасарруфни унут.

\* \* \*

Қўрқутма мени тамуғдин<sup>2</sup>, эй зоҳиди ях<sup>3</sup>,  
Жашнат манга бўлғуси дебон урма занох<sup>4</sup> —  
Ким, дўзах анинг ёди била жашнат эрур,  
Жашнат бори сенинг биладур дўзах.

\* \* \*

Хар лаҳза кўнгул гамингда маҳзун бўладур,  
Маҳзунлуви лаҳза-лаҳза афзун бўладур.  
Савдо анга юз оичаки, мажнун бўладур,  
Юз мунча десам ҳам, не ажаб, чун бўладур.

\* \* \*

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,  
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.  
Данг узра қуюн киби қарорим йўқтур,  
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

\* \* \*

Олам бор эмиш, Навоё, шўрангиз<sup>5</sup>,  
Оламдави эл боштин-аёғ рангомиз<sup>6</sup>.  
Иниқ истар эмиш сени адам Мисри<sup>7</sup> сари,  
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

<sup>1</sup> Та х а л л у ф — ихтилоф, қаршилиқ, номувофиқлик.

<sup>2</sup> Т а м у ғ — дўзах, жаҳаннам.

<sup>3</sup> Я х — муз.

<sup>4</sup> З а н а х — ияк.

<sup>5</sup> Ш ў р а н г и з — ғавво солувчи, тўполоқ кўтарувчи.

<sup>6</sup> Р а н г о м и з — узгарувчан, хамелсон, буқаламун.

<sup>7</sup> А д а м М и с р и — йўқлик мамлақати.



\* \* \*

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўн севармен, эй умри азиз.

\* \* \*

Гар ошнқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,  
Дард иставу дафъига даво қилма ҳавас,  
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,  
Дилдорингдиш гайри ризо қилма ҳавас.

\* \* \*

Гурбатда вариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу<sup>1</sup> меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

\* \* \*

Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт,  
Ҳар ватдаки айласа, вафодур анга шарт.  
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,  
Оллига неким келса, ризодур анга шарт.

\* \* \*

Ул дамки, қуён ботти-ю, саргарди шафақ,  
Базмингва шафақгун май ила бер равнақ.  
Не Ҳақни унут, не майни қуйгил мутлақ —  
Ким, тоғла эрур Тенгри кариму барҳақ<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ш а ф и қ — шафқатли, марҳаматли.

<sup>2</sup> Б а р ҳ а қ — ҳақ, ҳаққоний.



\* \* \*

Ким кўрди экин жаҳонда, оё хушлуқ,  
То бир киши айлагай тамашно хушлуқ?  
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,  
Омодадурур<sup>1</sup> ёнида юз похушлуқ.

\* \* \*

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,  
Кўнглум аро ғайри нолаву афғон йўқ,  
Жонимга ҳаёт умиди худ имкон йўқ,  
Йўқ, йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

\* \* \*

Йўқ даҳрда бир бесару сомон<sup>2</sup> мендек,  
Ўз ҳолига саргаштаву ҳайрон мендек,  
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,  
Яъники, алохону аломон<sup>3</sup> мендек.

\* \* \*

Бераҳмдурур оламу золим афлок,  
Бемехрдурур анжуму даврон бебок.  
Қай сарви чаманки, жилва қилди чолок —  
Ким, ерга тўкулмади нечукким хошок?!

\* \* \*

Зоҳид, сенга ҳуру манга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсун, манга майхона керак,  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона печа бўлса тўла, ёна керак.

<sup>1</sup> О м о д а — тайёр, ҳозир.

<sup>2</sup> Б е с а р у с о м о н — бесаранжом, тартибсиз, бахтсиз.

<sup>3</sup> А л о х о н у а л о м о н — уй-жойсиз, хонавайрон.



\* \* \*

Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,  
Юклаб элiting жиёми фигуримни менинг.  
Ўтру чиқариб аҳли диёримни меининг,  
Кўйида қўюнг тани низоримни менинг.

\* \* \*

Кўксумни жафо тиви билла ёра қилинг,  
Кўнглумни чиқаринг дави — юз пора қилинг.  
Хар порасини бир сари овора қилинг,  
Ишқим ўтива бу навъ ила чора қилинг.

\* \* \*

То даҳрдурур, даҳр уза султоп бўлғил,  
То олам эрур, олам уза хоп бўлғил.  
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига мояи<sup>1</sup> дармон бўлғил.

\* \* \*

Йоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам<sup>2</sup>,  
Нур эл кўзиди англиса ўз кўзида кам.  
Кўзларни алишмоққа чекиб тиви ситам,  
Эл кўзини ҳам ўйга-ю, ўз кўзини ҳам.

\* \* \*

Зулфунг гириҳига<sup>3</sup> пойбаст<sup>4</sup> ўлмишмен,  
Лаълиинг майидин боданараст ўлмишмен.  
Ул майни ичиб, йўлунгда наст ўлмишмен,  
Ҳай-ҳай, не дедим, магарки маст ўлмишмен?

<sup>1</sup> М о л — асос, моҳият; бу ерда: сабаб, боис.

<sup>2</sup> З а м — қўшин, жамлаш.

<sup>3</sup> Г и р и ҳ — соч ўрими; тугун, чигил.

<sup>4</sup> П о й б а с т — асир, тутқун, мубтало, гирифтор.



\* \* \*

Ғар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,  
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.  
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳи тавба,  
Бу журм ила тавбадин, илоҳи, тавба!

\* \* \*

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,  
Осойини жони потавон бўлди яна,  
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,  
Ҳар лафзи ҳаёти жовидон бўлди яна.

\* \* \*

Ё кошифи<sup>1</sup> асрори<sup>2</sup> ниҳои бўлса киши,  
Ҳаллоли<sup>3</sup> румузи осмон бўлса киши.  
Ё ошиқи зори потавон бўлса киши,  
Девонаву расвои жаҳон бўлса киши.

\* \* \*

Дедим: зақанинг<sup>4</sup> тутуб, сақоғингни<sup>5</sup> ўнай,  
Кўз қошингга суртубон қабогингни ўнай.  
Гулдек юзунг ислабон дудогингни<sup>6</sup> ўнай,  
Йўқ, йўқ, йўқ агар десаиғ, аёғингни ўнай.

\* \* \*

Ҳар зулф хамиға қилма вобаста мени,  
Ҳар кўз ҳавасидин этмағил хаста мени.

<sup>1</sup> К о ш и ф — кашф этувчи, очувчи.

<sup>2</sup> А с р о р — сирлар, яширин парсазлар.

<sup>3</sup> Ҳ а л л о л — очувчи, ҳал қилувчи.

<sup>4</sup> З а қ а н — ияк, энгак.

<sup>5</sup> С а қ о р — ияк.

<sup>6</sup> Д у д о в — лаб.

Ҳар қош тамаъига солма пайваста<sup>1</sup> мени,  
 Ё Раб, борисидин айла вораста<sup>2</sup> мени!

\* \* \*

Мунглур бошим остидаги тошимниму дей?  
 Тош устидаги гариб бошимниму дей?  
 Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей?  
 Ўлмакдин сазброқ маошимниму дей?

\* \* \*

Кўз бирла қошинг яхши, қаборинг яхши,  
 Юз бирла сўзинг яхши, дудовинг яхши,  
 Энг<sup>3</sup> бирла менгинг яхши, сақонинг яхши,  
 Бир-бир не дейиш — бошдин-аёбинг яхши!

<sup>1</sup> П а й в а с т а — боланган, уланган, туташган.

<sup>2</sup> В о р а с т а — қутулган, халос бўлган, озод.

<sup>3</sup> Э н г — юз, чехра.

### Ш У Ю Қ Л А Р

Ё Раб, ул шаҳду шакар, ё лабдурур?  
 Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур?<sup>1</sup>  
 Жонима пайваста новак отқали  
 Ғамза ўқин қошига ёлабдурур<sup>2</sup>.

\* \* \*

Жавр ўқин жонимга соқий ёзмади<sup>3</sup>,  
 Васл жомидин хуморим ёзмади.  
 Килки<sup>4</sup> қудрат сабзхатлар<sup>5</sup> ишқидин  
 Ўзга иш оллимга гўё ёзмади.

\* \* \*

Ё<sup>6</sup> қошингдин печа бир ўқ кўз тутай,  
 Отки, ўтрусива анинг кўз тутай.  
 Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин,  
 Янги ой кўрган кишидек кўз тутай.

\* \* \*

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,  
 Қоши қаддимни жафодин ё<sup>7</sup> қилур.  
 Мен вафоси ваъдасидин шодмен,  
 Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур?

<sup>1</sup> Ё л а б д у р у р — бу ерда: ялабди.

<sup>2</sup> Ё л а б д у р у р — бу ерда: ёйлабди.

<sup>3</sup> Ё з м а д и — хато қилмади.

<sup>4</sup> К и л к и — қамин қалам, най қалам; килки қудрат — тақдир қалами, илоҳий қисмат.

<sup>5</sup> С а б з х а т л а р — навиҳол маҳбубалар.

<sup>6</sup> Ё — бу ерда: ёй.

<sup>7</sup> Бу ерда ҳам.



\* \* \*

Чарх тортиб хашжари ҳижрон бу тун,  
Қўймади бир зарра бағримни бутун.  
Тунга бориб бизни беҳол айладинг,  
Не балолия ер эмиш, ё Раб, бу Тун?!

\* \* \*

Ўткали ул сарви гулрух сориди,  
Йўқ хабар ул сарви гул рухсориди.  
Ҳажридин боғ ичра берур ёдима  
Қоматидин сарву гул рухсоридин.

\* \* \*

Тиғи ишқинг ёрасидур бутмаган,  
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган.  
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин,  
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган<sup>1</sup>.

\* \* \*

Ёвди жаврунг ўқи ҳажринг тошидек,  
Қилди қон кўнглум ичип ҳам тошидек.  
Сочқали моҳим аёғига сипеҳр  
Қўз ёшимнинг лаълу дурриг тошидек.

\* \* \*

Нақш тушмиш кўзда ул ёшим менинг,  
Ўйлаким, бормас буён ёшим менинг.  
Комим ўлмоқдур ҳабибимдин йироқ,  
Гар худ ўлсун Хизрча ёшим менинг!

<sup>1</sup> Бу ерда бутмаган сўзи биринчи мисрада — тузалмаган, иккинчи мисрада — тугамаган, тўртинчи мисрада — битмаган маъносда келаяпти.



## Ф А Р Ҷ Л А Р

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,  
Меҳр боринда ёруғлуг кўз тутар зарротдин<sup>1</sup>.

\* \* \*

Тамаъ этма кўп ўлса эл моли,  
Кўрмайини Ҳақ хазинасин холи.

\* \* \*

Етар чу ризқинг агар хорадур ва гар ёқут,  
Ўзунга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

\* \* \*

Мурувват барча бермақдур, емак йўқ,  
Футувват<sup>2</sup> барча қилмоқдур, демак йўқ.

\* \* \*

Қотиқ эл жисмидин анбурлар олмай нақд эмас восил —  
Ки, тоғни пора-пора қилмайин лаъл ўлмади ҳосил.

\* \* \*

Авлиё поясиғаду<sup>3</sup>р етмак:  
Топмаса — шукру топса — базл<sup>4</sup> етмак.

<sup>1</sup> З а р р о т — зарралар.

<sup>2</sup> Ф у т у в в а т — X асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда вужудга келиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Жавоимардлик, ахийлик ҳам дейилади. Борини бошқалар билан баҳам кўриш, барчага беғараз ёрдам қўлини чўзини, фақат яхшилик деб яшаш уларнинг шиори бўлган.

<sup>3</sup> П о я — мартаба, даража.

<sup>4</sup> Б а з л — инъом, эҳсон, тухфа.



\* \* \*

Базл ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,  
Ўйладурким, орзу қилгай буғу шохида гул.

\* \* \*

Элни хор айлаган тамаъ, билгил,  
Доимо азза ман қанаъ<sup>1</sup> билгил.

\* \* \*

Кўнгулга футур<sup>2</sup> ўлмаин, роз очилмас,  
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

\* \* \*

Фофил ўлма, назардин итса аду,  
Шамъ ўчурганда ел кўринурму?

\* \* \*

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,  
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

\* \* \*

Дунёву уқбо<sup>3</sup> иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,  
Кимки икки кема учини тутса, бўлур вариқ.

\* \* \*

Аблаҳ ани билки, оламдин бақо қилгай тамаъ,  
Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ.

---

<sup>1</sup> А з з а м а н қ а н а ъ — қаноат қилган азиздир.

<sup>2</sup> Ф у т у р — жароҳатлилик, аламзадалик.

<sup>3</sup> У қ б о — охират, нариги дунё.



\* \* \*

Истасангким, кўрмагайсен бевафолиғ, эй рафиқ,  
Қилма олам аҳли бирла ошнолиғ, эй рафиқ.

\* \* \*

Улки, санга элдин эрур айбгў<sup>1</sup>,  
Элга дори сендин ўлур айбжў<sup>2</sup>.

\* \* \*

Киши айбинг деса, дам урмавилким, ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!

\* \* \*

Киши айбин юзига қилма изҳор,  
Тааммул<sup>3</sup> айла ўз айбиингга зинҳор.

\* \* \*

Қизил тўнунг била юз хаста жонга офатсен,  
Ҳадиси мухтасар<sup>4</sup> айлай, қизил қиёматсен!

\* \* \*

Андоқ кўрунди сабза аросинда лолалар —  
Ким, сабзхатлар илгида олгун шиёлалар.

\* \* \*

Воқиф эрмас ёр жон берсам бузуғ кошонада,  
Шаҳ не огаҳ, хаста Мажнун ўлса бир вайронада.

---

<sup>1</sup> А й б г ў — бировнинг айбини айтувчи.

<sup>2</sup> А й б ж ў — бировнинг айбини қидирувчи.

<sup>3</sup> Т а а м м у л — сабр, бардош; ўйлаб иш қилиш, охирини ўйлаш.

<sup>4</sup> М у х т а с а р — қисқа.



\* \* \*

Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим уйи худ ерга паст,  
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст.

\* \* \*

Бўлганим ақлу ҳавосу умру жоңдин ноумид,  
Яхшироқким, бўлсам ул жоғу жаҳондин ноумид.

\* \* \*

Бординг-у келгум, дединг, эй шўхи раъно, келмадинг,  
Англадингким, келмасанг ўлгумдур, аммо келмадинг.

\* \* \*

Ошиқеким, кўргай ул бир қатла ҳар кун ёрини,  
Тенгрисига айладик юз қатла шукр изҳорини.

\* \* \*

Эй фалак, зулм эткали йўқтур менингдек бир кишинг,  
Тут вапиматким, бу дам тушмиш менинг бирла ишинг.

\* \* \*

Агарчи ишқ дардидин мапга юз минг уқубатдур  
Вале ҳамдардслиғ андин ортуғроқ суубатдур<sup>1</sup>.

\* \* \*

Кишиким, ёрини ҳар кун кўрарга ўрганур эрмиш,  
Чу бир кун кўрмас эрмиш, бешиҳоят эмганур<sup>2</sup> эрмиш.

\* \* \*

Бўлмағандур ҳусну ишқ ойинида, эй сарви ноз,  
Тоабад бир ёндин истиғнову<sup>3</sup> бир ёндин ниёз.

<sup>1</sup> С у у б а т — қийинчилик, азоб қаттиқлик.

<sup>2</sup> Э м г а н м о қ — қийналмоқ, азоб чекмоқ.

<sup>3</sup> И с т и в н о — гурур, эҳтиёжсизлик.



\* \* \*

Бу кун йўқ кимса мендек ишқ дарди ани зор эткан,  
Диёру мулкидин оворалиғни ихтиёр эткан.

\* \* \*

Ул париким, ани демишмен ёр,  
Одамлиғдин ўзга барчаси бор.

\* \* \*

Белу овзидин, дедиларким, дегил афсонае,  
Бошладим филҳолким<sup>1</sup>: «Бир бор эди, бир йўқ эди».

\* \* \*

Кўнглум ҳарими<sup>2</sup> ичра қилур жилва ул пари,  
Андоқки Каъба ичра ҳарамнинг<sup>3</sup> кабутари.

---

<sup>1</sup> Ф и л ҳ о л — дарҳол, шу онда.

<sup>2</sup> Ҳ а р и м — хос жой. К ў н г у л ҳ а р и м и — кўнгилининг энг но-  
зик жойи.

<sup>3</sup> Ҳ а р а м — хос маъзил; Макка шаҳри; Макка шаҳридаги энг буюк  
масжид.



## «МАҲБУБ ВА ҚУЛМАС» ДАҲ

Ғаҳе топдим фалакдин нотавонлиғ,  
Ғаҳе кўрдим замондин комронлиғ<sup>1</sup>.  
Басе иссиғ-совуғ кўрдум замонда,  
Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда.

\* \* \*

Ҳозиқ табиби хушғуй<sup>2</sup> тан ранжиға шифодур,  
Омию<sup>3</sup> тунду бадхуй эл жоииға балодур.

\* \* \*

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо ониғ ҳақин юз ганж ила.

\* \* \*

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Бахт аниғ нешини нўшу хорини гул айлади.

\* \* \*

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойин,  
Қайта<sup>4</sup> топқай муни ҳар нафспарасту худбин?

\* \* \*

Сўзки, маъносида ишқ ўти пишони бўлмағай,  
Бир таҳарруксиз<sup>5</sup> бадан англаки, жони бўлмағай.

<sup>1</sup> К о м р о н — мақсадга эринган, бахтли.

<sup>2</sup> Х у ш г у й — ширин сўзли, хушмуомала.

<sup>3</sup> О м и (й) — ўқимаган, авом, подон.

<sup>4</sup> Қ а й т а — қайда, қаерда.

<sup>5</sup> Т а ҳ а р р у к — ҳаракат, қимирлаш, тебраниш.



\* \* \*

Заррадин минг қатла камрак ким қуёшлик урса лоф,  
Кимки, бўлса зарра ақли, билурким, дер газоф<sup>1</sup>.

\* \* \*

Олимеким, илми эрди беамал,  
Ё ванийким, молиға бухл эрди ёр,  
Ўлдилар юз ҳасрату армои била,  
Элга бўлди ишларидин эътибор<sup>2</sup>.

\* \* \*

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса,  
Сайд айлар элни нукта фасоҳат<sup>3</sup> била деса.

\* \* \*

Заҳрнинг оз эса миқдори доғи муҳликдур,  
Игнанинг нуғи<sup>4</sup> заиф эрса доғи кўр қилур.

\* \* \*

Ўтдин исинурғача овуч оч,  
Куйдургудек англасанг, кейин қоч!

\* \* \*

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур —  
Ки, маҳзада<sup>5</sup> дур ё садафрезадур<sup>6</sup>.

\* \* \*

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд,  
Чу назм эттилар — қилди доно писанд.

<sup>1</sup> Г а з о ф — ёлғон, уйдирма, бемаъни.

<sup>2</sup> Э ъ т и б о р — ибрат, ўрнатма, сабоқ маъносида.

<sup>3</sup> Ф а с о ҳ а т — сўзнинг очиқ, равшан, гузал ва қоидага мувофиқлиги.

<sup>4</sup> Н у г — бирор нарсанинг учи.

<sup>5</sup> М а ҳ з а н — хазина.

<sup>6</sup> С а д а ф р е з а — садафнинг синиви.



\* \* \*

Не сўздики, етгай бировга вубор,  
Не лозимки, сеп қилғасен онкор.  
Қўлберки, қилсун аён душмани —  
Ки, бордур адоват адувнинг фаши.

\* \* \*

Ёлғон ўлса мулояматомиз<sup>1</sup>,  
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

\* \* \*

Ямон-яхшини Тенгридин англавил,  
Ямонни — ямон, яхшини — яхши бил.  
Ямонни агар яхши қилсанг гумон,  
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

\* \* \*

Хар кимсаки, айламас онуқмовни хаёл,  
Яфроғни инак қилур, чечак баргини бол.

\* \* \*

Эр кишига зебу зийпат ҳикмату допишдурур,  
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.

\* \* \*

Эл айбини айтурға бировким, узатур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

\* \* \*

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,  
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

---

<sup>1</sup> Мулояматомиз — ширин сўзлик, мулойимлик.





\* \* \*

Бўлди сайёдгау<sup>1</sup> сайдга нафс орзуси қайд,  
Йўқса, не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

\* \* \*

Кўп демак бирла бўлмавил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмавил ҳайвон.

\* \* \*

Хорага ҳар кишиким, дурри саминни<sup>2</sup> урғай,  
Хирад англарки, қаю бири бирипи синдурғай.

\* \* \*

Зевар<sup>3</sup> била шакли хўб бўлмас,  
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ<sup>4</sup>.  
Ҳар печа қоронғу бўлса хужра,  
Шамъ анда бўлур фузуи зиёлиғ.

\* \* \*

Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар  
Тушса нажосат ичра — юғай кимса ани пок.  
Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олғайму ани ток?

\* \* \*

Кишида барча ахлоқи ҳамида<sup>5</sup>  
Чу жам ўлди — қўярлар отин эҳсон.  
Бири андин саходур, бир — мурувват,  
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

<sup>1</sup> Сайёд — овчи.

<sup>2</sup> Дурри самини — қимматбаҳо гавҳар.

<sup>3</sup> Зевар — безак, зийнат.

<sup>4</sup> Лиқо — юз.

<sup>5</sup> Ҳамида — яхши, мақтовли.



\* \* \*

Яхшилиқ тухмини сочвилким, будур деҳқонға сўз:  
Ҳар неким, эқтинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

\* \* \*

Бевафо, ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,  
Келмади ҳаргиз алардин вайри бедоду жафо.  
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,  
Ҳақшунос ўлсау, бўлса анда ойини вафо.

\* \* \*

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,  
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўрқутунгуз.  
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,  
Ҳар навъ ила ўзни печа кун овутунгуз.

\* \* \*

Хирадманд чии сўздин ўзга демас  
Вале бари чии ҳам дегулик эмас.  
Киши чин сўз деса зебодурур,  
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

\* \* \*

Мозию<sup>1</sup> мустақбал<sup>2</sup> аҳволин такалум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

<sup>1</sup> М о з и й — ўтмиш.

<sup>2</sup> М у с т а қ б а л — келажак.



## «НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР» ДАҲ

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,  
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин,  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

\* \* \*

Қардошинг эмас улки, қўюб бош санга,  
Давлат чори қилгай ўзни қўлдош санга.  
Ким қилди қатиглигда вафо фош санга,  
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

\* \* \*

Тонгинг чу иёл<sup>1</sup> — яхшилиқ еткургил,  
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,  
Ҳар неча адаб бўлса қатиг, еткургил,  
Хайлингга<sup>2</sup> адаб қилиб, асиг<sup>3</sup> еткургил.

\* \* \*

Олтун-кумуш этма касб давлат қунидин —  
Ким, тортар адаб улусни меҳнат тунидин.  
Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,  
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

\* \* \*

Даҳр элики, келди аҳли номус бори,  
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,  
Оллингда печа қилса заминбўс<sup>4</sup> бори,  
Лекин бордур айбинга жосус бори.

<sup>1</sup> И ё л — хотин; оила.

<sup>2</sup> Х а й л — бу ерда: аҳлу аёл, оила.

<sup>3</sup> А с и г — фойда, наф, баҳра.

<sup>4</sup> З а м и н б ў с — ер ўниш, сажда қилиш, таъзим айлаш.



\* \* \*

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,  
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ.  
Зухри<sup>1</sup> абад истасанг, фаровон қилмоқ,  
Бил опи ато-анога эҳсон қилмоқ.

\* \* \*

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,  
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,  
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,  
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.

\* \* \*

Гар молни асбоби нажот айлагасен,  
Дарвенига<sup>2</sup> садқасини бот айлагасен,  
Молишдин агар сарфи закот айлагасен,  
Қўпрак бўлурига илтифот айлагасен.

\* \* \*

Ҳар кимгаки, кўп таом емак фашдур,  
Билгилки, пажосатқа тани маскандур.  
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур<sup>3</sup>,  
Невчунки, эр ўелига қорин душмандур.

\* \* \*

Сўздин кишиким гаму бало ҳосилидур,  
Ҳар ҷукта тили деса, бало дохилидур<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup> З у х р — захира.

<sup>2</sup> Тасаввуф истилоҳида дарвеш изловчи, истовчи маъносини билдириб, суфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасроп, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

<sup>3</sup> А х с а н — яхши, гўзал, аъло; офарин.

<sup>4</sup> Д о х и л — дахлдор, тегинчи.



Бесирфа<sup>1</sup> деган кишига тил қотилидур,  
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

\* \* \*

Жуз жуду<sup>2</sup> сахо уйини маъзил қилма,  
Имсокни сахо юзига ҳойил<sup>3</sup> қилма.  
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,  
Миннат била яхшилиқни ботил қилма.

\* \* \*

Уч феъл эрур кишига қотил охир,  
Қотиллиқ аро заҳри ҳалоҳил охир:  
Бухл англа бирип, бирип ҳаво бил охир,  
Қил ужбни<sup>4</sup> ҳам аларға дохил охир.

\* \* \*

Уч қисм ила иймонға бино фаҳм айла,  
Аввалвисиини анинг ҳаё фаҳм айла,  
Иккинчисини дари вафо фаҳм айла,  
Учунчини билмасаиғ, сахо фаҳм айла.

\* \* \*

Адл<sup>5</sup> айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,  
Хун ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,  
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,  
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

<sup>1</sup> Б е с и р ф а — сахий, қўли очик; бу ерда: кун гашириб, сўзни исроф қиладиган маъносида.

<sup>2</sup> Ж у д — сахийлик, инъом, эҳсон.

<sup>3</sup> Ҳ о й и л — тўсиқ, монеъ.

<sup>4</sup> У ж б — маъмашилик, ўзига бино қўйин.

<sup>5</sup> А д л — адолат, одиллик, инсоф.



\* \* \*

Майдоии сахо ичра жалодат<sup>1</sup> кўргуз,  
Топқонни берур амрига одат кўргуз,  
Бухл айласа, нафсингга адоват кўргуз,  
Ҳар нимаки топилса, саховат кўргуз.

\* \* \*

Ёреки, тегар бировга озори анинг,  
Ақл олдида тенгдурур йўқу бори анинг.  
Ёреки, эрур ҳамида атвори<sup>2</sup> анинг,  
Кўрмакка вапимат ўлди рухсори анинг.

\* \* \*

Жудеки, хирад буюрса, тобеъ бўлвил,  
Нафс айласа бухл, маръига<sup>3</sup> монеъ бўлвил.  
Озу кўп аро, сўзумга сомё<sup>4</sup> бўлвил:  
Кўп бергил-у, озга лек қонё<sup>5</sup> бўлвил.

\* \* \*

Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,  
Кўп гарчи бутунлук тиласанг, сингайсен,  
Ком истаю печа элга ёлингайсен,  
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

\* \* \*

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,  
Кўймоқ ани нафс муддаоси билгил,  
Нафсингга алам ҳирс балоси билгил,  
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

<sup>1</sup> Ж а л о д а т — улуглик, қахрамонлик.

<sup>2</sup> А т в о р — юриш-туриш, феъл-атвор, хулқ.

<sup>3</sup> М а р ъ и ғ а — амал қилиш, риоя этиш.

<sup>4</sup> С о м е ғ а — эшитувчи, тингловчи.

<sup>5</sup> Қ о н е ғ а — қаноат қилувчи, рози бўлувчи.



\* \* \*

Ҳар кимки, тамаъдурур гирифторлиғи,  
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи,  
Иzzат бермас нақду дирам борлиғи —  
Ким, бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

\* \* \*

Фарзанд ато қуллувин чу одат қилғай,  
Ул одат ила касби саодат қилғай.  
Ҳар кимки, атоға кўп риоят<sup>1</sup> қилғай,  
Ўғлидин анга бу иш сироят<sup>2</sup> қилғай.

\* \* \*

Эл қочса бировдин, эл ямони бил они,  
Аҳволида идбор<sup>3</sup> нишони бил они,  
Феъл ичра улус балойи жони бил они,  
Олам элининг ямон-ямони бил они.

\* \* \*

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин —  
Кам эрмас ашинг оғриғи жои оғриғидин.  
Ҳар неки санга етар лисон оғриғидин,  
Билгилки, қатикдурур синон оғриғидин.

\* \* \*


Шайтон йўлиди айла ҳазимат<sup>4</sup> зинҳор,  
Қилғил Раҳмон сори азимат зинҳор.  
Тоат била бер ўзунгга қиймат зинҳор,  
Ҳақ тоатиши англа ванимат зинҳор.

<sup>1</sup> Р и о я т — ҳурмат қилиш.

<sup>2</sup> С и р о я т — ўтиш, юқиш, таъсир.

<sup>3</sup> И д б о р — бахтсизлик, тушқунлик, ишининг орқага кетиши.

<sup>4</sup> Ҳ а з и м а т — қочин, чекинин, енгилш.



\* \* \*

Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ,  
Тарк этмак ани кавну<sup>1</sup> мақондин ортуқ.  
Сувсизга сув шавқи бўлса жондин ортуқ,  
Бил, сифлага<sup>2</sup> мол шавқи ондин ортуқ.

\* \* \*

Золимки, шиор этти жафо поясиши,  
Ўз воясин<sup>3</sup> истаб, олди эл воясини.  
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,  
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

\* \* \*

Одил кўзига бу — Каъба, у — дайр ўлмас,  
Золимда жафо қилурда эл ғайр ўлмас.  
Одилга бажуз хайр сори сайр ўлмас,  
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

\* \* \*

Эл поясин англай десанг, асрорини бил,  
Кўнглидаги муддаосин изҳорини бил,  
Қалбига кўра таши намудорини бил,  
Мағлубига боқ-у, кимса миқдорини бил.

\* \* \*

Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,  
Қуръонни тиловат этеун ар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

<sup>1</sup> К а в н — борлиқ, мавжудлик.

<sup>2</sup> С и ф л а — наст, пасткаш, хасис.

<sup>3</sup> В о я — ҳисса, улуш, насиба; фойда, баҳра.



\* \* \*

Бу даҳр ажзуеки<sup>1</sup>, вафоси йўқ анишг,  
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анишг,  
Дема мушиким: айбу хатоси йўқ анишг,  
Айби бас эрур буким: бақоси йўқ анишг.

\* \* \*

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар печаки авёрдурур, ёр айлар.  
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

\* \* \*

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғил-у, матлуб ўлғил,  
Ширип сўз ила халққа марғуб<sup>2</sup> ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисишгпи-ю, маҳбуб ўлғил.

\* \* \*

Ким оз деди нукта — айшу ком ўлди анга,  
Сўз қоидасида интизом ўлди анга.  
Ҳалдин ўта, ҳар кимки, калом ўлди анга,  
Ул павъ каломдин малом<sup>3</sup> ўлди анга.

\* \* \*

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,  
Тил рашжиги қолмоғлиғи имкон бўлмас.  
Кўп сўзлагучива ғайри нуқсон бўлмас,  
Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас.

<sup>1</sup> А ж у з — қари, кекса; кампир; жодугар, маккора.

<sup>2</sup> М а р ғ у б — ёқимли, севимли, маъқул.

<sup>3</sup> М а л о м — айб, таъна.



## «АРҒАЗИН» ДАИ

Мўмин эрмастур улки, иймондин  
Рўзгориди юз сафо кўргай,  
Токи қардошига раво кўрмас,  
Ҳар неким, ўзига раво кўргай.

\* \* \*

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,  
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.  
Ул мусулмондурурки, солимдур<sup>1</sup>  
Тилию илғидин мусулмонлар.

\* \* \*

Одамига агарчи воқеъ эрур  
Қариган сори барча ишда халал.  
Икки феъли вале йигитрак ўлур:  
Бири ҳирсу бириси тули амал.

\* \* \*

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,  
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим<sup>2</sup>.  
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,  
Анга раҳм айламас Раҳими карим<sup>3</sup>.

\* \* \*

Раҳмат озодағаки, ул олмас  
Даҳр динору<sup>4</sup> дирҳамин ғамға.  
Лек лаънат анғаки, қул бўлғай  
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.

<sup>1</sup> С о л и м — омон, соғ-саломат,

<sup>2</sup> Р а ҳ и м — раҳм қилувчи, марҳаматли, меҳрибон.

<sup>3</sup> Р а ҳ и м и к а р и м — меҳрибон ва карамли Оллоҳ.

<sup>4</sup> Д и н о р — олтин танга.



\* \* \*

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,  
Билгил, ул сўз санга амонатдур.  
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,  
Ул амонатга бу хиёнатдур.

\* \* \*

Хирсдин кечгил, ул ғамедурким,  
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.  
Тут қаноатки, ул эрур моле —  
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо.

\* \* \*

Субҳ уйқусин улки айлар тарк,  
Ризқу рўзин ўзига тўш<sup>1</sup> кўргай.  
Улки ғафлатдин этти навми<sup>2</sup> сабуҳ<sup>3</sup>,  
Бу шарафни магарки туш кўргай.

\* \* \*

Элга не келса, андин олмас панд,  
Улки, кўнглини қилди ғафлат банд.  
Кимки панд олди элга тушгандин,  
Они билким, эрур саодатманд.

\* \* \*

Бу ёзуқ<sup>4</sup> бас кишигаким, элдин  
Ҳар на сўзким эшитти — фош этти.  
Тов эшитгани дер, гуноҳидин  
Гўйё Тенгри они тош этти.

<sup>1</sup> Т ў ш (а) — озиқ-овқат.

<sup>2</sup> Н а в м — уйқу.

<sup>3</sup> С а б у ҳ — эрталаб, тонг отар пайт.

<sup>4</sup> Ё з у қ — гуноҳ, айб.



\* \* \*

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?  
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин:  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса кўирак улусқа пафъ андин.

\* \* \*

Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,  
Яхши юзлукдин иста бахшойиш<sup>1</sup>.  
Токи бахшойишидин аввалроқ  
Кўрмагиндин етушгай осойиш.

\* \* \*

Кимки ислом кўзгусида тилар  
Ҳар замон ўзга бир сафо мавжуд,  
Кечесун ул навъ борча ишдиким,  
Тенгри рози эмас, улус — хушнуд.

\* \* \*

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила  
Юз ҳунарвар<sup>2</sup> маротибин<sup>3</sup> топқай.  
Яъни ўз айби пардаси кўзига  
Ўзга эл айби чехрасин ёшқай.

\* \* \*

Эмас ул паҳлавошки, ўз қадрин  
Бош уза элтибон нигун<sup>4</sup> қилғай.  
Паҳлавон оши билки, етса ғазаб  
Нафси амморани<sup>5</sup> забун<sup>6</sup> қилғай.

<sup>1</sup> Бахшойиш — нигъмлар, эҳсонлар, туҳфалар.

<sup>2</sup> Ҳунарвар — ҳунарманд, фазилатли инсон.

<sup>3</sup> Маротиб — марғабалар, даражалар.

<sup>4</sup> Нигун — эгилган; ағдарилган, тескари.

<sup>5</sup> Нафсе аммора — ёмошикка ундовчи нафс.

<sup>6</sup> Забун — бечора, ожиз; мағлуб, енгилган.



\* \* \*

Эй хирадманд олимек, санга  
Илми дин рўзий айлади сонъ<sup>1</sup>.  
Киши ўрганса қилмавил махрум,  
Ёки нафъ олса, бўлмавил монъ.

\* \* \*

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,  
Бермасанг яхши тўъмадин<sup>2</sup> нафақа.  
Не учунким, Расул қавли билан  
Яхши сўз бордур, ўйлаким, садақа.

\* \* \*

Оналарнинг оёғи остидадур  
Равзаи жаннату жипон боғи.  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

\* \* \*

Солма кўз — кимса бўлса номахрам,  
Гарчи нафсинг топар иазорада суд —  
Ки, назарки ҳаром — шайтоннинг  
Новакидур валеқ захролуд.

\* \* \*

Кимки мўминдурур, қачон чидағай —  
Ким, ўзи тўқу қўнини бўлғай оч.  
Анга дови керак етурса насиб  
Хонида гар кулочу<sup>3</sup> хоҳи умоч<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> С о н е ъ — Яратувчи, Худо.

<sup>2</sup> Т ў ъ м а — озиқ-овқат, смак, луқма.

<sup>3</sup> К у л о ч — ширин кулча.

<sup>4</sup> У м о ч — уваланган хамир солиб шиширилган суюқ ош.



## М У Н Д А Р И Ж А

Маҳорат қирралари. <i>Эргаш Очилов</i> .....	3
Ғазаллар.....	12
Мустазод.....	134
Қитъалар.....	135
Рубойилар.....	144
Туюқлар.....	151
Фардлар.....	153
«Маҳбуб ул-қуллуб»дан.....	158
«Назм ул-жавоҳир»дан.....	163
«Арбаъи»дан.....	170

Муқовада ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚБОЕВ  
асаридан фойдаланилди

*Алмашер НАВОИИ*

*БИР ПАРИСТАЙКАР ҒАМИ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006

Муҳаррир *Г. Зокирова*  
Бадий муҳаррир *М. Аъламов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Мусахҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, А. Зокиров*  
Саҳифаловчи *Л.Цой*

Босишга рухсат этилди 26.10.2006. Бичими 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Бодони гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма табоғи  
6,43. Нашриёт-ҳисоб табоғи 7,8. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 2626. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-мағбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**



